O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... INV.№

Ватан ҳимояси – иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2007 йил, **1** сентябрь, шанба № **35** (2214).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Суббота, **1** сентября, **2007** год, № **35** (2214).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена договорная

Ўн олти йил тарих мезонлари билан ўлчаганда ғоят қисқа бир муддат эканини барчамиз яхши англаймиз. Бироқ биз учун том маънода янгиланиш ва юксалиш босқичи бўлган бу даврни ойлар ва йиллар билан эмас, балки амалга оширган ислоҳотларимиз самараси, бунёдкорлик ишларимиз салмоғи, қўлга киритган юксак марралар билан ўлчайдиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу йилларнинг ҳар бири чиндан ҳам ўн, керак бўлса, юз йилларга тенг бўлиши муқаррар.

Ислом КАРИМОВ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон халқини барчамиз учун ҳақиқатан ҳам энг улуғ ва энг азиз байрамимиз бўлмиш Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги билан чин қалбимдан табриклаш ва ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу гўзал ва муҳташам майдонда бугунги тантанамизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари вакиллари, узоқ-яқиндан келган қадрли меҳмонларимизни, бу байрамни биз билан бирга нишонлаётган барча дўст ва биродарларимизни бутун халқимиз номидан қутлаб, самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Азиз дўстлар!

Ўн олти йил тарих мезонлари билан ўлчаганда ғоят қисқа бир муддат эканини барчамиз яхши англаймиз. Бироқ биз учун том маънода янгиланиш ва юксалиш босқичи бўлган бу даврни ойлар ва йиллар билан эмас, балки амалга оширган ислоҳотларимиз самараси, бунёдкорлик ишларимиз салмоғи, қўлга киритган юксак марралар билан ўлчайдиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу йилларнинг ҳар бири чиндан ҳам ўн, керак бўлса, юз йилларга тенг бўлиши муқаррар.

Мана шу шиддатли ва кескин даврда биз босиб ўтган йўл, унинг улкан самаралари, синов ва машаққатлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бир фикрни тўла ишонч билан айтиш лозимки, шу йиллар давомида юртимизда демократик давлат қуриш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор топиш учун амалга оширган ишларимиз, бир сўз билан айтганда, Ватанимизни озод ва обод қилиш йўлида эришган марраларимизни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Бугун мана шундай шукуҳли дамларда бу ютуқларнинг ижодкори бўлган заҳматкаш деҳқон ва фермерлар, ишчи ва хизматчиларимиз, ишбилармон ва тадбиркорлар, жасур ҳарбийларимиз, олиму зиёлилар, маданият ва санъат аҳли, фидойи муаллим ва ўқитувчилар, жонкуяр шифокорларнинг беқиёс хизматларини эътироф этиб, барчангиз олдида, бутун халқимиз олдида бош эгиб таъзим қиламан.

Ҳурматли юртдошлар!

Шак-шубҳасиз, мустақиллик йилларида қўлга киритган салмоқли ютуқлар барчамизники ва уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди.

Айни пайтда бугун олдимизда турган муҳим ва долзарб вазифалар ўтган давр мобайнида барпо этилган салоҳиятдан оқилона фойдаланиб, бор куч-қудратимиз, имконият ва ҳаракатларимизни эртанги истиқболимиз, эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш учун сафарбар этишни талаб қилади.

Бу ҳақда гапирганда аввалambor қуйидагиларга эътибор бериш керак, деб ўйлайман.

Биринчидан, эришган ютуқ ва натижаларимизга танқидий баҳо бериб, уларга маҳлиё бўлмасдан, ўз олдимизга юксак марралар, узоқ ва давомли эзгу мақсадларни қўйиб яшашимиз, биринчи навбатда халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш доимо эътиборимиз марказида туриши зарур. Бунинг учун иқтисодиётимизнинг тез ва барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, яқин уч йил мобайнида ишчи-хизматчиларнинг маошларини, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини 2-2,5 баробар кўтариш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолиши шарт.

Иккинчидан, сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизни янада либераллаштириш, сиёсий партиялар, ижтимоий ва фуқаролик тузилмалари ҳамда нодавлат ташкилотларнинг қонуний ваколатларини кенгайтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш бўйича кейинги йилларда қабул қилинган ҳуқуқий нормаларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Учинчидан , ҳозирги мураккаб ва таҳликали замоннинг ўзи инсоният ҳаётига таҳдид солаётган турли балоқазолар мавжуд эканини ҳеч қачон унутмасликни, юртимизда тинчлик ва осойишталик, барқарорликни мустаҳкамлаш, сезгирлик, ҳушёрлик ва огоҳликни йўқотмасдан, ҳар қандай хавф-хатарга қарши муносиб жавоб бера оладиган куч-қудратимизни ошириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида доимо ҳаракатда бўлишимизни талаб қилади.

Тўртинчидан, эзгу мақсад ва режаларимизни рўёбга чиқаришда бизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлмиш ёшларимизга янада кенг йўл очиб бериш, фарзандларимизни замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга бўлган, маънавий юксак комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб жой олиши йўлида зарур шарт-шароитларни яратиб бериш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Бешинчидан, юртимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида тотувликни, фуқароларараро аҳилликни кўз қорачиғидай асраш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшаш, жамиятимизда меҳр-оқибат, саховат ва бағрикенглик муҳитини янада кучайтириш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиз бўлиб қолиши даркор.

Бугунги кунда эл-юртимизнинг ана шундай азалий фазилатлари, ёрдам ва кўмакка муҳтож бўлганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошираётган олижаноб ва савобли ишларимиз "Ижтимоий ҳимоя йили" бўйича қабул қилинган давлат дастурида ўзининг яқкол амалий ифодасини топаётгани барчамизни қувонтиради.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Бугун мана шу юксак минбардан туриб, кўнглимдаги яна бир гапни алоҳида таъкидлаб айтишни зарур, деб биламан.

Бугун 16 йил давомида босиб ўтган йўлимизни ва эришган марраларимизни баҳолар эканмиз, Ватанимиз, юртимизни улуғлаш, юксак муддаоларимизга етиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш мақсадида амалга оширган катта-катта ишларимиздан, тер тўкиб қилган меҳнатимиздан ҳар қанча фахрланиб, ана шу ютуқларга мен ҳам муносиб ҳисса қўшдим, деб бошимизни баланд кўтариб, ғурур ва ифтихор билан яшашга тўла ҳаққимиз бор, десам, ўйлайманки, бу фикримга барчангиз қўшиласиз.

Мана шу мунаввар оқшомда сизларни Ватанимизнинг Истиқлол байрами билан яна бир бор табриклар эканман, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ватанимизни, халқимизни, барчамизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асрасин!

Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!



Истиқлол бешиги, тахтимсан, Ватан!

Комолидин ТЎРАЕВ сурата олган.

БУ БАЙРАМ – БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Истиқлолимизнинг 16 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди

Мустақиллик - озод ва обод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзлигини, ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини теран англаши учун чексиз ва буюк имконият.

Халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз байрами – Мустақиллигимизнинг қутлуғ ўн олти йиллигини кенг нишонламоқда. Бу гўзал байрам юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишлайди.

Ўн олти йил. Балоғат ёши. Ватанимиз тарихида бу йиллар истиқлолимизнинг мустаҳкамлангани, том маънода, балоғат палласига қадам қўйгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу йиллар, мазмун-моҳиятига кўра, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида юртимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланади.

Ўн олти йилдирки, эл-юртимиз ўз тақдирини ўз қўлига олиб, мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Истиқлол йиллари Юртбошимиз раҳбарлигида ана шу эзгу мақсад йўлида эришилган салмоқли ютуқ ва натижалар, кенг қамровли ўзгаришлар, беқиёс имкониятлар билан халқимиз бугун ҳар қанча фахрланса арзийди.

2007 йил, 31 август. Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳар қачонгидан шукуҳли, гўзал, салобатли.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижлик меҳмонлар ташриф буюрган.

Соат 19.30. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз тантаналарини эликдан ортиқ мамлакат аҳолиси телевидение орқали томоша қилади. Бутунжаҳон глобал ахборот тармоғи – интернет орқали дунёнинг барча ҳудудларигача кириб боради.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси

Муҳтарам дўстлар!

Шу кунларда халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллик қутлуғ санасини кенг миқёсда нишонлаш учун катта ҳозирлик кўрмоқда. Барчамиз учун ҳақиқатан ҳам энг улуғ, энг азиз бўлган бу байрам арафасида ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни холисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуурига етказиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Албатта, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро ана шу ишларга ўз баҳосини бериш билан бирга, ҳар қайси инсон ва бутун мамлакат учун ҳаётий муҳим бўлган бошқа масалалар юзасидан ҳам ўзининг танқидий қараш ва фикр-мулоҳазаларини билдиришга тўла ҳақлидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, мустақилликка эришиш даври ҳақида, эски тузум инқирозга дучор бўлиб, собиқ иттифоқ парокандаликка юз тутган бир пайтда мамлакатимизда тобора кескин тус олган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият, ўзлигимизни англаш ва топталган миллий ғуруримизни тиклашга қаратилган интилиш кучайиб боргани, Ватанимиз мустақиллигини қўлга киритиш қандай шароитда кечгани ҳақида яхлит, ягона ва холис кўз билан қараб баҳо берадиган жиддий таҳлил-тадқиқот ҳозиргача амалда йўқлигини афсус билан айтишга тўғри келади.

Ўзбекистон мана шундай таҳликали ва мураккаб вазиятда қандай мақсадларни кўзда тутиб, қандай амалий чора-тадбирларни амалга оширганини, бу ҳаракатларнинг илмий-тарихий, мантиқий ва қонуний замини ва омиллари, керак бўлса, истиқлол ўзбек халқига туҳфа тариқасида берилмагани – буларнинг барчаси ҳақида ҳар тарафлама чуқур ёритиб ва исботлаб берадиган изланиш ва таҳлил бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини қайд этишимиз зарур.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2007 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 29 август.



8 ЮРТ ТИНЧЛИГИ, ВАТАН РАВНАҚИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ

НУРАФШОН КУНЛАРДА УЛАР ҲАҚҚИ БОР



9 НОВЫЕ ТРАДИЦИИ

ПРИТЯЖЕНИЕ К ПРОФЕССИИ



10 БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

«ЗОЛУШКА СРЕДНИХ ДИСТАНЦИЙ»



12 АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

ЎЗ ЭЛИМНИ ЎЛАН АЙТИБ КУЙЛАЙМАН

БУ БАЙРАМ – БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Майдон узра таралаётган оҳанрабо куй ва қўшиқ таъсирида кўз ўнгимизда истиқлолнинг ўн олти йили бирма-бир гавдаланади. Президент Ислом Каримов куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" маърузасида ўтган давр мобайнида халқимиз барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритганини алоҳида таъкидлади.

Ўтган даврда Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасида бетимсол ислоҳотлар амалга оширилди. Мамлакатимизда самарали фаолият юритаётган икки палатали парламент ана шу янгиланишларнинг яна бир юксак маҳсулидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан қабул қилинаётган ва маъқулланаётган барча қонунлар жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, унинг ҳаётий фаолияти билан боғлиқ ҳамма соҳаларни ислоҳ қилиш вазифаларини изчиллик билан ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Суд-ҳуқуқ тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим таркибий қисми - суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган мутлақо янги концепция ишлаб чиқилди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноятларнинг таснифи қайта кўриб чиқилди, ўзгартирилди. Жиноят-процессуал қонунчилигида халқимиз менталитетига хос бўлган ярашув институти жорий этилди.

...Майдонда таралаётган қўшиқ сеҳридан диллар сурурга тўлади. Кўнгилларга ўктамлик бағишловчи мусиқага ҳамоҳанг рақслар қанотида бунёдкор эл қураётган озод ва обод Ватан манзаралари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Байрам дастури орқали ифода этилаётган истиқлол йилларида қўлга киритаётган улкан ютуқларимизга боқиб, ана шундай бунёдкор халқ яшайдиган юртнинг келажаги шубҳасиз буюкдир, деган қатъий ишонч янада мустаҳкамланади.

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг турмуш даражасини янада юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир. Йўлбошчимиз томонидан ишлаб чиқилган ва амалда изчил татбиқ этилаётган миллий тараққиётнинг "Ўзбек модели" - Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ривожланиш стратегияси ўз самараларини бермоқда.

Дарҳақиқат, бундан ўн олти йил муқаддам асосан хомашё ишлаб чиқаришга йўналтирилган республикамизда автомобилсозлик, целлюлоза-қоғоз, электроника каби мутлақо янги тармоқлар йўлга қўйилди, минглаб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Маҳаллийлаштириш дастури импортни қисқартириш ва янги иш ўринлари яратиш имконини берди.

Қизилқум фосфорит, Бухоро нефтни қайта ишлаш, "ЎзДЭУавто", Қўнғирот сода, Самарқанд автобуслар ва кам сиғимли юк машиналари ишлаб чиқарувчи заводлари, Шўртан газ-кимё мажмуаси сингари кўплаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилди. Биргина шу йилнинг дастлабки олти ойида 154 янги йирик ва кичик саноат ишлаб чиқариш қувватлари, шу жумладан 30 енгил ва тўқимачилик саноати объекти ишга туширилгани бу борадаги ишлар нечоғли жадал бораётганидан далолатдир.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ коммуникация ва транспорт тармоқларини ривожлантиришга иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралди. Республикамизнинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шарт-шароит яратадиган, халқаро транспорт йўлаклари ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқишини таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмаси янгиланди. Юртимизнинг йирик шаҳарларидаги аэропортлар замон талаблари асосида реконструкция қилинди. Темир йўл вокзаллари замон руҳига мос равишда янги қиёфа касб этди.

Байрам арафасида қуриб битказилган "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўл линияси диёримиз тарихида оламшумул аҳамият касб этувчи, мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тизимини яратишнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди. Денгиз сатҳидан 1800 метр баландликдаги Ҳисор тоғ тизмаларини кесиб ўтган, узунлиги 223 километрни ташкил этувчи бу янги темир йўл наинки Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини, балки ушбу воҳани пойтахтимиз ва юртимизнинг бошқа ҳудудлари билан ҳам боғлади.

Айни чоғда, у фақат Ўзбекистон учун эмас, балки минтақамиз тараққиётида, қолаверса, неча асрлар мобайнида Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган қадимий Буюк ипак йўлини қайта тиклашда муҳим аҳамиятга эга. Янги темир йўл линияси қўшни мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни жадаллаштириш ҳамда келгусида Афғонистон ва Эрон орқали Форс кўрфази портларига чиқиш учун ҳам хизмат қилади.

Истиқлолимизгача юртимизда бир миллион тоннага яқин ғалла етиштирилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич олти миллион тоннадан ошди. Бунга асосан ҳосилдорликни кўтариш ҳисобидан эришилмоқда. Масалан, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида ғалла ҳосилдорлиги 20 центнердан ошмаган бўлса, жорий мавсумда бу кўрсаткич 48 центнердан ортди. Бу юртимиз аҳолисининг ун ва ун маҳсулотларига бўлган талабини қондирибгина қолмай, балки эҳтиёжидан зиёдини экспорт қилиш имконини ҳам бераётир.

Бундай ютуқлар замирида, аввало, тинчлик ва барқарорлик, мамлакатимизнинг тараққиёт йўлидаги дадил одимлари, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаган халқимизнинг фидокорона, ҳалол меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти ва қудрати, юртдошларимизнинг Ватанга садоқати, ёруғ истиқболга ишончи мужассамдир. Бу, ўз навбатида, йилдан-йилга аҳолининг реал даромадлари кўпайишига, демакки, кишиларимизнинг ҳаёти янада фаровонлашувига олиб келмоқда.

..."Ўн олти ёш бўлдик биз". Майдонда улуғвор байрамнинг тантанавор руҳига ҳамоҳанг бўлиб, кечага ўзгача файз ва тароват бахш этиб куйлаётган ва шўх-шан рақс тушаётган Истиқлол тенгдошларини олқишлар эканмиз, қалбларимизда яна бир бор бетакрор Ватанимиз, унинг келажакка интилаётган иқтидорли йигит-қизлари билан фахрланиш туйғулари жўш уради.

Юртбошимиз айтганидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Шу маънода, уларни етук инсонлар этиб вояга етказиш, бахти ва камоли учун ҳеч нарсани аямаслик давлатимиз ва жамиятимизнинг устувор вазифаларидан этиб белгилангани ўз самарасини бермоқда.

Истиқлол йилларида юксалиб бораётган куч-қудратимиз, салоҳиятимиз дунё спорт майдонларида ёшларимиз эришаётган ғалабаларда ҳам намоён бўлмоқда. Бугун улар дунё спорт майдонларида юрт байроғини баланд кўтармоқда. Рустам Қосимжонов ва Руслан Чагаев, Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Армен Багдасаров, Дилшод Мансуров ва Абдулла Тангриев, Гўзал Хуббиева ва Мафтуна Тўхтасинова, Рустам Саидов ва Ўткирбек Ҳайдаров ҳамда уларнинг издошлари бўлган юзлаб шижоатли ёшларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда, жаҳон ва қитъа беллашувларида ёрқин ғалабалари билан Ватанимиз шуҳратини тараннум этиб, дунё аҳлини ҳайратга солмоқда.

Ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қиладиган дунё тажрибасида кузатилмаган уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари тизимининг жорий қилиниши юртимизда соғлом авлод вояга етаётганидан яна бир далолатдир. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт мусобақаларидан иборат бу тизим биринчи синф ўқувчисидан то олий ўқув юртлари талабаларигача бўлган ёшларни ўзига қамраб олди.

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганига ўн йил тўлди. Ўтган даврда ушбу ҳужжатлар ва кейинги даврда ишлаб чиқилган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши таълим сифати ва мазмун-моҳиятини тубдан яхшилаш имконини берди.

Таълим соҳасидаги давлат дастурлари ушбу жабҳани сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, халқаро меъёрларга мувофиқ билим олиш жараёнини такомиллаштириш имконини бермоқда. Давр ва ислоҳотларимиз талабларига жавоб берадиган таълим стандартлари, дарсликлар яратилди. Олис ва чекка қишлоқларда ҳам компьютерлар, ўқув-лаборатория ускуналари, зарур адабиётлар билан жиҳозланган замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар, бошқа илғор таълим масканлари барпо этилаётир.

Мамлакатимизда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ўзида мужассам этган ўн икки йиллик ўқитиш тизимига ўтилди. Бу тизим ўғил-қизларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий-демографик шароити, меҳнат бозоридаги талаб ва эҳтиёжини инобатга олган ҳолда мутахассислар тайёрлаш имконини бермоқда.

Бугун мамлакатимизнинг олис қишлоқларида қад кўтарган мактаб, лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг таълим олиши ва касб-ҳунар эгаллаши учун яратилган шарт-шароит шаҳарларда бунёд этилган ана шундай таълим муассасаларидаги шароитдан қолишмайди. Эътиборли жиҳати шундаки, юртимизда тиббий-ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барча ўғил-қизларнинг пухта таълим, мукаммал тарбия олиши учун етарли шароит ва имкониятлар яратилган. Айниқса, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида бундай эзгу ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Ушбу дастурга асосан Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар реконструкция қилиниб, капитал ва жорий таъмирдан чиқарилмоқда, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Шу билан бирга жисмоний имконияти чекланган болалар учун махсус – инклюзив таълимни тобора ривожлантириш, уни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Соҳанинг барча бўғинлари қатори махсус таълим тизими мутахассислари, педагог ва тарбиячилар меҳнати қўллаб-қувватланмоқда, муносиб рағбатлантирилмоқда, уларни қайта тайёрлаш, касбий маҳоратини юксалтиришга катта аҳамият қаратиляпти.

Истиқлол ёшларимизга юртимизнинг ва хорижнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиш имконини яратди. Мамлакатимизда олий таълим соҳасида бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг замонавий тизимига ўтилди.

...Майдон узра таралаётган наволар, куй-қўшиқлар авжга чиқади. Саҳнада миллий либослардаги қизлар намоён бўлади. Мамлакатимизда истиқлолимиз пойдеворини мустаҳкамлаш, амалга оширилаётган умидбахш ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш ишларида хотин-қизларимизнинг улуши йил сайин ошиб бормоқда. Зеро, оиладаги тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, жамиятимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнида юртимиз хотин-қизларининг алоҳида ўрни бор. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони хотин-қизларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодаси бўлди. Бугунги кунда хотин-қизларни ўқитиш, иш билан таъминлаш, соғлиғини мустаҳкамлаш, спортга жалб этиш, бир сўз билан айтганда, жамиятдаги фаоллигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Уч йил муқаддам йўлга қўйилган Республика хотин-қизлар спартакиадаси йилдан-йилга оммалашиб бормоқда. Синхрон сузиш бўйича "Сув париси", бадиий гимнастикачиларнинг "Шарқ гўзали" халқаро турнирлари хотин-қизларимизнинг спорт оламида нималарга қодирлигини дунёга кенг намойиш этмоқда.

Ижтимоий ҳимоя йилида навқирон йигит-қизларимизга, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрлик янада юксалди. Президентимизнинг 2007 йил 18 май куни имзоланган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу йўлда қўйилган залворли одим бўлди. Ушбу фармон ижроси доирасида жойларда минглаб ёшларимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш, уй-жой қуриш, таъмирлаш ёки сотиб олиш, шунингдек, мебель ва бошқа ҳаётий зарур товарлар харид қилиш учун банклардан имтиёзли шартлар асосида кредитлар олмоқда...

Даврага болалар чиқадилар. «Томоша» болалар ижодий театр студияси, "Булбулча", "Юлдуз", "Ором" ва «Наврўз» болалар ашула ва рақс дасталари "Бахтиёр болалармиз" вокал-хореографик композициясини ижро этадилар. Болаларнинг шўх-шодон куйлашлари, рақсга тушишлари томошабинларни тўлқинлантириб юборади. ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётган беғубор авлодга боқиб дилингиз яйрайди, ҳавас қиласиз. Қувноқ ва серзавқ ўғил-қизларимиз ўзларининг бахтли болаликни мадҳ этувчи қўшиқлари, шўхчан рақслари билан қалбларимизда умид ва ишонч уйғотади...

Соғлиқни сақлаш соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар юртимизда инсон умри, унинг сиҳат-саломатлиги олий қадрият сифатида амалда улуғланаётганидан яна бир далолат. Тизим моддий-техника базасининг муттасил яхшиланиши, етук мутахассислар тайёрлашга эътибор ва тиббиёт ходимларининг ҳар томонлама моддий ва маънавий қўллаб-қувватланиши натижасида соҳада улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Оналар ва болалар ўлимининг кескин камайиши, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида қўлга киритаётган ютуқларимиз БМТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ сингари кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар бераётган самаралардандир...

Ўзбекистон БМТ, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти сингари тузилмалар доирасида жаҳон ҳамжамияти ва минтақа давлатлари билан кенг кўламли иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни амалга оширмоқда. Шу тариқа юртимиз ҳаётбахш ислоҳотлари, демократик ўзгаришлар йўлида собит-қадамлиги, мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

...Истиқлол туфайли аждодларимиз томонидан яратилган улкан маънавий-маданий меросимиз қайта тикланди. Умуминсоний қадриятларга эш бўлган миллий ва диний қадриятларимиз бойиб, ривож топиб бораётир. Бу борадаги кенг кўламли эзгу ишларимиз самараси ўлароқ, 2007 йилда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши мамлакатимиз ҳаётида улкан маданий-маънавий воқеа бўлди.

Тарихи неча минг йилларга бориб тақаладиган шаҳарларимиз юбилейларини халқаро миқёсда нишонлаш яхши анъаналаримиздандир. Куни кеча Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик қутлуғ тўйи кенг нишонланди. Тарихий обидалари, муқаддас қадамжолари билан дунё аҳлини лол қолдириб келаётган Самарқанд истиқлол йилларида замонавий шаҳар сифатида ҳам шуҳрат қозонди. Бундай азим шаҳарларимизни янада обод этиш, шу кентларда яшаган аждодларимиз меросини қайта жонлантириш ва ривожлантириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Шу кунларда Марғилон шаҳри тўйига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Буюк ипак йўлида жойлашган Марғилоннинг 2000 йиллик санасини муносиб нишонлаш халқимизнинг боқий меросини асраб-авайлашда, кенг тарғиб этишда, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Ўтган йиллар мобайнида миллий ва мумтоз мусиқа меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, эстрада санъатини ривожлантиришга хизмат қиладиган талай ишлар амалга оширилди. Юртимизда миллий ва халқаро мусиқа фестивallари, кўрик-танловлар ўтказиш анъана тусини олди. Самарқандда ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали Машриқу Мағриб мусиқа ва қўшиқчилиги ноёб намуналарини жаҳонаро тарғиб этиш ва ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда.

...Майдон узра турли миллат қўшиқлари жаранглайди. Ўзбекистон – дунёга бағрини очган диёр. Зеро, шу азиз Ватан – барчамизники. Бу заминда асрлар мобайнида ўнлаб миллат ва элат вакиллари қўлни-қўлга бериб, елкама-елка яшаб келмоқда. Юртимизда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик муҳити ҳукмрон. Республикамизда кишиларнинг диний ва миллий мансублигидан қатъи назар, барча билан бирдек бағрикенглик асосида муносабатда бўлиши, оқибатлилик, тинчликсеварлик, очиқлик ва саховатпешалик сингари халқимизга хос фазилатлар мужассамлиги туфайли 130 дан ортиқ миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаб, ягона мақсад - юрт тинчлиги ва Ватан тараққиёти йўлида ҳалол меҳнат қилмоқда...

Майдонда ҳарбий мусиқа садолари янграйди. Саҳнага саф-саф бўлиб шахдам ва собит қадамлар билан Ватан посбонлари кириб келадилар.

Мана, 16 йилдирки, Ўзбекистон ўз Конституциясига таянган ҳолда ўзининг ҳеч ким дахл қила олмайдиган мудофаа ҳуқуқини рўёбга чиқариб келмоқда. Бунда мамлакат мудофаа қобилиятини мунтазам мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизни мудофаага қодир даражада сақлаш зарурати энг устувор вазифаларимиздан ҳисобланади.

Истиқлол даврида халқимизнинг армияга бўлган муносабати тубдан ўзгарди, Қуролли Кучларимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги роли ва аҳамияти ошди. Эндиликда замонавий ёшлар армияда хизмат қилишга интилмоқда, ҳарбий хизмат сўзда эмас, амалда обрў-эътиборли касбга айланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг Қуролли Кучлар олдига қўйган асосий вазифаси шундан иборатки, ҳарбий хизматни ўтаган ва армиядан қайтган йигитлар жисмонан ва маънан соғлом, заковатли, ҳаётда ўз ўрнини топиб олган инсонлар бўлиши даркор.

Ҳа, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, "ўтган йиллар давомида машаққатли, шу билан бирга, шарафли, том маънода тарихий даврда доимо елкама-елка туриб, қандай улкан ва олижаноб ишларни амалга оширганимиз, буюк келажагимиз пойдеворини ўз қўлимиз билан барпо этаётганимиз барчамизга ҳар қанча фахрланиш, босиб ўтган йўлимизни миннатдорлик билан эслаш учун асос беради".

... Файзли оқшомнинг фараҳбахш лаҳзаларида қалбларимиздан тошаётган ҳаяжон ва шодлик мисоли самода ранг-баранг мушаклар порлайди. Сирли ва сеҳрли ёғдуларга боқиб, кўнглимиз тоғдек юксалади. Шу гўзал кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар айтамиз. Қувонч тўла кўзларда акс этган ишонч, ғурур ва ифтихор, меҳру муҳаббатга боқиб, шундай тилак дилдан тилга кўчади: Истиқлол байрамингиз муборак бўлсин! Озодлигинг абадий бўлсин, Ватан!

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси.

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ – МУҚАДДАС

Эл-юртимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган боболаримизни Мустақиллик байрами олдидан яна бир бор эслаш, уларнинг муборак руҳларини шод этиш барчамизнинг инсоний, фарзандлик бурчимиздир. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда 31 август Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида кенг нишонланишида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар мужассам.

...31 август. Тонг. Қатағон қурбонлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган рамзий қабр устидаги айвон гумбази узра қуёш нурлари жилваланади. Не-не қора кунлар, хунрезликлару машъум қатллар гувоҳи бўлган Бўзсув туб-тубидаги пўртаналарни бекитмоқчидек сокин оқади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида ўтган хотирлаш маросимида иштирок этди.

Мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига эҳтиром сифатида бунёд этилган ушбу ёдгорлик юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Аждодлар хотирасига ҳурмат бажо этиш ҳар бир инсон учун фарз. Бундай жойларни зиёрат қилиш киши руҳини поклайди. Қолаверса, одам ўз ҳаёт йўли ҳақида ўйга толади. Дунёнинг ўткинчилиги-ю, эзгуликнинг абадий экани ҳақида мушоҳада қилади. Фалак гардиши қандай айланмасин, барибир адолат қарор топажагига ишонади. Айниқса, ёшларимиз буни чуқурроқ англаб етишлари лозим.

"Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида бунёд этилган "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи, Президентимиз таъкидлаганидек, кишиларни, айниқса, ёшларни тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиб яшашга ундовчи севимли масканлардан бирига айланган. Музейдаги экспонатлар мунтазам равишда янгиланиб, унинг хазинаси ўша давр руҳини акс эттирадиган буюм, жиҳоз ва маълумотлар билан бойитиб борилмоқда. Президентимиз тавсиясига биноан бу ерда мустабид тузумнинг шоҳиди бўлган кекса авлод вакиллари билан учрашувлар ўтказиб турилади. Эндиликда ушбу табаррук маскан том маънодаги маънавий-маърифий марказга айланган.

Музей экспонатларини қўздан кечирган давлатимиз раҳбари музей фаолиятини ҳам шаклан, ҳам мазмунан кенгайтириш, янада такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Инсоннинг эзгу амаллари, ишлари, бунёдкорликлари унутилмайди. Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Боту, Элбек, Усмон Носир сингари кўплаб маърифатпарварларнинг курашларга йўғрилган ҳаёти бунга ёрқин мисолдир. Уларнинг Ватан озодлиги йўлидаги ҳаракати, мустақиллик ҳақидаги орзулари истиқлол туфайли рўёбга чиқди.

Ўзлигини англамаган, муҳим ҳаётий ҳақиқатларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етмаган халқнинг келажаги йўқ. Шу боис мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраш, мустаҳкамлаш, эл-юрт ва миллатга садоқат тушунчаларини ёшларимиз онгига чуқур сингдириш даркор. Улар ҳақни ноҳақдан, тўғрини эгридан фарқлай билсин. Аждодлар билан фахрланишнинг ўзи камлик қилишини, уларга муносиб авлод бўлиш зарурлигини тушуниб етсин.

Ўтганлар ёди – муқаддас. Мана шундай нурафшон кунларни орзу қилган, шу йўлда ўз умрини ҳам аямаган қатағон қурбонларининг хотирасини ёд этиш билан қалбимиз нурга тўлади, руҳимиз тетиклашади. Эзгулик аталмиш қудратли кучнинг абадийлигига, адолат тантанасига яна бир бор амин бўламиз. Истиқлол йилларида қўлга киритаётган ютуқларимиз, амалга ошираётган улкан ишларимиз билан фахрланамиз. Энг муҳими – бу йил ўн олти йиллигини нишонлаётганимиз истиқлолимиз боқийдир.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган "Мустақиллик ва эзгулик" монументи пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республикамизнинг босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ва олдимизда турган вазифаларнинг маъно-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритганда, бу йўлни алоҳида икки даврга ажратиш тўғри бўлади. ҳеч шубҳасиз, бу даврларнинг ҳар бири мамлакатимиз тарихида ўзига хос ва ўзига мос муҳим ўрин эгаллайди.

Бугун 16 йил мобайнида бошимиздан кечирган кунлар, ҳафталар, ойларни ана шу нуқтаи назардан баҳолар эканмиз, қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, **ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди.**

2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич – фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнаган давр бўлди.

Биз мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга азму қарор қилдик.

Янги давлат ва жамият қуришда амалда ўзини тўла оқлаган қуйидаги беш тамойил асос қилиб олинди:

биринчидан – иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва унинг сиёсатдан устунлиги. Бошқача айтганда, аввал иқтисод, кейин сиёсат;

иккинчидан – давлатнинг ўзи эски тузумдан янги тузумга ўтиш даврида бош ислоҳотчи бўлиши, яъни унинг мамлакатни давлатчилик, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда янгилашга қаратилган ислоҳотларнинг ташаббускори бўлиш вазифасини ўз зиммасига олиши;

учинчидан – қонун устуворлиги ёки барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;

тўртинчидан – кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг аҳолини ижтимоий ночор қатлам ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш борасида масъул бўлиши;

бешинчидан – ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, "шок терапияси" деб аталган турли усуллардан воз кечиш. Бошқача айтганда, мамлакат инқилобий йўлдан эмас, балки тадрижий йўлдан ривожланиши керак. Инсоният тарихи шундан гувоҳлик беради-ки, ҳар қандай инқилобий йўл ҳамиша халққа зулм ва зўравонлик, қон тўкиш ва талафотлар келтирган.

Ушбу тамойиллар авваламбор бизнинг коммунистик мафкурадан бутунлай воз кечганимизнинг яққол ифодаси бўлиб, йигирманчи асрнинг 90- йиллари бошидаги реал ҳаётни ўзида ёрқин акс эттирди ва мамлакатимизни ислоҳ этиш бўйича аниқ принципиал мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш имконини берди.

Биз айнан ана шу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, янги давлат, янги жамият пойдеворини барпо этишга киришдик. Айнан ана шу тамойилларни амалга ошириш зарурати туфайли "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг", "Ислоҳотлар – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун" деган, бугун кўпчиликка ёд бўлиб кетган ҳаётий шиорлар пайдо бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган дастурий вазифаларни бажаришда биз миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратдик. Шу билан бирга, муваффақиятли ва барқарор ривожланадиган замонавий демократик давлат қуришнинг ўзини оқлаган жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш ва қабул қилиш ҳам диққатимиз марказида бўлди.

Маълумки, СССР парчаланиб кетганидан кейин собиқ совет ҳудудида жуда кескин ва таҳликали вазият юзага келди. Бу эса бошбошдоқликнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва аҳолининг энг зарур, биринчи галда, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш бўйича зудлик билан тегишли чоралар кўришни талаб этди.

Азиз дўстлар, биродарлар, ўша қалтис ва мураккаб даврда юртимизда бор-йўғи ўн-ўн беш кунга етадиган буғдой ва ун захираси қолгани, мамлакат амалда очарчилик остонасига келиб қолганини ўзимизга бир тасаввур қилайлик.

Табиийки, бундай ҳол аввало бутун совет тизимига хос бўлган марказлаштирилган усулда режалаштириш ва тақсимлашдек иллатларнинг таъсири эди. Лекин, энг ёмони, Ўзбекистон иқтисодиёти асосан хомашё тайёрлашга йўналтирилгани, бирёқлама ривожланиш ҳисобидан мўрт ва ночор ҳолга тушиб қолган бўлиб, иқтисодиётга, экология ва аҳоли генофондига ҳалокатли таъсир ўтказадиган пахта яккаҳокимлиги юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди. Бунинг оқибатида улкан табиий, минерал-хомашё, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлишига қарамай, республикамиз собиқ СССРда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожи бўйича охирги ўринлардан бирида турар эди. Буни аҳолини рўйхатга олиш бўйича 1989 йилда ўтказилган статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Боз устига, амалдаги совет пули ўз қимматини йўқотиб бўлган, янги миллий валютамиз эса ҳали жорий этилмаган эди. Бундай шароитда иқтисодиётнинг фожиали равишда инқирозга юз тутиши ва инфлациянинг ўта кескин, ҳатто йилига минглаб фоизга ўсиб кетишини жиловлаш фавқулодда муҳим аҳамият касб этар эди. Биринчи галда илгари шаклланган хўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий алоқаларнинг бутунлай узилишига барҳам бериш, оммавий ишсизликнинг олдини олиш зарур эди.

Ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш тизимининг парчаланиши натижасида жамиятда ҳуқуқий бўшлиқ вужудга келгани, миллатлар ва динлараро, ҳудудий ва турли гуруҳлар, уруғ-аймоқлар ўртасидаги зиддиятларнинг авж олиб кетиш хавфи, радикал кайфиятларнинг айниқса ёшлар ўртасида кучайиши ғоят жиддий хатарга айланган эди. Қисқача айтганда, туб илдизлари совет давлатининг сўнгги йилларига бориб тақаладиган ички ва ташқи можаролардан мамлакатимизни асраб қолиш талаби ўта кескин бўлиб турар эди.

Бу ўринда авваламбор эл-юртимиз бошидан кечирган 1984-1989 йиллардаги мудҳиш қора кунларни эслаш кифоя, деб ўйлайман. Ўша даврда республикамизда юзага келган оғир ижтимоий аҳвол сабабли аҳолининг кучайиб бораётган норозилигининг олдини олиш ва тўхтатиш учун КПСС Марказий комитети қарори билан Ўзбекистонга юборилган, халқ жуда топиб, "десантчилар" деб атаган гуруҳ томонидан содир этилган қонунсизлик ва зўравонликни кўпчилик яхши эслайди.

Бу ҳақда гапирганда, Қувасой, Фарғона ва Қўқон, Наманган, Бўка ва Паркент, Гулистон, Тошкент ва Ўшда рўй берган фожиали воқеалар одамларимиз қалбида қолдирган битмас жароҳатларни, юртимизга чет элдаги марказлар томонидан молиявий таъминланган ва бошқарилган террорчи тўдалар Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли туманлари орқали суқилиб кирган таҳликали кунларни ҳам эслашимиз лозим. Агарки ана шу ёвуз ниятли кучларнинг қабиҳ ва узоқни кўзлаган бузғунчилик мақсадлари амалга ошганида борми, мамлакатимиз фуқаролар уруши олови ичида қолиб кетган ва унинг оқибатлари, ҳеч шубҳасиз, бутун Ўрта Осиёдаги вазиятни портлатиб юборган бўлур эди.

Республикада вужудга келган бундай ўта мураккаб ва фожиали шароитда ўзини йўқотмасдан, босиқлик, чидам ва бардош билан иш тутиш, қатъий сиёсий иродани намоён этиш, мамлакатни чуқур таназзулдан олиб чиқишга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегияни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш учун жамиятдаги барча соғлом кучларни сафарбар этиш ғоят муҳим аҳамият касб этган эди.

Биз сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, давлат ва жамият қуриш стратегиясини барпо этишда халқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган, мамлакатимизнинг мавжуд табиий-иқтисодий, минерал-хомашё ва инсоний салоҳиятини холисона ва жиддий баҳолаган ҳолда, жаҳон хўжалик алоқалари тизимида ўзимизга муносиб жой эгаллашни мақсад қилиб қўйиб, бундай марраларга эришишни асосий вазифамиз сифатида белгилаб олдик.

Шу борада мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш бўйича қабул қилинган ана шу стратегияни амалга оширишдаги биринчи қадамларимиз нималардан иборат бўлганини яна бир бор эслаш ўринлидир.

Аввало, тарихан жуда қисқа муддатда Асосий қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бу қомусий ҳужжатда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари аниқ ифодалаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг эса миллий ҳуқуқий меъёрлардан устунлиги ҳам Конституцияда муҳрлаб қўйилди.

Асосий қонунимизда ҳеч қандай мафкуранинг давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт сиёсий институтларнинг ранг-баранглиги, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллигига асосланиши белгилаб берилди. Айни пайтда барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги шароитида хусусий мулкнинг устуворлиги конституциявий асосда мустаҳкамлаб қўйилди.

Ана шу тамойилларни инобатга олиб, давлат ва иқтисодиётни бошқаришнинг мустабид, марказлашган тизимига барҳам бериш, мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, аввало қонунчилик тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда ваколатли ҳокимият органларининг яхлит тизимини ташкил этишга қаратилган ишлар аниқ мақсадни кўзлаб босқичма-босқич амалга оширилди.

Иккинчидан, мураккаб ўтиш даврида қабул қилинган қонунларнинг амалда бажарилишини таъминлай оладиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган ижро ҳокимиятининг самарали тизими ва тузилмаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга эди. Шу мақсадда туб маъмурий ислоҳотлар амалга оширилди: марказлашган режалаштириш ва тақсимлаш тизимининг таянчлари бўлган Давлат план комитети, Давлат таъминот комитети, Давлат нарх комитети, Давлат агросаноат комитети ва кўплаб тармоқ вазирликлари тугатилди, маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил қилинди – вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимлик институти жорий этилди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи тизими – маҳалла институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Учинчидан, судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди ва муваффақиятли ҳал этилди. Конституциявий суд, Олий суд, умумий юрисдикция судлари, хўжалик судлари жорий этилди. Жиноят, жиноят-процессуал, суд-ҳуқуқ ва бошқа йўналишларнинг қонунчилик асосини ташкил этувчи база яратилди.

Тўртинчидан, қисқа муддатларда мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, конституциявий тузумни ишончли ҳимоя қиладиган, жамоат тартибини таъминлайдиган, халқаро террорчилик, экстремизм ва наркоагрессия каби кучайиб бораётган хавф-хатарларга қарши курашадиган миллий хавфсизлик органлари тизими шакллантирилди.

Минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, мамлакатимиз хавфсизлигига бўлган бугунги замонавий таҳдид ва хатарларни чуқур таҳлил этиш асосида "Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик Концепцияси тўғрисида"ги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шу тариқа юртимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақлашга хизмат қиладиган хавфсизликни таъминлашнинг яхлит тизими фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Шунингдек, фуқаролик ва жамоатчилик институтлари, хусусан, парламент Омбудсмани, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа қатор тузилмаларни шакллантириш билан боғлиқ масалалар ҳам бизнинг доимий диққат-эътиборимизда бўлди.

Биз шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш вазифасини ўзимиз учун мақсад қилиб қўйиш билан бирга, бу масалани том маънодаги демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шарти сифатида белгилаб олдик.

Ўтган давр мобайнида **миллий иқтисодиётни шакллантириш ва уни тубдан ислоҳ қилиш мамлакатимиз мустақил тараққиётининг энг муҳим омили ва асосини ташкил этганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу борада бизнинг олдимизда республика ва аҳоли эҳтиёжини, биринчи навбатда ёқилғи-энергетика ресурслари, истеъмол ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ишончли тарзда қондиришдек долзарб ҳаётий вазифа турар эди.**

Юртимизда ёқилғи-энергетика ва ғалла мустақиллигига эришиш муҳим стратегик вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Бу ўринда аввало шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон табиий газ, нефть ва газ конденсати бўйича аниқланган улкан саноат захираларига эга бўлганига қарамасдан, илгари иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжини қондириш учун йилига 6-7 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотларини четдан келтириш ва бунинг учун катта миқдордаги валюта ресурсларини сарфлашга мажбур бўлар эди.

Бу жиддий муаммони ҳал этиш мақсадида қисқа фурсат ичида ўзимиздаги углеводород хомашёсини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Янги нефть-газ конларини аниқлаш, нефть ва табиий газни қазиб олиш учун зарур бўлган инвестициялар топилди, жумладан, хориж сармояси жалб этилди. Бухорода нефтни қайта ишлайдиган янги замонавий завод барпо этилди, Фарғона ва Олтиариқдаги нефтни қайта ишлаш заводлари модернизация ва реконструкция қилинди, уларнинг барқарор ва ишончли фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратилди.

Шунингдек, ўзининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятига кўра ўхшаши бўлмаган Шўртан газ-кимё мажмуаси каби ноёб иншоот барпо этилди. Ушбу корхонада тайёрланаётган суюлтирилган газ, турли маркадаги полиэтилен ва бошқа маҳсулотларга нафақат мамлакатимиз, балки чет элларда ҳам талаб катта эканини қайд этиш лозим.

Мустақиллик йилларида ана шундай йирик корхоналарнинг қурилиши ва реконструкция қилиниши натижасида ҳозирги вақтда юртимизда нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан 3 баробар ортди. Бугунги кунда Ўзбекистон бу борада мамлакатнинг ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш билан бирга, экспорт ҳажмини ҳам кўпайтиришга эришди.

Асака ва Самарқанд шаҳарларида автомобиль заводларини барпо этганимиз туфайли мустақиллик йилларида автомобиллар сони кескин ошди ва ҳар 100 оиланинг автомобиль билан таъминланиш даражаси 6 баробар ўсди. Ўз-ўзидан аёнки, республикамизда бензин ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотларига бўлган талаб ҳам шунга мос равишда ошиб бормоқда.

Айнан нефть ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш ҳисобига биз бугун республикамизнинг ривожланаётган саноати ва аҳолининг кескин ўсиб бораётган мана шундай талаб ва эҳтиёжларини таъминлашга эришмоқдамиз.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки кунларида аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича ҳам ўта оғир қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлган эди. Бу муаммонинг сабаби аввало шундаки, Ўзбекистон собиқ СССР ва социалистик лагерга мансуб мамлакатлар учун асосан пахта хомашёси тайёрлар, ғалла ва ун маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжимизнинг 80 фоиздан ортиғи эса четдан келтирилган маҳсулотлар ҳисобидан қопланар эди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ўша йилларда етиштирилган пахта хомашёсининг 7 фоизгинаси мамлакатимизнинг ўзида қайта ишланар, қолган қисми сувтекин нархда четга чиқарилар эди.

Аҳолини озиқ-овқат товарлари, жумладан, гўшт ва сут, юз фоиз четдан келтириладиган шакар маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ҳам мураккаб вазият вужудга келган эди. Айниқса, аҳолини картошка билан таъминлашнинг аҳволи бунга яққол мисол бўлади. Ўша вақтда юртимизга ҳар йили Россия, Белоруссия, Польша ва бошқа мамлакатлардан қарийб 1 миллион тонна картошка келтирилар эди.

Энг ёмони, бу маҳсулот ноябрь-декабрь ойларида келтирилгани учун музлаб, унинг катта қисми яроқсиз ҳолга келар ва чорвага ем бўлар-ди. Бугун эса халқимизнинг картошкага бўлган эҳтиёжи тўлиқ ўзимизда етиштирилган ҳосил ҳисобидан қопланмоқда.

Ана шундай мураккаб бир даврда биз ғалла мустақиллигига эришишдек ҳаётий муҳим масалани ҳам ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйдик. Биринчи навбатда қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилганимиз, мамлакатимиз иқтисодиёти ва экологиясига катта зарар етказган пахта монополиясига барҳам берганимиз туфайли бу вазифани ҳам муваффақиятли ҳал этишга эришдик. Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ғаллага бўлган эҳтиёжини қоплабгина қолмасдан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги қўшни мамлакатларга, Афғонистон, Эрон ва бошқа давлатларга ғалла ва ун маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, ғалла мустақиллигининг қўлга киритилиши мамлакатимиз аҳолисини нафақат ун ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш, айни пайтда унинг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор равишда ўз ҳисобимиздан қондириш масаласини ҳам ҳал қилиш имконини берди.

Бундай улкан ютуқлар замирида ана шу мураккаб вазифалар ечимини ўз зиммасига олган деҳқон ва фермерларимиз, қишлоқ хўжалигида, иқтисодиётнинг барча тармоқларида фаолият кўрсатаётган миллионлаб меҳнаткаш инсонларнинг фидокорона меҳнати мужассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Иқтисодий ривожланиш ҳақида гапирганда, марказдан режалаштириш ва тақсимлаш тизими самарали меҳнат, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик йўлида асосий ғовтўсиқ бўлиб келганини таъкидлаш лозим. Шу сабабли ўзининг мутлақо яроқсиз эканини кўрсатган бу тизимнинг барча-барча иллатларидан бутунлай воз кечганимиз айниқса принципиал аҳамиятга эга бўлди.

Дастлабки йиллардаёқ **биз учун янгилик бўлган бозор иқтисодиётининг асослари яратилди,** бозор инфратузилмаси институтларини ташкил этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш орқали бозор муносабатларининг механизми ишга туширилди.

Мамлакатимизда хусусий мулкчилик тикланиб, унинг ривожи устувор аҳамият касб этди. Хусусий мулк конституциявий асосда ишончли кафолатга эга бўлди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг бутунлай давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши натижасида мамлакатимизда амалда кўп укладли иқтисодиёт шаклланди, мулкдорлар ва тадбиркорларнинг янги синфи пайдо бўлди ва бу синф йилдан-йилга юртимиз ҳаётида тобора салмоқли роль ўйнамоқда.

Айни пайтда биз учун мутлақо янги бўлган, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган молия ва банк тизимини шакллантириш ҳамда ўз миллий валютамизни муомалага киритиш ҳам улкан аҳамият касб этди.

Албатта, миллий валютага ўтиш ва унинг қатъий тўлов қобилиятини таъминлаш осон кечгани йўқ, лекин қанчалар қийин ва оғир бўлмасин, биз 2003 йилдаёқ унинг эркин конвертация қилинишига эришдик.

Замонавий икки поғонали банк тизимини яратиш орқали мустақил пул-кредит сиёсати юритиш, бюджет ва пул сиёсатининг масъулият доирасини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг ўзаро самарали муносабатини таъминлаш имконияти пайдо бўлди. Бунинг натижасида иқтисодиётимиз манфаатларини барқарор ва ишончли тарзда қондириб боришга эришилди. Хўжалик юритувчи субъектлар ва бюджет ташкилотларининг молиявий маблағлардан фойдаланиш борасидаги мустақиллиги сезиларли даражада ошди.

Ижтимоий нуқтаи назардан бошланғич босқичда, иқтисодиётни ва бутун жамиятни ислоҳ қилишнинг энг мураккаб ўтиш даврида кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва аҳолини ҳимоя қилишнинг ўхшаши бўлмаган, самарали механизми ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилди. Кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам беришда асосан ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тузилмаси бўлмиш маҳалла институти имкониятларидан фойдаланиш ўзини тўла оқлади.

Бу авваламбор зарур моддий ва маънавий ёрдамни очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида аниқ йўналтириш – аҳолининг ҳақиқатан ҳам ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларни ўтиш даврининг қийинчиликларидан ишончли ҳимоя қилиш имконини берди.

Шу тариқа биз юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлабгина қолмасдан, айни пайтда ислоҳотлар ва мамлакатни янгилаш борасида олиб бораётган сиёсатимизнинг халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланишига ҳам эришдик.

Бу даврда амалга оширган ишларимиз қаторида мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, унинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда **Қуролли Кучларимизнинг шакллантирилиши** ғоят муҳим аҳамият касб этди.

Собиқ СССР парчаланганидан кейин юзага келган шароитда, қуролли кучларда бошқарув, интизом ва тартиб амалда йўқотилган, мамлакат хавфсизлигига ички ва ташқи таҳдидлар кундан-кунга кучайиб бораётган бир вазиятда Мудофаа вазирлигини, унинг органлари ва жойлардаги қўмондонлик тузилмаларини шакллантириш ўз вақтида қабул қилинган яккаю ягона тўғри қарор бўлди.

Кадрлар, энг аввало, офицерлар таркибини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, армия сафларини миллий кадрлар билан тўлдириш, уларнинг тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишини таъминлаш, энг муҳими, мамлакатимиздан жанговар техника ва қуроллар олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш ўта муҳим аҳамиятга эга эди.

Кейинчалик, минтақамиздаги тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий вазиятдан келиб чиққан ҳолда, армияни ислоҳ қилиш бўйича янги принциплар негизида Қуролли Кучларни барпо этиш ва ташкил қилишга асосланган, хавфсизликка таҳдид соладиган реал хавф-хатарларни назарда тутадиган узоқ муддатга мўлжалланган дастур шакллантирилди. Ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида миллий армиямиз ташкилий жиҳатдан янгича таркибий тузилишга эга бўлди, қисқа муддатда ҳарбий округлар, чегаравий минтақалар ташкил этилди, Қуролли Кучларни бошқаришнинг бутун тизими, бирлашма ва қисмларнинг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ўта муҳим жанговар топшириқларни бажаришга йўналтирилган Махсус операциялар бўйича кучларнинг бўлинмалари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Терроризмга қарши кураш корпуси тузилди. Бу бўлинмалар эҳтимол тутилаётган душманнинг ҳар қандай тажовузкорона ҳаракатларига қарши муносиб зарба беришга қодир қудратли куч экани Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли туманларига суқилиб кирган халқаро террорчиларнинг жангари тўдаларини йўқ қилиш бўйича амалга оширилган операцияларда намоён бўлди.

Айни пайтда муддатли ҳарбий хизматнинг бир йилгача қисқартирилгани, қўшинларнинг сифат таркибини яхшилаш ва уларнинг сафини тўлдириш тартибларининг такомиллаштирилгани, замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлангани, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий қилингани, шартнома-контракт асосидаги хизматга ўтиш жараёни амалда якунлангани армиямизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар қобилиятини тубдан ўзгартирганини қайд этиш зарур.

Сержант ва офицер кадрларни тайёрлашнинг ахборот ва компьютер технологияларига, замонавий илм-фан ва техника ютуқларига асосланган самарали тизими ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, зарур тураржой ва маиший шароит билан таъминлаш борасида ҳам кўп иш қилинди. Сўнгги беш йилнинг ўзида ҳарбий унвонлар бўйича маошлар, ҳарбий хизматдан бўшагандан кейин тўланадиган нафақалар миқдори икки баробардан зиёд оширилди.

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ватанимизнинг хавфсизлиги Қуролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда таъминланмоқда, армияда хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки нуфузли касблардан бирига, том маънодаги шон-шараф ишига айланиб бормоқда.

Армия хизматини ўтаётган йигитларимиз ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланиб, қатъий ҳаётий позицияси шаклланмоқда, Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқда.

Тарихимизнинг ана шу ўтган даврини сарҳисоб қилар эканмиз, **ташқи сиёсат ва дипломатик хизматни шакллантириш** борасида амалга оширилган кенг кўламли ишларга тўхталмасдан ўтолмаймиз.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик даврига-ча республика Ташқи ишлар вазирлиги аппаратида бор-йўғи 10-15 нафар ходим бўлиб, улар номигагина вакиллик вазифаси ҳисобланган ишлар, яъни протокол мажбуриятлари ва турли тадбирлар, асосан чет эллик меҳмонларни қабул қилиш билан шуғулланарди, холос.

Истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб ўта муҳим ташқи сиёсий масалаларни ҳал қилишга, давлатлараро сиёсий ва иқтисодий муносабатлар соҳасида энг мақбул йўлларни топишга тўғри келди.

Ғоят қисқа фурсатда бу соҳада Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар қўмитаси, кейинчалик эса, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва бошқа қатор давлат бошқарув органлари тузилди, дипломатик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими яратилди.

Мустақиликка қадар юртимизда бирорта ҳам хорижий давлат элчихонаси йўқ эди. Ҳозирги вақтда чет элларда мамлакатимизнинг 48 та дипломатик ваколатхонаси бор. Ўзбекистонда эса 86 та элчихона ва савдо ваколатхонаси аккредитация қилинган.

Мамлакатимизнинг қулай геосиёсий ўрни, унинг биринчи навбатда ўз миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда олиб бораётган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, мустақил ва изчил ташқи сиёсати давлатимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши, халқаро майдонда обрў-эътиборининг ортиб боришини таъминлади.

Кейинги даврларда ўзига обрў топмоқчи бўлган "кўп векторлик сиёсат" олиб бориш деган турли қараш ва ёндашувлар ҳақида чиқишлар бўлмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз олиб бораётган ташқи сиёсатнинг таг-томирида ҳеч кимга сир бўлмаган бир мақсад турибди – Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати. Бизнинг бу соҳадаги барча қадам ва ҳаракатларимиз фақат ана шу эзгу мақсадни амалга оширишга қаратилган, десам, айни ҳақиқат бўлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом Конференцияси ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва қатор ихтисослашган халқаро тузилмалар ишида фаол иштирок этиб, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш,

(Давоми 4-бетда).

(Охири. Боши 1, 3-бетларда).

наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ, шунингдек, халқаро ҳамжамият олдида турган бошқа долзарб муаммоларни ҳал этиш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Азиз дўстлар!

Ўз-ўзидан аёнки, янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, **мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга**.

Юртимизда ўз Ватанининг тақдири, унинг бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрларга эҳтиёжни қондириш вазифаси биз мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ ўта муҳим ва ҳал қилувчи масалага айланган эди.

Ана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, 1997 йили 2009 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганидан барчангиз яхши хабардорсиз. Ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра ноёб бўлган ушбу дастур 12 йиллик таълимга ўтишни, узлуксиз таълимнинг яхлит тизимини яратишни кўзда тутади. Дастур умумтаълим мактабларидаги тўққиз йиллик ўрта таълимни, академик лицей ва коллежлардаги уч йиллик махсус касбга тайёрлаш тизимини ўз ичига олади.

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари ҳузурида ташкил этилган академик лицейлар ёшларга ўзи танлаган мутахассислик бўйича олий маълумот олиш учун янада чуқур билим эгаллаш, коллежлар эса махсус фанларни ўзлаштириш билан бир қаторда, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир битирувчи йигит-қизга ўз қобилиятини юзага чиқариш ва жамиятда муносиб ўрин топиш учун 2-3 мутахассислик бўйича ўрта малакали касб эгаллаш имконини беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида 2009 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ҳам амалга оширилмоқда.

Таълим соҳасидаги миллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш бошланганидан буён 1 минг 140 тага яқин академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 4 минг 680 тадан зиёд умумтаълим мактаби янгитдан қурилди ва капитал таъмирланди, замонавий мебель, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, уларда компьютер синфлари ва лингафон хоналари ташкил этилди.

Янги миллий таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, янги дарсликлар ва махсус ўқув қўлланмалари яратиш орқали таълим жараёнининг мазмуни тубдан такомиллаштирилди. Шуниси айниқса муҳимки, ихтисослашган олий ўқув юртларида академик лицей ва коллежлар учун замон талабларига жавоб берадиган янги тоифадаги ўқитувчиларни тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди.

Олий таълим соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди, бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг Европа тизимига ўтилди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 65 та олий ўқув юртида 850 йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 минг га яқин талаба билим олмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида замонавий, ҳар томонлама жиҳозланган ўқув юртларини барпо этиш учун 5 миллиард доллардан ортиқ бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар йўналтирилди.

Ҳозирги кунда юртимизда таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида 12 фоиздан ортади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди.

Ўзбекистон ўзининг миллий Фанлар академиясига эга бўлиб, унинг таркибида улкан илмий-техник салоҳиятга эга бўлган 43 та академик институт муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Табиий ва аниқ фанларнинг ядро физикаси, иссиқлик физикаси, астрофизика, гелиоматериалшунослик, биология, микробиология, кимё ва табиий бирикмалар кимёси, сейсмология йўналишларида ва бошқа кўплаб соҳаларда истиқболли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бугун таълим-тарбия ва илм-фан соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимиз келажагининг эгаси бўлган ёш авлодни, юксак интеллектуал салоҳиятли жамиятни шакллантириш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад-муддаоларга эришишда, барқарорликни таъминлаш ва мамлакатни янгилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни жорий этишда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб улкан ишларни амалга ошириб келаётганимиз барчангизга яхши маълум.

Бу борада айниқса юртимизда миллатлар ва динлараро тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, маънавий ва ахлоқий тарбияни кучайтириш, тарихий илдизларимизга, миллий ўзлигимизга қайтиш, аҳолининг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган ишларимиз муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда халқимизга азалдан хос бўлган ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва саховат каби инсоний фазилатлар янада ёрқин намоён бўлмоқда ва бундай маънавий муҳит одамларнинг руҳи ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган "оммавий маданият" ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак.

Бундай узоқни кўзлайдиган, аниқ мақсадларга эга бўлган турли хуруж ва гаразли интилишлар, хорижий марказлар томонидан катта куч ва маблағ сарфланаётган ҳаракатлар ва бу каби хавф-хатарлар бизга қандай зарарли оқибатлар олиб келишидан огоҳ бўлишимиз даркор.

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимизни 1991 – 2000 йиллар давомида ислоҳ қилиш ва янгилаш борасида қўлга киритилган натижаларни сарҳисоб қилар эканмиз, бугун ушбу босқич миллий давлатчиликни шакллантириш ва республикамизни барқарор ривожлантиришда мустаҳкам замин бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Тарихан қисқа вақт ичида совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилди, миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди.

Энг муҳими, аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди, уларнинг узоқ йиллар мобайнида коммунистик ва совет мафкураси тамойиллари асосида шакллантирилган фикрлаш тарзи ва дунёқараши, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ўзи ўзгарди.

Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда.

Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган туб сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ортга қайтариб бўлмаслиги, ислоҳотлар муқаррарлигининг ишончли кафолатидир.

Мухтасар айтганда, Ватанимиз ва халқимиз тарихида муҳим ўрин тутган ушбу даврда том маънода туб ўзгаришлар амалга оширилди, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнига эга бўлган – Ўзбекистон деб аталган янги демократик давлат барпо этилди. Бугун ана шу мустаҳкам пойдевор асосида **мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври – миллий тараққиётимиз**нинг кейинги мантиқий босқичи изчил давом этмоқда.

Ушбу босқичнинг муҳим дастурий вазифалари – сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдан иборатдир.

Ўтиш даври ва миллий давлатчиликни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишга эришиш ушбу даврда давлат тизимини ислоҳ этишнинг асосий ва ҳал қилувчи вазифаси бўлиши даркор. Бу даврда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижасида **мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилди.**

Бу борадаги асосий вазифа қуйи палата – Қонунчилик палатасини мунтазам фаолият кўрсатадиган профессионал органга айлантириш, юқори палата – Сенатни ҳудудлар манфаатларини ифода қиладиган вакиллик органи сифатида шакллантиришдан иборат эди. Шу тариқа қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифатли ва асосли бўлишига эришиш билан бир қаторда, ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш бўйича самарали тизим яратилмоқда, умумдавлат ва ҳудудлар манфаатларининг ўзаро мувозанати таъминланмоқда, аҳолининг мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш имкони туғилмоқда.

Икки палатали парламентимизнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги ваколатларнинг янада мувофиқлашувини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда Президент ваколатларининг бир қисмини юқори палата – Сенатга ўтказиш, шунингдек, Бош вазир ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги мамлакат Президенти бир пайтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият раҳбари ҳам эканини белгилайдиган нормаларнинг ўзгартирилиши муҳим сиёсий-ҳуқуқий қадам бўлди. Бугунги кунда Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат раҳбари бўлиб, давлат ҳокимияти органларининг ўзаро уйғун ва ҳамжиҳат фаолият юритишини таъминлайди.

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши, ҳеч шубҳасиз, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи роль ўйнади.

Ҳозирги шароитда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг айниқса сайлов жараёнларида хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур вазифани ҳал этиш мақсадида парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифат мақомини қонуний тарзда белгилаш, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларини Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Қабул қилинган ушбу ҳуқуқий механизмлар сиёсий партияларнинг мамлакат парламенти фаолиятини ташкил этишда, шунингдек, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини шакллантириш, уларнинг фаолиятини назорат қилишдаги роли ва аҳамиятини тубдан кучайтирди.

Хусусан, Бош вазир лавозимига номзод бўйича сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашиш тартиби, унинг парламент томонидан тасдиқланишининг қатъий белгиланган тартиб ва механизмининг жорий этилгани давлат қурилиши соҳасида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Конституциявий қонунга мувофиқ сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларига Бош вазирни истеъфога чиқариш, маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларига эса вилоят ҳокимларини истеъфога чиқариш тўғрисида ташаббус билан чиқиш ҳуқуқининг берилиши ҳам мутлақо муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва таъсири ортиб бораётганидан далолат беради.

Давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифаларини, аввалambор иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказиш жараёни амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда **суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш** бўйича янги концепция ҳаётга татбиқ қилинди. Судлар ихтисослаштирилди, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судлар ташкил этилди, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди.

Жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар ҳам улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Жиноят кодексидаги жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, суд томонидан унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо тайинлашга йўл қўймайдиган нормалар анча кенгайтирилди.

Мазкур ўзгаришлар қабул қилинганидан сўнг судларнинг озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони тайинлаши 2006 йилда 2000 йилга нисбатан қарийб 20 фоизга камайди. Шунингдек, ярашув институти жорий этилгани ҳам бу борада муҳим роль ўйнамоқда.

2007 йилда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 1 январдан мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қонунлари халқаро ҳамжамият томонидан ижобий кутиб олинди ва бутун дунёда катта акс-садо берди.

Ўлим жазоси бундан буён умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилади ва у фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Бунда жазонинг мазкур тури хотин-қизларга, 18 ёшга етмаган ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан тайинланмайди.

Ўзбекистонда юқорида қайд этилган жиноий жазо чораларининг жорий этилиши билан дунёда жиноий жазолашнинг энг инсонпарвар, ҳуқуқий тизимларидан бири ташкил этилди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Таъкидлаш жоизки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Польша каби давлатларда 5 турдаги, Бельгия ва Россия Федерациясида 6, Францияда 18, Голландияда эса 19 турдаги жиноят учун тайинланади.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, уни амалга оширишнинг аниқ процессуал-ҳуқуқий механизмини яратиш жиноят процессининг судгача бўлган босқичида жиноий таъқиб қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатига айланади. Бу терговчи ва прокурорларнинг эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни танлашда жавобгарлигини кучайтириш, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсоннинг озодликка бўлган конституциявий ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилади.

Очиқ ва кучли фуқаролик жамиятини бугунги кунда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва кенг қатламлари манфаатларини ифода этадиган мустақил ва барқарор нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ривожланган тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун мамлакатимизда 5 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилот, 870 дан зиёд газета ва журнал, 100 га яқин давлат ва нодавлат телерадиостудияси фаолият кўрсатаётгани диққатга сазовор.

Ўтган давр мобайнида фуқаролик жамияти институтларини эркин ривожлантириш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш ва қондириш, муҳим ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни бажариш борасида уларнинг фаолият самарадорлигини оширишни таъминлайдиган зарур меъёрий-ҳуқуқий база, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлар яратилгани ҳам бу соҳадаги катта ишларимиздан бўлди десак, янглишмаган бўламиз.

Азиз дўстлар!

Мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида гапирганда, биз уларга аввало **иқтисодиётнинг ривожланиши,** унинг ўсиш суръатлари, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро мутаносиблиги, инфляция даражасининг пасайиши, миллий валютамизнинг барқарорлиги ва унинг харид қобилияти, экспорт ва олтин-валюта захирамизнинг ортиб бораётгани, бир сўз билан айтганда, бутун иқтисодиётимизнинг изчил тарзда ривожланаётганидан келиб чиққан ҳолда баҳо берамиз.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли, туб ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг қонуний натижаси сифатида сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш суръати барқарор хусусият касб этди. Биргина кейинги тўрт йилнинг ўзида йиллик ўсиш суръати 7 фоиздан ошгани ҳам бунинг яққол исботидир.

Республикамизда ялпи ички маҳсулот 1990 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Ҳолбуки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг аксариятида бу кўрсаткич ҳанузгача ислоҳотлар бошланган даврдаги даражага ҳам етгани йўқ.

Шуниси муҳимки, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари жаҳон бозорида нефть ва газ нархи ошиб бораётган бир шароитда қатор мамлакатларда кузатилаётган ҳолатдан тубдан фарқ қилади. Яъни бизнинг иқтисодий ривожланишимиз экстенсив ўсиш ва фақат углеводород хомашёсини зўр бериб тўхтовсиз қазиб олиш эвазига бўлаётгани йўқ. Аксинча, биз аниқ мақсадга қаратилган бозор ислоҳотларини, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқ ва корхоналарни янгилаш, техник қайта жиҳозлаш, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан иқтисодий тараққиётга эришмоқдамиз.

Шу ўринда мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ўсиб бораётгани **иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида чуқур иқтисодий ислоҳотларни** амалга оширишга асосланганини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Ўтган йиллар давомида иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ҳар бир босқичида устувор вазифаларни аниқ белгилашга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни ҳал этиш учун зарур молиявий, моддий ва инсоний ресурслар жалб этилмоқда.

Иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлигини ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини шакллантириш, давлатнинг назорат ва бошқарув ваколатини кескин камайтириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашувини чеклаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш – буларнинг барчаси ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳал қилувчи йўналиши ҳисобланади.

Айниқса, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бунинг негизини маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ва жаҳон бозоридаги кескин рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар тайёрлашга асосланган саноат тармоқларининг етакчи ўринга чиқиши ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг тез суръатлар билан ривожланиши ташкил қилади. Шуни таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 11 фоиздан 25 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши эса 18 фоиздан 42 фоизга ёки 2 баробардан зиёд ошди.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган **фаол инвестиция сиёсатини юритишга** устувор аҳамият берилмоқда.

Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилди. Натижада мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиётига **100 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб қилинди. Бунинг 25 миллиард доллардан зиёдини хорижий сармоядорларнинг маблағлари ташкил этади.**

Солиқ юкини камайтириш борасида ҳам изчил сиёсат олиб борилмоқда. Фақатгина 2000 – 2007 йиллар давомида даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқ миқдори эса 10 фоизга камайтирилди. Шу билан бирга, жисмоний шахслар даромадининг солиқ ставкаси сезиларли даражада қисқартирилди. Шу тариқа кейинги 7 йилнинг ўзида умумий солиқ юки 40 фоиздан 27 фоизга камайтирилди.

Сўнгги йилларда **қишлоқ хўжалиги** соҳасида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Хўжалик юритишнинг совет давридан қолган, ўзини оқламаган шаклларидан воз кечиб, уларнинг ўрнига бутун дунёда кенг жорий этилган хусусий фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари том маънода қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, уни барқарор ва самарали ривожлантирадиган ҳаракатлантирувчи кучга, таъбир жоиз бўлса, бу йўналишнинг локомотивига айланди. Бу соҳада бозор инфратузилмаси амалда қайта тузилди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва рағбатлантириш сифат жиҳатидан янги тамойиллар асосига қурилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 76 фоизи, жумладан, саноат маҳсулотининг қарийб 80 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чакана савдо айланмаси эса тўлиғича иқтисодиётнинг нодавлат секторида яратилмоқда. Юртимиздаги корхоналарнинг 90 фоизи хусусий ва корпоратив мулк шаклига ўтган, уларда жами иш билан банд аҳолининг 77 фоизи меҳнат қилмоқда.

Кичик ва хусусий бизнеснинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 45 фоиздан ортиб бораётгани ва у мамлакатимиз иқтисодиётидаги етакчи кучга айланиб, бозорларимизни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи, одамларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омилига айлангани эътиборга сазовордир.

Айни пайтда юртимизда транспорт коммуникация тизимини ривожлантириш масаласига ҳам республикамизни жадал тараққий топтиришнинг асосий шарти ва мезони сифатида катта аҳамият берилмоқда.

Сўнгги йилларда барпо этилган, умумий узунлиги 633 километрни ташкил қиладиган Навоий – Нукус, 223 километрлик Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўл магистраллари, Қамчиқ довони орқали ўтадиган тезкор автомобиль йўлининг бу борадаги ўрни ва аҳамияти қанчалик беқиёс эканини ҳаммамиз яхши англаймиз. Бу йўллар мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ягона транспорт тармоғига ишончли тарзда бирлаштириб, минтақаларимизда мавжуд бўлган бой минерал-хомашё ва табиий ресурсларни ўзлаштириш учун кенг имкониятлар яратди.

Ўтган даврда қўлга киритган салмоқли ютуқ ва натижаларимиз халқимизнинг даромадлари ва фаровонлигини изчил равишда ошириб боришни таъминлаш, кенг кўламли ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга ошириш имконини берди.

Барчамизга маълумки, аҳоли иш ҳақи ва даромадларининг ўсиш суръати энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Бу ҳақда гапирганда, аҳоли реал даромадларининг 2006 йилда 2000 йилга нисбатан 2,5, 1992 йилга нисбатан эса ўртача 12 баробар ошганини таъкидлаш лозим. Жорий йил охирига бориб республикамизда ўртача иш ҳақи миқдорининг 200 доллар даражасига етиши кутилмоқда.

Биз ҳар уч йилда иш ҳақини 2-2,5 баробар оширишни ўз олдимизга муҳим стратегик вазифа қилиб қўйганмиз. Шу тариқа, аҳолининг харид қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, биз яқин йиллар ичида халқ фаровонлиги ва даромадларини таъминлаш бўйича юксак марраларга эришаётган мамлакатлар даражасига кўтарилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Бугунги кунда юртимизда замонавий меҳнат бозори шаклланди – мустақиллик йилларида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 70 фоиздан зиёди саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига тўғри келади.

Айниқса, шаҳар ва қишлоқларда биринчи навбатда хотин-қизларни иш билан таъминлаш имконини берадиган, йирик саноат корхоналари билан кооперация асосида ташкил этиладиган касаначилик жадал ривожлана бошлаганини таъкидлаш лозим.

Биз учун муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган аҳолини иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларга катта эътибор қаратиб, бу борада аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни изчил амалга ошираётганимиз мавжуд аҳволни тубдан ўзгартириш учун имкон яратди. 2006 йилда ишсизлик даражаси 5,3 фоизгача камайгани ҳам шундан далолат беради.

Мамлакатимиз аҳолиси, аввало қишлоқ жойлардаги одамларнинг турмуш шароити изчил тарзда яхшиланмоқда. Истиқлол йилларида 36 минг километрлик сув қувурлари, 72 минг километрлик газ тармоқлари ишга туширилди. Бу 1991 йилга қадар эришилган натижаларга нисбатан тегишли равишда 2 ва 4 баробар кўп демакдир.

Натижада аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бугунги кунда 84 фоизни, жумладан, қишлоқ жойларда 77 фоизни, табиий газ билан таъминлаш 82 фоизни, қишлоқ жойларда эса 78 фоизни ташкил этмоқда.

Халқимиз турмуш шароитини яхшилашга доир чора-тадбирлар тизимида **соғлиқни сақлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш** алоҳида ўрин тутишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистонда тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Ҳозирги вақтда бу борадаги ислоҳотларнинг асосий босқичларидан бири ниҳоясига етмоқда. Аҳолига бепул шошилинч ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун энг юксак талабларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган шифохона ва бўлимлар тармоғининг ташкил этилиши бу босқичнинг энг муҳим ва конкрет натижаси бўлганини қайд этиш зарур. Махсус ташкил этилган республика маркази бу тизимга раҳбарликни ва унинг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминламоқда.

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Самарасиз ишлаётган фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва қишлоқ амбулаторияларининг ўрнида замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган 3 мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти ташкил этилгани бу соҳадаги катта қадам бўлди, десак, тўғри бўлади.

Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тизимининг ҳар томонлама қайта кўриб чиқилиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни сифат жиҳатидан сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. Натижада кейинги 2-3 йилда соҳа ходимларининг иш ҳақи 2 баробардан зиёд кўпайди.

Юртимизда янги ташкил этилган соғлиқни сақлаш тизимида энг юксак замонавий тиббиёт технологиялари ва техникаси билан таъминланган ихтисослашган клиникалар муҳим ўрин эгалламоқда. Уларда юқори малакали мутахассислар жаҳон миқёсидаги мураккаб ва ноёб операцияларни амалга ошириб, одамлар ҳаётини сақлаб, уларнинг умрига умр қўшаётгани бу борадаги ислоҳотларимизнинг яна бир амалий ифодасидир.

Соғлиқни сақлаш тизимида бўлажак оналар саломатлигини мунтазам назорат қилиб борадиган, соғлом болалар туғилишига хизмат қиладиган кенг тармоқли скрининг марказларининг ўрни ва аҳамияти қанчалик катта экани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ.

Агар 1991 йилда оналар ўлими билан боғлиқ кўрсаткич ҳар 100 минг нафар аёлга нисбатан 65 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу рақам 24 тага тушди, гўдаклар ўлими эса илгари 1000 нафар чақалоққа 35 тадан тўғри келган бўлса, ҳозирги кунда 14 тага тушди.

Шуниси эътиборлики, бугун Ўзбекистонда чечак ва ич терлама, куйдирги, ўлат ва вабо каби юқумли касалликларга бутунлай барҳам берилди.

Ўтган давр мобайнида юртимизда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ҳам сезиларли равишда оширганини мамнуният билан қайд этиш лозим. **Бу борадаги умумий кўрсаткич 1990 йилда 67 ёшни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 72,5 ёшни ташкил этди**. Жумладан, эркаклар ўртасидаги ўртача умр кўриш 66 ёшдан 70 ёшга, аёллар ўртасида эса 70 ёшдан 74,6 ёшга узайганини одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг аниқ ва яққол натижаси сифатида баҳолаш ўринли бўлади.

Азиз ватандошлар!

Ўз-ўзидан аёнки, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, ўз халқининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга интилаётган бошқа давлатлар қатори ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб давр ўртага қўяётган талаб ва саволларга тўлиқ жавоб берадиган, аниқ ва равшан, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегия ва ҳаракат дастурига эга бўлиши зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу стратегия авваламбор тажрибада ўзини оқлаган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий ўзгаришларни чуқурлаштириш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, тинчликсевар ташқи сиёсат юритиш ва жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашишга қаратилган йўлимизни бундан буён ҳам изчил давом эттиришни таъминлаши даркор.

Фақат ана шундай сиёсатгина ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли мақсад-муддаоларимиз – **Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишига эришиш борасида зарур шарт-шароит ва мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин.**

"Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун" деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бизнинг иқтисодиёт, сиёсат, давлат-ҳуқуқ ва суд соҳасида амалга ошираётган барча ўзгариш ва ислоҳотларимиз пировард натижада ягона мақсадга – халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, ҳар бир инсонга ўзининг интеллектуал, касб ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятлар яратиб беришга қаратилиши даркор.

Муҳтарам ва қадрли ватандошларим!

Бугун сиз, азизларга мурожаат этиб, барчангизни қутлуғ айём – Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллик байрами билан самимий муборакбод этар эканман, қалбим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ Ф А Р М О Н И

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

ХЛИЗОВ Анфим Фомич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг «Ватанпарвар» газетаси мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚА ХОДИМИ»

СУЮНОВ Холмурад Хайруллаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсаттани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

КУРБАНОВ Алишер Ҳамидович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

ШУКУРОВ Фахриддин Шерович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги округининг бошқарув аппарати тиббиёт хизмати бошлиғи

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ордени билан

АМАНОВ Мейли Хуррамович – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси "Айритом" божхона комплекси бошлиғи

АҲМЕДОВ Камол Ҳазратович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальон командири

БЕКЖАНОВА Багдагуль Жиенбаевна – Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Нукус туман судининг раиси

II даражали «ШОН-ШАРАФ» ордени билан

АМИРДИНОВ Равшан Ульмасович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отрядининг бош мутахассиси

АТАНИЯЗОВ Улугбек Садуллаевич – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари

ДУСЧАНОВ Шокир Шарифович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командири

МИРЗАЕВ Бахтияр Атаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

МУХАММЕДЖАНОВ Мағрибджан Маҳмудович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

НИГМАТУЛЛИН Марат Исхатович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг взвод командири

ОҚИЛОВ Қосим Ибрагимович – Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

РАҲМАТОВ Миркамол Ҳамдамович – Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

СТРИЖКОВ Дмитрий Владимирович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари бригада командирининг ўринбосари

УСМАНОВ Алишер Аброрович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

ШАРИФХОДЖАЕВ Ҳаёт Шавкатович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

ШЕРМАТОВ Ёдгорбек Жумабаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг гуруҳ мутахассиси

ШИРИНОВ Камолиддин Жўраевич – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги батальон командири

«ДЎСТЛИК" ордени билан

АБДУЛЛАЕВ Раҳматулло Муззаффарович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальон командири

АҲМАДАЛИЕВ Ҳусан Турдалиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальон командири

БОЗОРОВ Нурматжон Эргашович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командири

БУДЯКОВ Игорь Алексеевич – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги илмий-экспертиза бўлимининг бошлиғи

ЗУЕВ Валерий Владимирович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

КУДЬЯРОВ Базарбай Хожанович – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси йиғма ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи

КУЗИЕВА Татьяна Тиллаевна – Бухоро вилояти давлат солиқ бошқармаси бош инспектори

САФОЛОВ Расулжон Аламшоевич – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари бошқармаси бош маркази бошлиғининг ўринбосари

СТАНИСЛАВОВА Людмила Петровна – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғининг ўринбосари

ЭЛОВ Жамшид Нурмуродович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальон командири

ЯРАШЕВ Соли Сафарович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги округининг бошқарув аппарати тиббиёт хизмати бошлиғи

«ЖАСОРАТ» медали билан

АЗИЗОВ Акбаржан Рахманович – Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси ёнғин ўчириш экипажининг бўлинма командири

АЛАЕВ Шавданбек Парпиевич – Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари

АРТИКОВ Жуманиёз Отабаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

БЕКИРОВ Якуб Веисович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг чегара пости бошлиғи

БУРХАНОВА Галина Абдугафуровна – Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

ДЖАББАРОВ Фахриддин Мирҳабибович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг гуруҳ мутахассиси

ЖУКАБАЕВ Алмат Абилханович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводи командирининг ўринбосари

ИНОМЖОНЗОДА Бекзодхон Иномжоний – Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ички ишлар бўлимининг тезкор вакили

ИНОЯТОВ Шуҳрат Сулаймонович (марҳум) – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Навоий вилояти бошқармасининг кадрлар бўлими бошлиғи вазифасини бажарган

ИСЛАМОВ Элдор Азгамович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальон командири

КАЛАНОВ Анвар Шавкатович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

КАНИЯЗОВ Бахтияр Насиратдинович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

КУШБАКОВ Баходир Холикулович – Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи

МАДАЛИЕВ Бахадир Шарипович – Тез ҳаракат қилиш Республика кўп тармоқли Маркази қидирув-қутқарув гуруҳи қутқарувчиси

МАҲБУБОВ Жаҳонгир Ойматович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

МИРЗАЮНУСОВ Улуғбек Мирзаодилович – Фарғона вилояти Қўқон шаҳар ички ишлар бошқармасининг профилактика инспектори

НИШОНОВ Ўткирбек Рустамжонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг гуруҳ мутахассиси

НУМАНОВ Мансур Кадиржанович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

РЎЗИМОВ Закиржон Султанбаевич – Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлимининг катта ёнғин ўчирувчиси

САДУЛЛАЕВ Бахтиёр Садуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

СИРЛИБАЕВ Тоҳир Тоғаевич – Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг катта мутахассиси

СОБИРОВ Фарҳоджон Қобилович – Фарғона шаҳар ички ишлар бошқармаси катта тезкор вакили

СУЛТАНОВ Баҳриддин Қурбониязович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

ТЕМИРОВ Шерали Эргашевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

ТЎХТАЕВ Равуп Аҳматович – Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш қисми ходими

ТЎЙЧИЕВ Фарҳод Юлчиевич – Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили

Ҳамраев Шавкат Мўминович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

ХАНАЗАРОВ Баҳромжон Турғунович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқармасининг катта тезкор вакили

ШЕРБОЕВ Музаффар Эркинович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

ЯКУБОВ Фурқат Раҳимович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» медали билан

АБДИЕВ Султамурат Бердимуратович – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

АЛИКАРИЕВ Ибадулла Абдуллаевич – Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

АМИНОВ Рустам Муртазаевич – Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили

ГАФУРОВ Ботир Киямединович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармасининг хизмат бошлиғи

ГЛАДКОВ Сергей Иванович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг бўлим бошлиғи

ГУЛЯМОВ Аскар Акбарович – Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармасининг бўлинма бошлиғи

ДЖУРАЕВ Собир Мирзаевич – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнғин техникаси лабораториясининг бошлиғи

КАЙИМОВ Баҳодир Файзуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари бошқармасининг таъминот гуруҳи катта муҳандиси

КИРЕЕВ Денис Владимирович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги дивизион командири

ЛИМ Арнольд Алексеевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармасининг хизмат бошлиғи

МАМАРАУФОВ Аскар Абдуҳамитович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводи командири

НАБЕРАЕВ Фидель Исмаилович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлинма бошлиғи

РАҲИМБАЕВ Шавкат Рахматбаевич – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи

СУВАНОВ Акмал Умурзакович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари отрядининг катта муҳандиси

ТЎЙЧИЕВ Абдуманнон Абдунабиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлинма бошлиғи

ТЎХТАЕВ Озодбек Сапарович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг взвод мутахассиси

УММАТОВА Дилдора Маҳмутджановна – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

УСМОНОВ Шуҳрат Азамович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳ командири

ХОДЖАЕВ Бахтияр Абдуллаевич (марҳум) – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг чегара пости бошлиғи ўринбосари

ХУДАЙБЕРДИЕВ Шуҳрат Холмуҳаммадович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

ШАИМОВ Одил Қосимович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги отряд командири

ЭРГАШЕВ Ҳайдар Икромович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальон командирининг ўринбосари

ЭШАНҚУЛОВ Маъмур Махмадиярович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

ЮЛДАШЕВ Алижон Абдураззоқович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинма техниги

ЮСУПОВ Мухтор Бекчанович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада бошқармасининг катта офицери

«ШУҲРАТ» медали билан

АСКАРОВ Ойбек Нариманович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги заводининг бўлим бошлиғи ўринбосари

БОБОТАЕВ Назим Пардаевич – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг бўлим бошлиғи

ЗАЙНИДДИНОВ Муҳиддин Шарафиддинович – Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

ИБРАГИМОВ Игорь Валерьевич – Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сирдарё вилояти кенгаши раисининг ўринбосари

ИКРАМОВ Музраф Мубаракходжаевич – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонунчилик бош бошқармаси бошлиғи

КАМБАРОВ Акмал Дониёрович – Навоий вилояти ички ишлар бошқармасининг инструктор-кинологи

КАРИБАЕВА Халияш Серикбаевна – Навоий вилоят хўжалик судининг судьяси

ҚОДИРОВ Баҳодир Назарович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

ҚОСИМОВ Дилшодбек Файзуллаевич – Жазони ижро этиш бош бошқармасининг бўлим бошлиғи

КОТОВ Николай Владимирович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта мутахассиси

ҚУРБОНОВА Моҳира Жайлововна – Сурхондарё вилояти прокуратурасининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи

МАМАЖАНОВ Фарҳод Исмаилович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг факультет бошлиғи

МИЛИЕВ Абдуҳаким Омонқулович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

НАДИМОВ Владимир Борисович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари махсус моделлаштириш ва симуляция ахборот технологиялари марказининг бўлим бошлиғи

НАСРУЛЛАЕВ Сироч Сирочивич – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясининг катта ўқитувчиси

НУРИМБЕТОВА Феруза Сарсенбаевна – Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси ахборот тизимлари бўлими бош инспектори

ПЕРЕПЕЛКИН Вячеслав Анатольевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг гуруҳ командири

ПИРЖАНОВ Генжемурат – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси

САЛИҲОВА Феруза Ҳаётуллаевна – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилояти бошқармасининг "Фишткўприк" божхона комплекси катта инспектори

СЕЙЛБЕКОВ Файрат Оразбаевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бош инспектори

СОБИРОВ Исмоил Обидович – Навоий вилояти Қизилтепа туман ҳуқуқий маслаҳатхонаси адвокати

ТАШБУЛАТОВА Венера Зевдатовна – Наманган вилояти прокуратурасининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи

ТОШТЕМИРОВ Муҳиддин Сахатмуротович – Термиз темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими бошлиғи

ТЎЙЧИБАЕВ Рустамжон Якубжанович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги сержантлар тайёрлаш мактабининг катта ўқитувчиси

ФАЙЗИЕВ Сирожиддин Содиқович – Бухоро вилояти Когон шаҳар ички ишлар бўлимининг профилактика катта инспектори

ХАЛИЛОВ Эркинжон Нематович – Давлат фельдъегерлик хизматининг Самарқанд вилояти бўлими бошлиғи

ХОДЖАЕВ Отамурод Исакович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қашқадарё вилояти бошқармасининг авария қутқарув гуруҳи говвос-инструктори

ХУШВАКТОВ Рустам Абдураҳманович – Қамаши туман суд ижрочилари бўлимининг катта суд ижрочиси

ЭШМЕТОВ Файрат Отаханович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳ командири ўринбосари

ЮЛДАШЕВ Абдуллаазиз Валентинович – Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Ангрен шаҳар судининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 28 август.

Их наградила Родина!

ВО СЛАВУ АРМЕЙСКОГО СПОРТА



Заслуженный спортсмен Республики Узбекистан служащий Эльшод РАСУЛОВ



Заслуженный спортсмен Республики Узбекистан старший лейтенант Дильшод МАХМУДОВ



Мастер спорта международного класса младший сержант Рамзиддин САЙИДОВ



Заслуженный спортсмен Республики Узбекистан Жасур МАТЧАНОВ (спортактив МХСК, на фото слева)

За весомый вклад в укрепление независимости Родины, повышение международного престижа страны, рост культуры и духовности народа, за всенародное признание и уважение, завоеванные неповторимым талантом, многогранным творчеством, научной деятельностью, многолетним честным трудом в области науки, образования, литературы, культуры, искусства, здравоохранения, спорта и других социальных сфер, за активное участие в общественной жизни Указом Президента Республики Узбекистан в связи с 16-летием независимости нашей Родины группе работников науки, образования, здравоохранения, культуры, искусства, духовности и просветительства, средств массовой информации и других социальных сфер были присвоены почетные звания.

Отрадно, что среди награжденных есть четыре наших армейских спортсмена. Почетного звания «Заслуженный спортсмен Республики Узбекистан» удостоились мастера спорта международного класса по боксу, члены сборной команды Узбекистана старший лейтенант Дильшод Махмудов, служащий Вооруженных Сил Эльшод Расулов и член спортактива МХСК Жасур Матчанов. Медалью «Шухрат» награжден член сборной команды Узбекистана, мастер спорта международного класса по борьбе дзюдо младший сержант Рамзиддин Сайидов.

– Очень приятно, что сразу три представителя армейского клуба удостоились высокого звания «Заслуженный спортсмен Республики Узбекистан», – говорит старший тренер МХСК по боксу майор Уйгун Сиддиков, проводивший в эти дни учебно-тренировочные сборы по общефизической подготовке в городе Заамине Джизакской области. – Гордостью наполнились наши сердца от столь высокой оценки государством заслуг армейских спортсменов. Присвоение почетного звания накануне Всенародного праздника – 16-летия независимости нашей Родины – обязывает боксеров МХСК трудиться с удвоенной энергией во славу армейского спорта.

Хочется выразить уверенность в том, что данная высокая государственная награда мастеров кожаной перчатки Дильшода Махмудова, Эльшода Расулова и Жасура Матчанова станет для них мощным стимулом на предстоящем чемпионате мира, который будет проходить в городе Чикаго (США). И они сделают все от них зависящее, приложат всю силу, энергию и мастерство, чтобы на этом чемпионате завоевать лицензию на право участия в Олимпийских играх в Пекине-2008.

Мастера спорта международного класса по борьбе дзюдо младшего сержанта Рамзиддина Сайидова после выхода Указа Президента Республики Узбекистан о его награждении медалью «Шухрат» мы встретили на учебно-тренировочных сборах на спортивной базе МХСК.

– Я горд тем, что мой вклад в развитие узбекского спорта был замечен руководством страны и так высоко оценен, – говорит он. – На предстоящих IV Всемирных военных играх в Хайдарабаде я приложу все силы и умение, чтобы оправдать столь высокую награду. Я и мои товарищи по команде сделаем все, чтобы Государственный гимн нашей независимой Родины как можно чаще звучал над индийскими спортивными аренами.

Что ж, все почитатели таланта поздравляют наших армейских спортсменов с высокими государственными наградами, желают им новых успехов во имя узбекского спорта и нашей независимой Родины!

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

ВЕРНОЕ СЛОВО НАСТАВНИКА



Писать об учителе непросто, сложно и ответственно. Ведь даже читая эти строки, наставник смотрит на них через призму своего мастерства, таланта, внутренней скромности, строго оценивая каждое слово, каждое выражение.

Полковник в отставке Анфим Хлызов в газете «Ватанпарвар» с первых дней ее основания. Как и многие наши коллеги, стоял у истоков зарождения современной военной журналистики Узбекистана. Профессиональный журналист, яркий публицист, является автором многочисленных статей. Он энергичный, высокообразованный, деловой автор.

Указом Президента Республики Узбекистан в преддверии главного праздника нашей страны, 16-летия независимости, Анфиму Фомичу присвоено почетное звание «Заслуженный наставник молодежи Республики Узбекистан» за большой вклад в повышение оборонной мощи государства, обеспечение неприкосновенности границ и национальной безопасности, воспитание молодежи в духе идей национальной независимости и преданности Родине, а также за активное участие в общественно-политической жизни.

Не случайно глава государства столь высоко отметил посильный вклад А. Хлызова в воспитание молодых патриотов страны, формирование высоких личностных качеств защитников Родины, их нравственное и духовное становление и возмужание. В этом не только оценка его замечательных наставнических качеств, которыми он щедро делится с нами, журналистами. Это включает и профессиональный дар – правильно оценить происходящие события, разъяснить многотысячной читательской аудитории их суть и значение для судеб страны, для великого будущего нашего государства.

К работе над своими материалами на темы общественно-политической жизни страны, реформирования Вооруженных Сил Анфим Фомич всегда подходит творчески. Каждая его публикация – глубоко продуманное повествование на актуальную тему. Заключая свои мысли в емкую газетную фразу, он умело, по-военному, бьет точно в цель. Содержательность публицистики мастера всегда злободневна.

Полковник в отставке А. Хлызов активно участвует и в жизни редакции. Не случайно каждый из нас, кто является уже зрелым или еще молодым военным журналистом, одинаково дорого ценит верный совет или житейскую подсказку умудренного жизненным опытом учителя. Потому и мы гордимся высокой государственной наградой, которой он удостоен.

Коллектив газеты «Ватанпарвар».

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2750 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Кўҳна ва навқирон Самарқанднинг 2750 йиллик тўйи Истиқлолимизнинг 16 йиллик тантаналарига уланиб кетди. Нафақат самарқандликлар, балки халқимиз қўшалоқ байрам шукуҳи билан яшашмоқда.

Яхши биламиз, Самарқанд қадим-қадимдан оқ Мағрибу Машриққа маълум-машҳур бўлган. Шарқда Хитой, жанубда Ҳиндистон, Ғарбда Миср ва Рим давлатлари билан савдо ва маданий алоқалар олиб борган шаҳар цивилизация бешиги сифатида дунё эътиборида бўлиб келган. Ёки бўлмаса, баралла айта оламизки, миллий давлатчилигимизнинг тамал тошлари айнан шу ерда қўйилган. Сўғдиёна ва Мароқанд номи билан машҳур бўлган давлатлар тарихига назар ташлар экансиз, ҳақиқатан ҳам юксак цивилизациялар шу заминда барпо этилганидан кўнгилларни фахр, ғурур туйғулари чулғаб олиши табиий.

«Самарқанд тупроғининг ҳар бир заррасида улуғ бир ҳикмат бор, ҳар бир кўчаси, майдон ва хиёбонида салобат, файзу тароват бор. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг ҳар бир ғиштида бунёдкор халқимизнинг буюк истеъдоди ва маҳорати, боқий қадриятлари мужассам», дейди Президентимиз.

Ҳа, такрор-такрор айтиб чарчамаймиз: Самарқанд ҳеч кимдан кам эмаслигимиз, ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизнинг ёрқин исботи, эътирофидир. Ахир, тарихий илдизлари нақадар чуқур эканлиги, қадимий ва кўҳналиги нуқтаи назаридан мўйсафид шаҳримизни дунёда «абадий барҳаёт шаҳар», дея бежиз эътироф этишмаган-да. Бу номга Самарқанд ва Римгина сазовор бўлгани эса бизга янада ғурур бағишлайди.

Самарқандда бошланиб, истиқлол шодиёналарига, шаҳар тўйига уланиб кетган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали эса Шарқ мумтоз мусиқа санъатининг бой меросини асраб-авайлаб келаётган, уни ривожлантиришдек эзгу ишга бош-қош бўлаётган Ўзбекистон маданият бешикларидан бири эканлигининг яна бир эътирофидир. Ташкил топганига 10 йил тўлган, гўзал бир анъанага айланиб қолган мазкур мусиқа байрамига 50 дан зиёд мамлакатдан 300 дан ортиқ меҳмонлар–санъат ихлосмандларининг ташрифи ўзгача бир файз олиб кирди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Самарқанднинг 2750 йиллик тўйи ва "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағишлаб сўзлаган нутқини ўқир эканмиз, тилга олинаётган тўй-тантана, байрам руҳи қалбимизни чулғаб олиб, кимларнинг фарзандлари эканлигимизни, улкан маънавий, тарихий меросга, жаҳон тамаддунида ўз ўрнига, мавқеига эга халқ эканлигимизни янада теранроқ англаймиз.

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун сизлар билан мана шу қадимий ва муқаддас заминда, не-не тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган Регистон майдонида дунёнинг энг кўҳна ва бетакрор шаҳарларидан бири бўлмиш Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик табаррук тўйи муносабати билан тўпланиб турибмиз.

Бугунги қутлуғ сана билан сизларни, аввалambор Самарқанд аҳлини, бутун халқимизни, узоқ-яқин ҳудуд ва минтақаларда яшаб, бу шаҳарга меҳр қўйган, бу гўзал маскан юрагида ёрқин из қолдирган барча инсонларни, бир сўз билан айтганда, Самарқанднинг ҳақиқий дўст ва қадрдонларини самимий муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Шулар қаторида нуфузли халқаро ташкилот – ЮНЕСКО иштирокида ўтаётган бугунги байрамимизда қатнашаёган барча чет эллик меҳмонларимиз ва хорижий давлатларнинг элчиларига ўз номимдан, эл-юртимиз номидан юксак ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Қадрли дўстлар!

Самарқанд деганда, ҳар қандай инсоннинг ҳам қалбини ром этиб, умрбод ўзига мафтун қилиб қўядиган, бир кўрган одам, қани энди яна бир бор кўрсам, деб орзу қиладиган гўзал ва буюк шаҳар хаёлимизда намоён бўлади.

Самарқанд деганда, ўзининг мусаффо осмони, ёқутдек ёрқин юлдузлари, шифобахш ҳавоси, унумдор тупроғи, мовий гумбазлари, ўлмас тарихий обидалари билан барчани ҳайратга соладиган мўъжизакор бир масканни тасаввур қиламиз.

Самарқанд деганда, кўҳна Афросиёб ҳудудидаги тарихий-маданий қатламларни ва яқинда очилган Кўктепа ва Сартепадаги ноёб ва бетакрор археологик топилмаларни кўз олдимизга келтирамиз.

Бу шаҳар қадим замонлардаёқ нафақат ушбу минтақа, балки Шарқда Хитой, жанубда Ҳиндистон, Ғарбда Миср ва Рим давлатлари билан савдо ва маданий алоқалар олиб борган цивилизация бешиги сифатида ҳар бир маърифатли одам, биринчи галда, жаҳон илмий жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортиши муқаррар.

Бу заминда азалдан ҳунармандчилик ва деҳқончилик, суғориш маданияти шаклланган, шаҳарга қувур орқали сув етказиб беришдек мураккаб муҳандислик иншоотлари, карвонсаройлар, ҳаммом ва шифохоналар мавжуд бўлгани бугун ҳам кўпчиликни лол қолдиради.

Миллий давлатчилигимизнинг тамал тошлари айнан шу ерда қўйилгани, Сўғдиёна ва Мароқанд номи билан машҳур бўлган давлатлар ва юксак цивилизациялар шу заминда барпо этилгани барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Ҳеч шубҳасиз, бундай бой ва бебаҳо меросга эга бўлган шаҳарлар дунёда камдан-кам топилади. Энг муҳими, Самарқанд ана шундай юксак цивилизация намуналари, нодир тарихий ёдгорлик ва обидаларни замонлар оша асраб келаётгани билан ўзига тенгдош бошқа шаҳарлардан ажралиб туради.

Чиндан ҳам, Самарқанд тупроғининг ҳар бир заррасида улуғ бир ҳикмат бор, ҳар бир кўчаси, майдон ва хиёбонида салобат, файзу тароват бор. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг ҳар бир ғиштида бунёдкор халқимизнинг буюк истеъдоди ва маҳорати, боқий қадриятлари мужассам.

Шу маънода, Самарқанд тарихи она Ватанимиз тарихининг энг ёрқин, шонли ва шукуҳли саҳифаларини ташкил этади, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Айни пайтда тарихнинг ўзи бу азим шаҳар зиммасига Шарқ ва ғарбни ўзаро боғлайдиган кўприк, Буюк ипак йўлидаги турли цивилизациялар туташадиган муҳим чорраҳа бўлишдек улкан вазифани юклаганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Тарихий илдизларининг чуқурлиги ва қадимийлиги нуқтаи назаридан Самарқанднинг муборак номи Рим ва Афина, Бобил ва Фива каби кўҳна цивилизация марказлари билан ҳақли равишда бир қаторда туради. Лекин улар орасида фақат Самарқанд ва Римгина «абадий барҳаёт шаҳар» деган номга сазовор бўлганини, жаҳон аҳли ўртасида «Ғарбда – Рим, Шарқда – Самарқанд» деган иборанинг кенг тарқалганини инобатга оладиган бўлсак, бу юксак эътирофнинг маъноси янада ёрқин аён бўлади.

Ҳурматли юртдошлар!

Буюк шаҳарларнинг тақдири ҳеч қачон осон ва осуда кечмаганини барчамиз яхши англаймиз. Агарки Самарқанднинг салкам уч минг йиллик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу шаҳар ҳам ана шундай қисматдан холи бўлмаганини, ўз бошидан не-не сурон ва тўфонларни ўтказганини кўрамиз.

Бу шаҳар олис ўтмишнинг турли даврларида жаҳонгирлик даъвоси билан майдонга чиққан Доро ва Александр Македонский, Чингизхон сингари кўплаб босқинчиларга қарши мардона курашган, ҳар қандай оғир фожиа ва синовларга бардош бериб, ўзининг бетакрор қиёфасини сақлаб қолишга эришган.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, юртимизни мўғул истилочиларидан халос қилиб, Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган Амир Темур бобомизнинг номини ҳурмат билан тилга оламиз. Чунки Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Албатта, бу буюк зот дунёнинг манаман деган бошқа шаҳарларини ҳам ўзига пойтахт қилиши мумкин эди. Лекин шавкатли бобомиз айнан Самарқандга меҳр ва ихлос қўйиб, уни жаҳондаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айлантириш учун бутун борлиғини бағишлади.

Амир Темур Чингизхон босқини натижасида вайронага айланган Самарқанд шаҳрини обод қилиш ишларига ўттиз беш йил узлуксиз раҳнамолик қилди. Соҳибқирон бобомизнинг ақл-заковати, қатъият ва азму шижоати туфайли Самарқанд «ер юзининг сайқали» деган номга том маънода муносиб бўлган шаҳарга айланди.

Айниқса, бу улуғ зотнинг илму фан, касбу ҳунар, маданият ва санъат, дину диёнат ҳомийси сифатида амалга оширган ишлари бугун ҳам барчамиз учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Унинг ўз пойтахтида дунёда тенги йўқ улкан кутубхона барпо этгани, ана шундай маърифат масканларида тўпланган маънавий хазиналар нафақат Самарқанд, балки бутун Мовароуннаҳр ўлкасининг шуҳратини янада юксалтиришга асос бўлганига тарих гувоҳлик беради.

Бунинг тасдиғини, мана, 600 йилдан кўпроқ вақт ўтса ҳамки, Шарқ меъморлик санъатининг ҳақиқий мўъжизаси сифатида яшаб келаётган тарихий обидалар тимсолида яққол кўриш мумкин.

Албатта, бундай ўлмас обидаларни бунёд этиш учун моҳир уста ва қурувчилар билан бирга, математика ва геометрия, геодезия ва сейсмология, кимё каби фундаментал фанларни пухта эгаллаган олим ва мутахассислар, уларнинг билим ва тажрибаси зарур бўлганини барчамиз яхши тушунамиз.

Мана шу ҳаётий заруратни чуқур англаган, илму фанни юксак қадрлаган Амир Темур бобомиз ўз пойтахтига дунёнинг турли минтақаларидан етук олим ва уламолар, меъмор ва муҳандисларни жалб этган.

Буни Самарқанд заминида фаолият кўрсатган Балхий ва Дамашқий, Бағдодий ва Марвазий, Тафтазоний ва Журжоний, Жазарий ва Шомий каби юзлаб алломаларнинг номлари ҳам исботлаб турибди.

Буюк бобоси бошлаган эзгу ишларнинг муносиб давомчиси бўлган Мирзо Улуғбек Самарқанд шаҳрида расадхона барпо этиб, ўзида минглаб юлдузларнинг самовий ҳаракатини акс эттирган, бугунги энг замонавий талабларга ҳам жавоб берадиган мукаммал астрономик жадвал яратди.

Улуғбекнинг теран тафаккури, интеллектуал даҳоси асрлар мобайнида нафақат Шарқ, айни пайтда Ғарб оламини ҳам ҳайратда қолдириб келмоқда. Шу борада биргина мисол келтирмоқчиман. Европалик машҳур астроном Ян Гевелийнинг «Юлдузлар атласи» китобига илова қилинган расмда Мирзо Улуғбек Коперник ва Птоломей сингари буюк алломалар даврасида тасвирлангани бу улуғ инсонга нисбатан ҳурмат-эътиборнинг нақадар юксак даражада бўлганини кўрсатади.

Буларнинг барчаси Амир Темур ва темурийлар сулоласи Ўрта аср Шарқ ренессанси деб ном олган ноёб жараёнга қандай буюк ҳисса қўшганидан далолат беради.

Самарқанд замини ўзининг ақл-заковати, маънавий жасорати билан ислом маданияти ва фалсафаси ривожида беқиёс ўрин тутадиган Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Қозизода Румий ва Али Қушчи, Хожа Аҳрор Валий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий, Абулайс Самарқандий ва Давлатшоҳ Самарқандий каби кўплаб азиз-авлиёлар, шоир ва алломалар учун камолот бешиги бўлиб хизмат қилгани ҳам айни ҳақиқат.

Қадрли ватандошлар!

Азиз меҳмонлар!

Халқимиз таъбири билан айтганда, тўй тўйга уланиб, Самарқанд шаҳрида бошланаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бугунги байрам билан қўшилиб, уйғун бўлиб кетаётгани ҳам барчамизни қувонтиради.

Азизларим, вақтнинг шиддат билан ўтишини қарангки, бу анжуманнинг ташкил топганига ҳам, мана, ўн йил бўлибди. Ўзида Шарқнинг қалби ва руҳини ифода этадиган, мумтоз мусиқа санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек олижаноб мақсадга хизмат қиладиган бу анжуманни айнан Самарқанд шаҳрида, унинг юраги бўлмиш мана шу бетакрор Регистон майдонида ўтказиб келаётганимиз бежиз эмас, албатта.

Самарқанд диёри азал-азалдан маданият ва санъат бешикларидан бири бўлиб келгани тарихдан яхши маълум. Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан бундан 3 минг 300 йил муқаддам суякдан ясалган най асбобининг топилгани, ҳеч шубҳасиз, бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» китобида Амир Темур томонидан уюштирилган мусиқий анжуманлар ҳақида тўхталиб, «Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку мўғул, хитойу араб ва ажамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди», деган маълумотларни келтиради.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, биродарлар, бундан олти аср аввал айнан мана шу Самарқанд заминида мавжуд бўлган маданий анъаналар бугунги «Шарқ тароналари» фестивалининг руҳи ва ғояларига қанчалар уйғун ва ҳамоҳанг.

Бугунги тантанамизда ушбу фестивалга 50 дан зиёд мамлакатдан ташриф буюрган 300 дан ортиқ қадрли меҳмонларимизнинг иштирок этаётгани бу байрамга алоҳида файзу тароват бағишлаб турибди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Ҳеч кимга сир эмас, дунёнинг қайси жойида яшамасин, барча халқлар ўз остонасига соз кўтариб келган одамни азиз меҳмон сифатида қабул қилади.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг барча иштирокчиларини ўз номимдан, халқимиз номидан «Гўзал Ўзбекистон диёрига, қадимий ва бетакрор Самарқанд заминига хуш келибсиз!» деб самимий қутлашга, уларга ижодий ютуқ ва омадлар тилашга ижозат бергайсизлар.

Қадрли дўстлар, биродарлар!

Мен дунёдаги қанча-қанча олис ва яқин мамлакатларда бўлиб, не-не буюк шаҳарларни кўриш бахтига муяссар бўлганман.

Лекин кўрганларимнинг барчасини қиёслаб, очиғини айтадиган бўлсам, Самарқанддек Оллоҳнинг назари тушган азиз ва табаррук шаҳарлар ер юзида саноқлидир.

Бу шаҳарнинг кўрку таровати, беқиёс гўзаллиги ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин Самарқандни Самарқанд қилган бу – аввало унинг кўпни кўрган, мард ва ориятли, бунёдкор ва донишманд халқи, десак, ҳар томонлама ўринли бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, саховатли Самарқанд замини неча асрлар давомида пок ва холис ниятли ҳар қандай одамни ўз бағрига олиб, барчага баробар ризқу насиба улашиб келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу ўринда қалбимдаги эзгу бир фикрни айтмасдан ўтолмайман. Бутун дунёдан Самарқанди азимга ташриф буюрадиган минг-минглаб инсонларни ўзига чорлайдиган нарса бу – фақат шаҳардаги ноёб меъморий обидалар, сўлим табиатгина эмас. Балки уларни бу ерда яшайдиган одамлар, уларнинг хушфеъллиги, меҳмондўстлиги, бетакрор либоси, ширин забони, бошқа жойда учрамайдиган, кўп тилларнинг гўзаллигини ўзида мужассам этган Самарқанд шеваси, мухтасар айтганда, Самарқанд аҳлининг миллий анъана ва қадриятларга содиқлиги ўзига тортади, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мустақиллик йилларида Самарқанднинг чиройига чирой қўшиш, унинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш борасида қандай катта ишлар амалга оширилаётганидан барчангиз хабардорсиз.

Айниқса, шу заминда яшаётган инсонларга ҳар томонлама муносиб шароит яратиш мақсадида барпо этилган магистрал йўллар, майдон ва хиёбонлар, янги-янги мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, стадионлар, тиббиёт масканлари ва меҳмонхоналар Самарқандниг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Бу шаҳарнинг ўз тимсолида қадимий ноёб обидалар билан замонавий шаҳарсозлик ютуқларини ҳамоҳанг тарзда ривожлантириб бораётгани айниқса эътиборга сазовор.

Бошқача айтганда, тарихга ҳурмат туйғусини юрагида сақлаб, уни бугунги кун билан уйғунлаштириш, эртанги кунга интилиб яшаш – Самарқанд аҳлининг дунёқараши ва маънавий оламини белгилайдиган асосий мезондир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мана шундай гўзал фазилатлар соҳиби бўлган эл-юрт албатта ҳар қандай юксак эъзоз ва эҳтиромга арзийди.

Азиз дўстларим, биродарларим, сизлар нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон аҳлининг ана шундай ҳурмат-эътиборига доимо муносиб бўласиз, деб ишонаман.

Муҳтарам Самарқанд аҳли, қадрдонларим!

Мана шундай қувончли лаҳзаларда аввало барчамизни шундай ёруғ кунларга етказгани, Самарқанддек муқаддас диёрни бизга ато этгани, эл-юртимизни бало-қазолардан асраб келаётгани учун Яратганимизга шукроналар айтамиз.

Сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклар эканман, шу қадрдон заминда – она шаҳримда туриб, оққўнгил, меҳридарё Самарқанд элига, бутун халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Мана шундай умрбоқий шаҳарларни яратган, уларни даврлар синовидан безавол олиб ўтаётган халқимиз мангу яшасин, бахту саодати янада зиёда бўлсин!

Юртимизнинг фахру ифтихори бўлмиш азим Самарқанд, мустақил Ўзбекистон давлати дунё тургунча турсин!

Заметки публициста

ВЕЛИКОМУ ПРАЗДНИКУ – ВЕЛИКИЕ СВЕРШЕНИЯ

Сегодня праздник – День независимости. Самый великий и самый дорогой. Оглядываясь на пройденный путь, нельзя не заметить, каких невиданных успехов добилась республика за 16 лет независимости во всех сферах жизни общества. В результате проводимых под руководством нашего Президента Ислама Каримова реформ страна сделала гигантский скачок от отсталости к прогрессу. Она стала экономически сильнее, духовно богаче, интеллектуально просвещеннее. Она преобразилась вся: от столицы до самого отдаленного кишлака. Новые величественные здания и жилые дома, современные школы, лицеи, колледжи, развязки дорог, мосты, новые улицы, парки и скверы – всего, что сегодня определяет лицо современного независимого Узбекистана, не перечесть. Независимость создала неограниченные возможности для кардинальных качественных преобразований, модернизации производств, внедрения новых и новейших технологий. Изменилась страна, изменились и люди, их образ жизни, их мышление и мировоззрение. Сегодня наша Родина – достойный член мирового сообщества.

По сложившейся традиции глава государства накануне Дня независимости знакомился с новыми объектами, вводимыми в строй, и действующими. Особенность этого года состояла в том, что новые крупные объекты вводились в строй не только в столице, но и в ряде других регионов республики. Прежде всего, **исторический трудовой подвиг совершили строители-железнодорожники,** досрочно завершившие ко Дню независимости строительство железнодорожной магистрали Ташгузар – Байсун – Кумкурган, в торжественной церемонии открытия которой и принял участие Президент.

«Сдача в эксплуатацию этой железнодорожной линии протяженностью 223 километра, – подчеркнул он, – проложенной в максимально короткие сроки, в сложных с топографической точки зрения условиях всего за 33 месяца, за два года до намеченного срока, является великим событием в истории нашей страны».

В чем величие этого исторического события?

Во-первых, в том, что строительство велось в тяжелейших условиях высокогорья, до 1800 метров над уровнем моря, в пересеченной местности, на которой потребовалось возвести 43 моста и путепровода, при этом 9 из них на высоте 1500 метров над уровнем моря. Построено 564 крупных водоспускных сооружения. Например, на участке Дехканабад – Байсун потребовалось построить 31 мост, а на участке Байсун – Дербан протяженностью в один километр – 6 мостов сложной конструкции. Построенный вблизи кишлака Корадахна, под Консаем, мост имеет такие параметры: длина – 234,2 метра, высота – 45 метров.

Смотришь на эти чудо-мосты и кажется, что видишь что-то ирреальное, не земное, а космическое. Действительно, как сказал Президент: **«Пройдут годы, минуют эпохи. Уверен, что трудовой подвиг, любовь и преданность Родине нашего народа, способного к таким историческим свершениям, будут воспеваться в песнях и дастанах, станут примером для подражания грядущим поколениям».**

Во-вторых, на новой дороге построены уникальные с точки зрения технического и инженерного решения сооружения – всего 609 объектов, необходимые железнодорожная инфраструктура и коммуникации, отвечающие мировым стандартам, – современные вокзалы, локомотивное депо, пункты технического обслуживания, сети электроснабжения. Построены шесть современных станций и девять разъездов с пассажирскими платформами. Все это современные здания, десятки коттеджей, вокзалы, соответствующие международным стандартам. На станции Дарбанд возведена школа на 216 ученических мест, на станции Дехканабад – спортивный комплекс. Президент лично ознакомился с этими станциями, он побывал также на станции Окработ, расположенной на самой высокой точке железной дороги, где погода может меняться четыре раза в день.

На всех станциях и других объектах глава государства беседовал со строителями-железнодорожниками, аксакалами близлежащих кишлаков, интересовался условиями труда, быта строителей и железнодорожников, давал рекомендации, добрые советы, как сделать жизнь и быт людей комфортными, обеспеченными, благополучными. Во всех этих беседах главы государства прослеживалось чувство любви и беспокойства о тех, кто будет жить здесь, работать во имя Родины, и высокая личная ответственность перед будущими поколениями.

Значение этой дороги огромно. Об этом очень хорошо сказал Президент И. А. Каримов в выступлении на открытии железнодорожной линии. Подчеркнем лишь, что **она имеет стратегическое значение в развитии экономики страны, в повышении экспортного и транзитного потенциала. И в решении проблем обороны страны.** Но главное, она открывает доступ к многочисленным минерально-сырьевым источникам, которыми богат этот район. Там, где проходит железная дорога, имеются немалые запасы нефти, газа, поваренной соли, калиевой соли, угля, керамзита, известняка, гипса, полиметаллических руд. Освоение их уже началось. Рядом со станцией Дехканабад ведется строительство завода минеральных удобрений, осваивается угольный разрез Шаргун. Регион уже начал работу на благо независимости, страны и нашего народа.

25 августа глава нашего государства ознакомился с работой, проведенной в Самарканде в связи с его 2750-летием. В соответствии с генеральным планом развития города полностью реставрирована площадь Регистан, в духе национальных традиций изменен облик исторического здания Чорсу. Стали ярче блестеть голубые купола комплекса Шахи-Зинда. Полностью отремонтирована зеленая площадь, заложенная на месте Чокур-бозора и расположенных вокруг него неприглядных зданий. Малая кольцевая дорога создала удобства для туристов и жителей Самарканда, связав в единое целое мавзолей Гур-Эмир, площадь Регистан, место поклонения Матуриди, мечеть Жоме, медресе Биби-ханум, а также обсерваторию Улугбека. Вместо производственных зданий акционерного общества «Зарявшон», которые уже давно не вписывались в общую картину исторических памятников, заложен сад, который гармонично сочетается с аллеей фонтанов на площади Рухабад.

Накануне юбилея было завершено строительство десятков социально-бытовых объектов, заложены уютные парки и сады, широкие улицы, скверы. Глава государства дал высокую оценку проведенной в Самарканде работе, подчеркнув, что реконструкция и реставрация архитектурных памятников требуют большого мастерства, и тут важно, прежде всего, найти и глубоко изучить их основу.

– В мире не так много таких величественных и древних комплексов, как Шахи-Зинда, – отметил Президент. – Наш человеческий долг – беречь их как зеницу ока, сохранить для грядущих поколений в первозданном виде.

В преддверии юбилея новый вид приобрели Областной театр музыкальной драмы имени Хамида Алимджана, Русский драматический театр имени А.П.Чехова, аэропорт, железнодорожный вокзал. Построен также ряд медицинских учреждений, предприятий сферы услуг.

Древний и вечно молодой Самарканд совершенствует свой исторический облик. Являясь сегодня одним из важнейших центров экономической, научной и культурной жизни региона, Самарканд – один из самых древних и прекрасных городов мира. Это поистине жемчужина Востока, украшение лика земли.

27 августа глава государства ознакомился с новыми объектами в Ташкенте. В эксплуатацию сдана новая, самая короткая и удобная дорога, соединяющая Юнусабадский и Мирзо-Улугбекский районы Ташкента. Дорога протяженностью 2,2 километра была построена за неполных шесть месяцев. Ширина дороги в обоих направлениях составляет 12,5 метра. С двух сторон проложены 3,5-метровые пешеходные дорожки, вокруг проведена работа по благоустройству и озеленению. Над дорогой проходит железнодорожная развязка (мост) длиной 16,5 метра. Знакомясь с проделанной здесь работой, глава государства отметил, что такая работа требует не только средств, но и высокого интеллекта и мастерства. «В последние годы, – заметил Президент, – наши дорожники, мостостроители достигают высоких рубежей».

Теперь, после ввода в строй этой дороги и моста, Малая кольцевая через улицу Аллома соединена с улицей Файзуллы Ходжаева. Это сокращает путь и обеспечивает безопасность дорожного движения.

Независимость дала нашему народу большие права и свободы, открыла безграничные возможности для образования, развития культуры, науки. Она предоставила нашей молодежи возможность обучения в престижных вузах в стране и за рубежом. Сегодня в Ташкенте действуют филиалы Российской экономической академии имени Г.Плеханова и Московского государственного университета имени М.Ломоносова, Международный Вестминстерский университет, и вот теперь открывается филиал Российского государственного университета нефти и газа имени И.Губкина.

30 августа Президент Ислам Каримов посетил УзЭкспоцентр и ознакомился с экспозицией выставки «Сделано в Узбекистане». За короткие сроки созидательной работы УзЭкспоцентр, общая площадь которого теперь составляет 48 гектаров, превратился в единый комплекс, включающий в себя парк отдыха, теннисный корт, выставочные павильоны. Теперь здесь можно проводить до 30 специализированных, международных и традиционных выставок в год, которые будут активно работать на процветание Родины, усиление экономической мощи государства и рост благосостояния народа.

Знакомство главы государства с новыми объектами показало, что мы пришли к 16-летию независимости не с пустыми руками, а потрудились на славу, вписав новые яркие страницы в летопись своей страны. Минувшие шестнадцать лет позволили нам укрепить независимость страны, поднять еще выше ее международный авторитет. Новыми красками засияли национальная гордость народа и его историческая память. На более высокую ступень поднялась экономика страны, а ее новые объекты – это реальное воплощение созидательного потенциала нашего народа, его творчества и житейской мудрости. Это поистине великие свершения. Они помогают нам сохранять верность заветам великих предков, укреплять веру в идеалы независимости, уверенно идти по пути обновления и прогресса.

Воины-узбекистанцы внимательно изучают выступления Президента и материалы, связанные с посещением им новых объектов. Каждое слово, каждую мысль и суждение главы государства они воспринимают как основание для выводов и практических действий. Они отлично понимают, какая огромная созидательная работа проводится и в Вооруженных Силах страны. Министерство обороны, Объединенный штаб Вооруженных Сил, руководствуясь установками Президента страны, Верховного Главнокомандующего, делают все для того, чтобы обеспечить военнослужащих всем необходимым для нормальной боевой жизнедеятельности и создать им комфортные социально-бытовые условия.

Подготовка к 16-летию независимости страны стала для военнослужащих своеобразной школой знаний, опыта и мастерства, совершенствования их морально-боевых и психологических качеств. Она потребовала от них мобилизации всех сил и возможностей для укрепления безопасности страны, повышения боевой готовности Вооруженных Сил. А героические подвиги строителей и трудовые деяния нашего народа в канун Дня независимости восприняты ими как уроки истинного патриотизма, любви и преданности нашей любимой независимой Родине.

Анфим ХЛЫЗОВ.

3 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.50 «Замин ғаройиботлари».
9.15 «Покахонтас».
9.40 «Менинг университетим».
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Шифокор қабулида».
11.35 «Одами эрсанг...»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Шарқ тароналари».
14.35, 15.40 «Ўлдинг, азиз бўлдинг».Спектакль.
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.20 «Ҳаёт ва қонун».
17.45 «Шу азиз Ватан барчамизники».
18.35 «Гулхан атрофидагилар». Телесериал.
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Довюрак самурай». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Муқаддас қадамжолар».
22.05 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
23.10 «Борже узуги». Телесериал.
00.10 «Водий дурдонаси».
00.40 «Чемпион сирлари».
1.00 «Ахборот» (рус.).
1.40 «Қаллиқ ўйин». Спектакль.
4.00 «Ахборот».
4.35 «Муқаддас қадамжолар».
5.05 «Гулхан атрофидагилар».

ЁШЛАР

16.00 «ДАВР».
16.10 «Journal» (инглю).
16.50 «Бу байрам – барчамизники!»
17.00 «Устоз».
17.10 «Мўъжизавий дунё».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 Мультфильм.
18.30 «Мулки мумтоз».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар». Телесериал.
20.10 «UzEX хабарлари»
20.40 «Афсонавий Марғилон – 2000 ёшда!»
20.50 «Ишкомли уй».
21.35 «UzEX хабарлари».
21.40 «Радиодан кўрсатамиз!»
21.50 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа».
22.50 «Пуаро».
23.45 «Таскин».

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт».
18.45 «Шукрона».
18.50 «Эгизаклар».
19.25 «ТВ-юрист».
19.50 «Саломат бўлинг» (рус.).
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Возможно, они сошли с ума».
20.50 «Интервью» (рус.).
21.30 «Пойтахт».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Таинственный остров». 1-я серия.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин».
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Версия».
10.30 «Болалар спорти».
10.50 «Ким нимага қодир?»
11.10 «Жаҳон халқлари ўйинлари».
11.25 «Тақдир чизгилари».
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор»–«Андижон». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Хабарлар» (рус. тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Жди меня».
20.00 «Чужие тайны».
20.45 ПрофРИНГ.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
21.50 «Дела семейные».
22.45 Футбол шарҳи.
23.05 Теннис. Осиё чемпионати.

4 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.45 «Замин ғаройиботлари».
9.10 «Ўйла! Изла! Топ!»
10.00 «Менинг университетим».
10.20 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.50 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Довюрак самурай».
11.50 «Ахборот» (инглю).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Қушлар ҳақида ҳақиқат».
15.30 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Ф. Менделсон.
16.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «ИИВ хабарлари».
17.30 «Ҳудудлар ҳаёти».
17.45 «Шу азиз Ватан барчамизники».
18.35 «Гулхан атрофидагилар».
19.15 «Банк ва бизнес янгиликлари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.10 «Довюрак самурай».
21.00 «Ахборот».
21.40 Эркин мавзу.
22.05 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Борже узуги».
00.40 «Рангин дунё».
1.00 «Ахборот». (рус.).
1.40 «Янги кун».
2.30 «Ҳаёт сўқмоқлари».
3.00 «Ахборот» (инглю).
3.40 «Истеъдод».
4.00 «Ахборот».
4.35 «Геологик қўриқхона».
5.05 «Гулхан атрофидагилар».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Чорраҳадаги уй».
8.30 «Айро тақдирлар». Телесериал.
9.00 «Биз киммиз?»
9.40 «Нафосат олами».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Интерфутбол».
12.00 «Ишкомли уй».
12.40 «Радиодан кўрсатамиз!»
13.00 «ДАВР».
13.20 «Эртагим-эртак»
14.00 «Ғурур».
15.00 «ЯНГИ КУН»
16.00 «ДАВР».
16.10 «Пуаро».
17.10 «Мўъжизавий дунё».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.30 «Мулки мумтоз».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар».
20.20 «Марғилон».
20.50 «Ишкомли уй».
21.35 «Ёшлик наволари».
22.00 «ДАВР».
22.50 «Пуаро».
23.45 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар».
9.25 «Аёл қалби».
9.40, 19.25 «ТВ-юрист».
10.25 «Интервью» (рус.).
10.45 «Туризм ҳақида» (рус.).
11.15, 20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
11.25 «Таинственный остров».
1-я серия.
17.55 Мультфильм.
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.45 «Шукрона».
18.50 «Эгизаклар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Возможно, они сошли с ума».
20.50 «Репортаж».
21.45 «Ўйларим».
22.50 «Таинственный остров».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус.).
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб.).
10.20 Теннис. Осиё чемпионати.
12.20 Белбоғли кураш. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус.).
18.50 Теннис. Осиё чемпионати.
19.50 «Остров Пасхи. Таинственные гиганты». Документальный фильм.
20.00 «Чужие тайны».
20.45 Спорт – менинг ҳаётим».
21.00 Футбол мундиал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб.).
21.50 «Дела семейные».
22.45 Еврофутбол. Германия чемпионати. «Барселона»–«Атлетик».

5 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00«Ахборот».
8.50 «Замин ғаройиботлари».
9.15 «Болалар сайёраси»:
10.25 «Ҳаёт манзаралари».
10.35 «ИИВ хабарлари».
10.50 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Довюрак самурай».
11.50 «Мафтункор Бахмал».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Қушлар ҳақида ҳақиқат».
15.30 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» хазинасидан.
16.30 «Болалар сайёраси»:
17.00 «Ахборот».
17.25 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.45 «Одамлардан бири».
18.35 «Гулхан атрофидагилар».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Довюрак самурай».
21.00 «Ахборот».
22.05 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Борже узуги».
00.40 «Бешик».
1.00 «Ахборот». (рус.).
1.40 «Янги кун».
2.30 «Ватанпарвар».
3.30 «Мўйқалам сеҳри».
4.00 «Ахборот».
5.05 «Гулхан атрофидагилар».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Чорраҳадаги уй».
8.30 «Айро тақдирлар».
9.00 «Биз киммиз?»
9.20 «Бунёдкор ёшлар».
9.40 «Нафосат олами».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Ипак сеҳри».
11.15 «Водий дурдонаси».
12.00 «Ишкомли уй».
13.00 «ДАВР».
13.20 «Эртагим-эртак»
13.50 «Бу байрам – барчамизники!»
14.00 «Ғурур».
15.00 «ЯНГИ КУН»
16.00 «ДАВР».
16.10 «Пуаро».
17.10 «Мўъжизавий дунё».
18.10 Мультфильм.
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Афсонавий Марғилон – 2000 ёшда!»
20.50 «Ишкомли уй».
22.00 «ДАВР».
22.50 «Пуаро».
23.45 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.40, 19.25 «ТВ-юрист».
9.45 «Шукрона».
10.50 «Репортаж».
11.00, 20.15 «ТВ-юрист»(рус.).
11.10 «Таинственный остров».
17.55 Мультфильм.
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.45 «Шукрона».
18.50 «Эгизаклар».
19.50 «Мисли гавҳар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Возможно, они сошли с ума».
20.50 «Интервью».
21.45 «Ўйларим».
22.50 Кино: «Как отделаться от парня за десять дней».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус.).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
10.20 Теннис. Осиё чемпионати.
12.20 Белбоғли кураш. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 Болалар спорти.
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус.).
18.50 Теннис. Осиё чемпионати.
19.50 «Тет-а-тет».
20.00 «Чужие тайны».
20.45 «Путешествия натуралиста».
21.10 «Тақдир чизгилари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
21.50 «Дела семейные».
22.45. Еврофутбол.
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

6 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.45 «Замин ғаройиботлари».
9.10 «Покахонтас».
9.35 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
9.55 «Увайсий».
10.25 «Табаррук замин».
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Довюрак самурай».
11.50 «Ахборот» (инглю).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Қушлар ҳақида ҳақиқат».
15.10 «Ўзбекистон – умумий уйимиз».
15.40, 21.40 «Кўҳна ва навқирон Марғилон».
16.10 «Ижтимоий ҳимоя».
16.30 «Болалар сайёраси»:
17.00 «Ахборот».
17.20 «Имконият».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.35 «Гулхан атрофидагилар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Довюрак самурай».
21.00 «Ахборот».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Борже узуги».
00.10 «Қадимий ва афсонавий Марғилон».
00.40 «Қишлоқ ҳаёти».
1.00 «Ахборот». (рус.).
1.40 «Янги кун». .
2.30 «Назм ва наво».
3.00 «Ахборот» (инглю).
3.15 «Увайсий».
4.00 «Ахборот».
4.35 «Навбаҳор».
5.05 «Гулхан атрофидагилар».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ
8.00 «Чорраҳадаги уй».
8.30 «Айро тақдирлар».
9.00 «Биз киммиз?»
9.40 «Нафосат олами».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Автопатруль».
10.30 «ВАТАНПАРВАР».
11.30 «Манфаатли ҳамкорлик – давр талаби».
12.00 «Ишкомли уй».
13.00 «ДАВР».
14.00 «Ғурур».
15.00 «ЯНГИ КУН»
16.00 «ДАВР».
16.10 «Пуаро».
17.10 «Мўъжизавий дунё».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 Мультфильм.
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар».
20.40 «Афсонавий Марғилон – 2000 ёшда!»
20.50 «Ишкомли уй».
22.00 «ДАВР».
22.50 «Пуаро».
23.45 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар».
9.40, 19.25 «ТВ-юрист».
9.55 «Интервью».
10.35 «Ўйларим».
10.40, 20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
10.50 Кино: «Как отделаться от парня за десять дней».
18.30 «Пойтахт».
18.45 «Шукрона».
18.50 «Эгизаклар».
19.50 «Иқтисод-ревю» (рус.).
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Возможно, они сошли с ума».
20.50 «Интервью» (рус.).
21.30 «Пойтахт».
22.50 Кино: «Час пик».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус.).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб.).
10.20 Теннис. Осиё чемпионати.
12.20 Белбоғли кураш. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 Болалар спорти.
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус.).
18.50 «Мониторинг».
19.10 Теннис. Осиё чемпионати.
20.00 «Чужие тайны».
20.45 «Шарқ яккакурашлари».
21.00 Автоспорт. Гран-при.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Дела семейные».
22.45 Еврофутбол. Италия чемпионати.

7 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.50 «Замин ғаройиботлари».
9.15 «Болалар сайёраси»:
10.25 «Марғилонлик санъат дарғалари».
10.50 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Довюрак самурай».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.50 «Зилол».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Қушлар ҳақида ҳақиқат».
15.25 «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».
15.40 «Кўҳна ва навқирон Марғилон».
16.20 «Гулхан атрофидагилар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Саломатлик» дастури.
17.35 «Ҳидоят сари».
18.00 «Ахборот» (рус.).
18.40 «Марғилон».
19.00, 21.35, 1.30 Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдан репортаж.
21.00 «Ахборот».
00.05 «Марғилонлик санъат дарғалари».
00.25 «Ўзбекистон – умумий уйимиз».
1.00 «Ахборот». (рус.).
4.00 «Ахборот».
4.35 «Тоғнинг гули ўзгача».
5.05 «Гулхан атрофидагилар».

ЁШЛАР

.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Чорраҳадаги уй».
8.30 «Айро тақдирлар».
9.00 «Биз киммиз?»
9.40 «Нафосат олами».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Интерфутбол».
12.00 «Ишкомли уй».
13.00 «ДАВР».
14.00 «Ғурур».
14.55 «Тафаккур нури».
15.00 «ЯНГИ КУН»
16.00 «ДАВР».
16.10 «Пуаро».
17.00 «Устоз».
17.10 «Таълим ва тараққиёт».
17.30 «Меъёр – соғлиқ гарови».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 Мультфильм.
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар».
20.20 «Водий дурдонаси».
20.50 «Ишкомли уй».
22.00 «ДАВР».
22.50 Кино: «Роузлар жанги».
00.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар».
9.30 «ТВ-юрист».
10.00 «Ўйларим».
10.10 «Иқтисод-ревю» (рус.).
10.20 «Интервью» (рус.).
10.30 20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
10.40 Кино: «Час пик».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар».
19.25 «ТВ-юрист».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Возможно, они сошли с ума».
20.50 «Репортаж» (рус.).
21.45 «Ўйларим».
22.50 Кино: «Час пик-2».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус.).
8.20 «Мультфильм».
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб тилида)
10.20 «Ринг».
10.50 Теннис. Осиё чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус.).
18.55 «Поле чудес».
20.00 «Чужие тайны».
20.50 «Преодоление».
21.00 Юнон-рум кураши. Халқаро турнир.
21.30 «Хабарлар» (узб тилида)
21.50 «Аптека слушает».
22.35 «Дела семейные».
23.30 Теннис. Осиё чемпионати.
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

8 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00«Ахборот».
8.50 «Шифокор қабулида».
9.15 «Рангинкамон».
10.00 Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдан репортаж (ёзиб олинган).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.30 «Ҳамон ёдимда»
14.00 «Ахборот».
14.20 «Хонадон».
14.45 «Яратганга шукур». Фильм.
16.25 «Болалар сайёраси».
17.50 «Саломатлик сирлари».
18.45 «Шўрданак».
19.20 «Суғурта оламида».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Довюрак самурай».
21.00 «Ахборот».
22.35 «Йўлбошчи». Фильм.
00.15 «Оҳанрабо».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.40 «Янги кун».
02.55 «Қизлар даврраси».
04.00 «Ахборот».
04.35 Кино: «Ажойиб хаёлпараст».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Чорраҳадаги уй».
8.30 «Айро тақдирлар».
9.20 «Дунё бўйлаб». Таиланд.
10.00 «ДАВР».
10.10 «Автомобилдан сақланинг». Кинокомедия.
12.00 «Ишкомли уй».
13.00 «ДАВР».
13.20 «Эртагим-эртак»
14.00 «Ғурур».
15.00 «ЯНГИ КУН»
16.00 «ДАВР».
16.10 «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат мукофотлари» туркумидан: «Ҳумо»нинг туғилиши».
16.40 «Чемпион сирлари».
17.00 Мультфильм.
18.10 «Сифат белгиси».
19.00 «ДАВР».
19.50 «Оқшом қўнғироқлари».
20.00 «Уй масаласи».
20.40, 21.35 «Афсонавий Марғилон – 2000 ёшда!»
20.50 «Ишкомли уй».
22.00 «ДАВР».
22.50 Кино: «Аёллар мамлакатида».
00.35 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар».
9.30 «Маърифат фидойилари».
9.45, 19.25 «ТВ-юрист».
9.50 «Саломат бўлинг».
10.00 «Шукрона».
10.25 «Ўйларим».
10.35 «Репортаж» (рус.).
10.55 «ТВ-юрист» (рус.).
11.05 Кино: «Час пик-2».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.45 «Шукрона».
18.50 «Эгизаклар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Возможно, они сошли с ума».
22.10 «Истеъдод».
22.50 Кино: «Ангел».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб.).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус.).
9.20 «Смак».
9.55 Фильм – детям. «В поисках Немо».
11.35 Теннис. Осиё чемпионати.
13.35 «Жаҳон спорти юлдузлари».
13.55 Вокруг света с Денном Крикшэнком.
14.55 «Спорт салтанати».
17.00 Футбол. Олимпиада саралаш учрашуви. Ўзбекистон–Сурия.
19.10 «Файзли ошхона».
19.50 «Стиль».
20.05 «Звездный матч».
20.25 Юнон рум кураши. Халқаро турнир.
20.55 Футбол. Евро-2008 саралаш учрашуви. Англия–Исроил.
22.55 Теннис. Осиё чемпионати. Якка тартиб. Финал.
23.45 Футбол. Италия–Франция.

9 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00«Ахборот».
8.45 Мультфильм.
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.25 «Довюрак самурай».
11.00 «Ҳандалак».
11.30 «Денгиздан томчи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00, 14.30 «Ҳеч қачон алвидо деманг». Фильм.
15.55 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
16.05 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
16.55 Мультфильм.
17.05 «Интеллектуал ринг».
18.10 «Оҳанглар оғушида».
18.20 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
19.30 «Таҳлилнома» (рус.).
20.10 «Довюрак самурай».
21.00, 4.00 «Таҳлилнома».
22.05 «Азизим».
22.45 «Оталар». Фильм.
00.30 «Олтин водий усталари».
1.00 «Таҳлилнома» (рус.).
1.30 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
2.30 «Интеллектуал ринг».
4.45 Кино: «Қор қўйнида лола».

ЁШЛАР

7.00 Кино: «Гўзаллик сири».
8.40 «Дунё таомлари».
9.20 «Мафтункор ранглар дунёси».
9.30 «Болалар давраси».
10.00 «ВАТАНПАРВАР».
11.00 «Journal» (инглю).
11.20 «Эверест».
12.00 «Ишкомли уй».
13.00 «Фармонбиби аразлади» спектакли.
15.00 «Ҳаёт сўқмоқларидан.
16.30 «Болалар сайёраси»:
17.00 «Ахборот».
17.25 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.45 «Одамлардан бири».
18.35 «Гулхан атрофидагилар».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Довюрак самурай».
21.00 «Ахборот».
22.05 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Борже узуги».
00.40 «Бешик».
1.00 «Ахборот». (рус.).
1.40 «Янги кун».
2.30 «Ватанпарвар».
3.30 «Мўйқалам сеҳри».
4.00 «Ахборот».
5.05 «Гулхан атрофидагилар».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.40, 19.25 «ТВ-юрист».
9.45 «Шукрона».
10.50 «Репортаж».
11.00, 20.15 «ТВ-юрист»(рус.).
11.10 «Таинственный остров».
17.55 Мультфильм.
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.45 «Шукрона».
18.50 «Эгизаклар».
19.50 «Мисли гавҳар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Возможно, они сошли с ума».
20.50 «Интервью».
21.45 «Ўйларим».
22.50 Кино: «Как отделаться от парня за десять дней».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус.).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
10.20 Теннис. Осиё чемпионати.
12.20 Белбоғли кураш. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 Болалар спорти.
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус.).
19.50 «Тет-а-тет».
20.00 «Чужие тайны».
20.45 «Путешествия натуралиста».
21.10 «Тақдир чизгилари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
21.50 «Дела семейные».
22.45. Еврофутбол.
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

СКАНВОРД



Билиб сўзлагил, ҳурматинг тўкмагил
Саъдий Шерозий

ГАЗЕТАНИНГ 34-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Қашқалдоқ. Роналдо. Ол. Сафро. Роом. От. Перу. Об. Панж. Тафт. Уқа. Амир. Ит. Грин. Ғўза. Саид. Ка. Ташаббус. «Далли». Чироқ. Ватан. Анд. Етук. Ширин. Ирода. Мот. Бой.

БУЙИГА: Шунқор. Асло. «Форд». Ложувард. Ота. Қассоб. Он. Ўта. Драматург. Пақир. Ан. Фамил. Қорақалпоғистон. «Рома». Айиқ. Булут. Шамс. Кучланиш. Ел. Диктант. Атир. Оқ. Арис. Нов. Омад. Ип. Пи. Ой.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

НУРАФШОН КУНЛАРДА УЛАР ҲАҚҚИ БОР

(31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни)



Озодликка осонликча эришганимиз йўқ. Истиқлол йўлида қанчадан-қанча зотлар қурбон бўлишди. Шафқатсиз қатағонга учраб, ноҳақ айблар тақалиб, отилган зиёлилар, оддий инсонлар – косиб, ҳунарманд, деҳқонларни, бекафан кўмилганларни, хўрлик, ҳақоратларга маҳкум этилганларни ўйлаганда, шундайин дориломон кунларда уларнинг ҳам беҳисоб ҳиссалари борлигини хаёлдан ўтказганда, бўғзимга бир нарса тиқилгандек бўлаверади. Ҳа, бундай нурафшон кунлар умидида жафокаш халқимиз бошига қанчадан-қанча мусибатлар, оғир синовлар тушмади, дейсиз.

Истиқлол сабаб, Президентимиз ташаббуси билан қатағонга учраган, ноҳақ айбланган, шаҳид кетган инсонларимиз шаънини тиклаш, тарихий адолатни қарор топтириш йўлида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Тарихий адолат тантанаси юртдошларимизни тўлқинлантириб юборди. Ҳамюртларимизни ҳаётга очиқ кўз билан қарашга, бундай қора кунлар бошимизга тушмаслиги учун доимо курашчан, огоҳ, сергак бўлиб яшашга, мустақиллигимизнинг қадрига етишга ўргатди.

Тўғри, 1999 йилда Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойиларимиз хотирасини абадийлаштириш борасида Президентимиз Фармойиши эълон қилинди, Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Бироқ бу борадаги эзгу ва хайрли саъй-ҳаракатлар истиқлолнинг илк йиллариданоқ, ҳатто мустақилликка эришиш арафасида бошланди, десак хато қилмаймиз.

Масалан, 1991 йилнинг 6 февралида қатағонга учраган бобокалонимиз, севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг порлоқ хотирасига унинг номида адабиёт ва санъат соҳасида давлат мукофоти таъсис этилганини олиб қарайлик. Ёки бўлмаса, Қодирий бобомизнинг биринчилардан бўлиб «Мустақиллик» орденига муносиб кўрилганини олайлик. 1991 йилнинг 25 сентябрида халқимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган, истибдод қурбонлари бўлган боболаримиз Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратларга Навоий номидаги давлат мукофоти берилгани кўпчиликнинг эсида бўлса керак. Бу нимадан далолат?

Таъкидлаш лозимки, бу мустақил тараққиёт йўлимизнинг илк одимлариданоқ юрт озодлиги ва ҳурлиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллатни мустақилликка, эркка чорлаган, мустабид тузум йилларида қатағон этилган фидойи ватанпарварлар доимо қалбимизда бўлишини намоён этганимиздан. Бунинг замирида беқиёс тарбиявий мезон бор. Яъни бугунги авлод бу билан мустақиллигимизнинг қанчалар азиз, улуғ неъмат эканини, унда фидойи аждодларнинг, улар орзу-армонларининг ҳам ҳаққи борлигини юракдан англашади. Бу эса улар қалбларида мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга, асраб-авайлашга интилишни кучайтиради.

2000 йилнинг 12 майи... Тошкентнинг Юнусобод туманида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси очилди. Унда Президентимиз Ислом Каримов иштирок этиб, нутқ сўзлади. «...Аслида биз қўлга киритган мустақилликнинг моҳияти ҳам ўзлигимизни англаб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, миллатимизнинг қадр-қимматини, унинг шаъни ва ғурурини тиклаб, асрий адолатни қарор топтириш ва халқимизнинг обрў-эътиборини янада юксалтириш демакдир», деди жумладан давлатимиз раҳбари.

2001 йилнинг 1 майида муҳим тарихий ҳужжат – Президентимизнинг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганини яхши биламиз. Шундан эътиборан ҳар йили 31 август куни, яъни Мустақиллик байрами арафасида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида маросим бўлиб ўтади. Нурафшон кунларга етиб келолмаган, озодлигимиз учун жонини фидо этганлар ҳаққига дуо қилинади.

Мамлакатимизда амалга оширилган бу эзгу ишлар борасида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг севимли шоири Абдулла Орипов шундай дейди: «Биз Усмон Носирнинг зиёратгоҳини Кемеровадан, яна ўнлаб қатағон қурбонлари мозорини Колимадан ахтариб юришимиз мумкин. Бироқ энди уларнинг руҳи ўз она юртида қўним топаётир. Шунинг учун ҳам «Шаҳидлар хотираси» зиёратгоҳи барпо этилди.

Гап шундаки, шаҳид оталаримизнинг аксарияти мафкура, маънавият соҳаси одамлари бўлганлар. Шунинг учун бу эзгу иш, айниқса, биз мафкура вакиллари қалбида бошқача туғён уйғотади. Яъни Ватанинг, халқинг учун жонингни фидо қилсанг – бу халқ, она юрт сени унутмас экан. Биз кўзимиз очиқлигида адолат тантана қилганининг гувоҳи бўлдик. Исми тилга олинганда етти маҳалла наридан қочиб кетгулик даражада ҳақоратланган Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат, Қодирий номларини бошимизда кўтариб турибмиз. Бу эзгу ишлар қандайдир тантанаворлик учун қилинаётган эмас. Биз тарихий адолатни тиклашимиз керак эди ва шундай бўлди ҳам».

Дарҳақиқат, тарихий адолат тикланиши билан халқимиз, миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларни, оқ доғларни тўла ўрганяпмиз. Бундайин оғир синовлардан улкан сабоқлар чиқариб, қадр-қимматимизни, шаънимиз, ғуруримизни тиклаяпмиз. Ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаслигимизни янада теран англаяпмиз. Хуллас, тарихий адолатни тиклашимиз билан адолатли жамият қуришдек устувор мақсад йўлида дадил одимлаётганимизни яна бир бор кўрсатдик.

Шулар ҳақида ўйлар эканман, бебаҳо ва буюк инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган, хайрли ва эзгу ишларга доимо шай, тайёр, қалбида меҳр-оқибат туйғулари мудом уйғоқ, озодлигимиз йўлида жон фидо этган фарзандларининг хотирасини қалб тўрида асраб келадиган халқимиз ҳеч қачон кам бўлмаслигини, истиқболимиз порлоқ бўлишини юрак-юрагимдан ҳис қиламан. Шоир Усмон Носир «Баргдек узилиб кетсам, унутмас мени боғим», дея ёзганди. Ҳа, баргдек узилган, бевақт хазон қилинган ул фидойиларни боғи – Ватани унутмагай!

Майор Алижон САФАРОВ.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ҚАДИМ ШАРҚНИНГ МЎЪТАБАР МАНБАСИ



Бобур тарихий ҳодисаларни баён этар экан, маълумотлар миқёсини кенгроқ қамрайди. Воқеалар билан боғлиқ шаҳарлар ҳақида ҳам маълумот беради. Айниқса, унинг бобокалони Амир Темур жаҳонгирга пойтахт бўлган Самарқандга муҳаббати беқиёслигини кўрамиз.

Асарда "балдаи маҳфуза" дея алқанган шаҳар ҳақида изчил, мукаммал маълумот беради. Унга ўзгача меҳр-муҳаббат, ихлос ва ҳавас билан қараши сезилиб туради. Самарқандниng жўғрофий ўрни, дарёлари, ҳавоси, табиати, ҳайвонот ва наботот олами ҳақида маълумот беради. У ерда яшаб ўтган улуғ шайхлар, алломалар, уларнинг амалга оширган ишлари ҳақида ифтихор билан сўзлайди. Темур бобосини чуқур эҳтиром билан эслайди. Унинг даврида бунёд этилган иншоотларни кузатади. Шу ўринда Бобур табиатидаги синчковлик, олимона кузатувчанлик яққол кўзга ташланади. Ҳатто, у Самарқанд қўрғони узунлигини қадамлатиб ўлчатганини сўзлайди. Унинг 10600 қадам (метр) чиққани ҳақида авлодларга маълумот қолдиради. Самарқандда яшаб, дунёга донғи кетган Абу Мансур Мотрудий, имом Исмоил Бухорий, Аҳмад Фарғонийлар каби уламолар ҳақида муҳим маълумотлар беради. Амир Темур, Улуғбек Мирзолар амалга оширган ишлар сарҳисоб этилади. Зижи Кўрагонийнинг жаҳоншумул аҳамияти дунё фани билан қиёсан кўрсатиб берилади. Жаҳон илмида Улуғбекка қадар 7-8 зиж яратилгани, аммо Улуғбек яратган зиж амалда қўлланиши фахр ва ғурур билан эътироф этилади: "Улуғбек Мирзо бу расад била Зижи Кўрагонийни битибтурким, оламда ҳоло бу зиж мустаъмалдур. Ўзга зиж била кам амал қилурлар».

Яратилган Зижларнинг бир-бири билан қиёслаб, илмий қимматини ҳам белгилайдики, бу Бобур дунёқараши кенглигидан, билим қамрови ва салоҳиятидан далолат беради.

Муаллиф Самарқанддаги бинолар, турли иншоотлар, боғлар, масжид, мадраса каби кўплаб осори атиқаларимиз борасида муфассал маълумот беради. Уларнинг қурилиш сабаблари, ашёлари билан таништиради. Хусусан, Масжиди лақлақанинг архитектураси ҳақидаги маълумотларни ўқиб, аждодларимиз кашфиётларидан, қурилиш соҳасидаги дид ва салоҳиятидан ҳайратга тушамиз.

Бобур Афғонистон, унинг табиати, ўсимлик дунёси, ҳайвонот оламига катта қизиқиш билан қараган. Ғайриоддий ашёлар, ноёб табиат мўъжизалари унинг эътиборини тортган. Дашти Шайхда ўсувчи лолаларнинг ранго-ранг навларини санатгани ва 32-33 турли лоланинг мавжудлиги ҳақида хабар беради. Лолайи гулбўй, садбарг лола каби нодир турлари борасида алоҳида тўхталади. У ердаги шаҳарлар, дарёлар, тоғлар борасида ҳам қизиқарли маълумотлар беради: "Бу кентлар орасида Исталиф ва Истарғичча кент йўқтур. Улуғбек Мирзо бу кентларни Хуросон ва Самарқанд деб экандур".

Бобур Афғонистонда амалга оширган ободончилик ишлари ҳақида ҳам маълумот беради. Боғи Вафога ўхшаш ўзи яратган боғлар ҳақида сўзлайди. Улуғбек Мирзо бунёд этган Боғи Каланнинг кейинги қисмати билан таништиради: "Бу кентта (Исталиф – И.А) Боғи Калон отлиқ Улуғбек Мирзонинг бир мағсуб боғи бор эди. Мен эгаларига баҳо бериб олдим". У боққа яқин атрофларни обод қилдириб, ариқларни таъмирлайди. Худди шу каби кўплаб ариқлар барпо этгани, вилоятларни обод қилгани ҳақида сўзлайди.

Муаллиф "Бобурнома"ни ростгўйлик билан ёзади. Ҳамма воқеа-ҳодисаларни рўй-рост, ҳақиқоний ёритганини эътироф этади. Ҳатто, ота-оға, қариндош-уруғларининг ҳам яхши ва ёмонини яширмай ошкор этганини таъкидлайди: "Бу битилганлардин ғараз шикоят эмас, рост ҳикоятдурким, битибтурмен. Бу мастур бўлғонлардин мақсуд ўзнинг таърифи эмас, баёни воқеи бу эдиким, таҳрир этибтурмен. Чун бу тарихда андоқ илтизом қилилибтурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқеини таҳрир этилгай. Ложарам ота - оғадир ҳар яхшилиқ ва ямонлиғким, шое эди, тақрир қилдим ва қариндош ва бегонадин ҳар айб ва ҳунарким баёни воқе эди, таҳрир айладим. Ўқуғувчи маъзур тутсун, эшитғувчи таарруз мақомидин ўтсун".

Бу каби фикрлар "Бобурнома" асарининг илмий қимматини оширади. Унинг ишончли, ҳаққоний ва муҳим манба эканлигини яна бир бор асослайди. Асар билан танишар эканмиз, Бобур ўзи таъкидлаган тамойилга ҳар доим амал қилганини кўрамиз.

"Бобурнома"ни ёзиш жараёнида у кўп тарихий асарлар билан таниш бўлганини сезамиз. "Табақоти Носирий", "Зафарнома" каби асарларни кўп маротаба ёдга олади. Уларга муносабат билдиради. Баъзан энг машҳур тарихий асарлардаги маълумотларга ойдинлик киритади. Улардаги камчиликларни бартараф этади. Жумладан, Ғазна вилояти ҳақида гапириб, Султон Шиҳобиддин Ғурийнинг исмини баъзи тарихий манбаларда Муизиддин деб ёзганларини эслатади. Тўғри деб ҳисобланган хулосасини келтириб ўтади: "Султон Маҳмуднинг ва авлодининг пойтахти Ғазна экандур. Баъзи Ғазнин ҳам битибдурлар. Султон Шиҳобиддин Ғурийнинг ҳам пойтахти бу экандур. Бу Султон Шиҳобиддинни "Табақоти Носирий"да ва баъзи ҳинд тарихида Муизиддин битибтурлар".

Бобур "Зафарнома"дек машҳур тарихий асардаги баъзи маълумотларни мукаммаллаштиради: "Беҳрадин етти куруҳ шимол сари бир тоғ тушубтур. Бу тоғни "Зафарнома"да ва баъзи китобларда "Кўҳи Жуд" битибтурлар, важҳи тасмияси маълум эмас эди, сўнгралар маълум бўлди". Кўринадики, бу ерда таърифланган тоғ "Жуд тоғи" деб аталиши ва номланиш тарихи номаълумлиги ҳақида гапиради. Аммо шу ўринда Бобур "Зафарнома"даги маълумотларни ўз кузатишлари орқали яна давом эттиради, тўлдиради. Жуд тоғининг номланиш тарихини муфассал ёритади. Бу каби далиллар "Бобурнома"ни ўзигача бўлган тарихларни янада мукаммаллаштирувчи, уларда учрамайдиган кўп маълумотларни келтирувчи мўътабар манба эканлигини тасдиқлайди.

Иқболой АДИЗОВА,
филология фанлари номзоди,
Ўзбекистон миллий университети доценти.

Шарқнинг буюк алломалари

МИРЗО БОБУРНИНГ ТОШКЕНТЛИК МЕҲМОНИ

1528 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таклифига биноан тўй муносабати билан Ҳиндистонга Тошкентдан вакил юборилиши лозим эди. Бу масъулиятли вазифани бажариш учун кўпчилик томонидан Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий-Кўҳакий муносиб вакил этиб танланади. «Бобурнома» асарида Самарқанд, Хоразм, Сибирь ва бошқа юртлардан келган меҳмонлар қаторида Ҳофиз Тошкандий ҳам тилга олинган: «Улуғ ош тортилганидан кейин... хожа Мирсултонға ва ўғлонларига ва Ҳофиз Тошкандий ва мулло Фаррух бошлиқ Хожанинг мулозимларига ва ўзга элчиларга ҳам олтундин, кумушдин таркаш била инъомлар бўлди».

Шунингдек, ҳинд тарихчиси Абдулқодир Мулукшоҳ Бадавоний ўзининг «Мунтахаб ат-таворих» номли тарихий асарида келтиришича, Кўҳакий 80 ёшдан ошганда Ҳиндистонга иккинчи марта боради. Ҳиндистон ҳукмдори, Бобурнинг невараси Акбаршоҳ буваси билан суҳбат қуриш шарафига муваффақ бўлган инсонни шарқона меҳмондўстлик тамойиллари бўйича катта ҳурмат ва эҳтиром ила кутиб олади. Акбаршоҳ Кўҳакийни табаррук киши сифатида улуғлаб, Деҳлидан бир кунлик йўлга чиқиб катта тантана билан қарши олади. Бадавоний ёзади: «У Ҳиндистондан Маккага боради ва у ердан Туркияга келади. Турк султони билан учрашади. Ҳинд диёрида топган иззат-обрўни бу ерда ҳам топади. Вазирликка қилинган таклифни рад этиб, ўз диёри Мовароуннаҳрга (Тошкентга) қайтиб келади ва у ерда вафот этади».

Шундай буюк ҳукмдорлар томонидан эҳтиромга сазовор бўлган зот ким эди ўзи?

Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий-Кўҳакий 95 йил умр кечирган. У 1490 йилда Али Қушчининг набираси, паркентлик зиёли Мирзо Камолиддин оиласида дунёга келган. Ўғлининг билим олишга бўлган интилишини кўрган отаси оиласи билан Тошкентга кўчиб ўтишни мақбул кўради. Бу ерда Султон Муҳаммад форс, араб, турк тилларини ўрганади. Билимга бўлган чанқоқлик ва тиришқоқлик натижасида у тарих илми, ҳуқуқшунослик ва таржимонлик маҳоратини эгаллайди. Кўҳакий, шунингдек, жуғрофия, этнография, ҳандаса, риёзиёт, фалсафа, мантиқ, фиқҳ ва адабиёт соҳаларининг ҳам билимдони бўлган.

Манбаларга кўра, олим 10 дан зиёд ижтимоий аҳамиятга эга бўлган асарлар ёзган. Шулардан «Рисолаи фифанний-ат тавсир вал калом» («Эътиқодга оид илмлар ҳақида рисола») номли асари катта муваффақиятга эга бўлган ва қўлёзма ҳолида бизгача етиб келган. Ушбу асар кўплаб шарқ мамлакатлари тилларига таржима қилинган.

Ҳофиз Тошкандий Муҳаммад ибн Аднонниng 2 жилдли «Тарихи Туркистон» асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган ва унга баъзи маълумотларни қўшиб, бошқа ном билан атаган. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида унинг «Шарҳи одобул ал-мунозара» («Одоб ва ахлоқ тўғрисида мунозара» китобига шарҳ) китобининг араб тилида кўчирилган нусхаси ва араб тилида ёзилган «Фавоид зиёия» («Мунаввар фойдалар») номли асарлари сақланмоқда.

Кўҳакий фаолиятининг яна бир тарафи диққатга сазовордир. У Жомий Ҳиротийнинг араб тили грамматикасига оид «Шарҳи мулла» асарига ажойиб шарқона ҳошиялар ёзиб, бадиий жиҳатдан безаган. Кўриниб турганидек, Султон Муҳаммад Тошкандий-Кўҳакий яхши хотирага, кенг миқёсли билимга эга бўлган зиёли инсондир. Унинг талаффуз тарзининг аниқ-равшанлик даражаси юқори бўлганлиги сабабли ҳам исмига «ҳофиз» қўшимчасини қўшиб айтишган.

Кўҳакий Тошкентнинг ҳозирги Сағбон кўчасидаги ўз ҳовлисида шахсий мактабга мадраса қурдириб, унда мударрислик қилган, бир қанча фанлар бўйича билим берган. Шу сабабли ҳам маҳаллий аҳоли ўртасида катта ҳурмат, обрў-эътиборга сазовор бўлган. Ўз замонасининг илмли ва обрўли кишиларидан бўлган Кўҳакий Ироқ, Миср, Сурия, Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга қилган саёҳатлари чоғида кишиларнинг ижтимоий аҳволи, турмуш тарзи, анъана ва урф-одатларини чуқур ўрганган.

1584 йилнинг октябрида бу буюк зот вафот этган ва кўп сонли мухлислари ҳамда шогирдлари томонидан катта ҳурмат ва эҳтиром ила дафн этилган. Баъзи маълумотларга қараганда, Кўҳакий Қаффол Шоший мақбарасига кираверишда ўнг тарафга дафн этилган. Ҳозирда Тошкент шаҳрининг С.Раҳимов туманидаги Кўҳакий яшаган маҳалла «Ҳофиз Кўйкий» деб аталади.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ХАЛҚИМИЗ УЛКАН САЛОҲИЯТИ МАҲСУЛИ

Истиқлолимиз эълон қилинган даврданоқ нефть ва газ соҳасини ривожлантиришга, иқтисодиётимизнинг бу борадаги эҳтиёжини ўзимизнинг хомашё манбалари ҳисобидан қондиришга ҳаракат қилдик.

Бу билан нефть ва газ мустақиллигига эришиш, яъни бу борада ҳеч кимга қарам бўлмасликдек сиёсатни илгари сурдик. Юртбошимиз 1992 йилдаёқ мазкур соҳадаги ислоҳотлар борасида муҳим стратегик вазифаларни – нефть мустақиллигига эришиш мақсадида нефть ва газ конденсати қазиб олишни кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш мақсадида нефть ва газни қайта ишлаш бўйича технологик жараёнларни чуқурлаштириш, Ўзбекистоннинг нефть-газ соҳасини ишончли хомашё базаси билан таъминлаш учун янги конлар очиш ҳисобига углеводородлар, энг аввало, суюқ углеводородлар захирасини оширишдек устуворликларни белгилаб берди.

Бундан 10 йил муқаддам истиқлолимизнинг 6 йиллик тўйи арафасида ишга туширилган, замон талабларига, андозаларига тўла жавоб берувчи Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ана шу улкан мақсадларимиз йўлидаги муҳим одимларимиздан бўлди. Аниқроғи, бу билан олдимизга қўйган янада масъулиятли вазифани – нефть ва газ қазиб чиқариш ҳажмини оширишга эришибгина қолмасдан, уларни тўла қайта ишлашни таъминлаш, тайёр маҳсулотлар чиқаришни кўпайтириш, иқтисодиётимизнинг юқори сифатли нефть ва газ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришни ҳал қилиш йўлидан бордик.

Мазкур заводнинг тантанали очилиш маросимида Президентимиз Ислом Каримов нутқ сўзлаб, жумладан, шундай деди: «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши мисолида меҳнаткаш халқимиз нақадар улкан салоҳиятга эга эканига яна бир бор амин бўлдик. Бу – барқарор, бозор иқтисодиёти шароитида тобора ривожланиб бораётган демократик жамият, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги кўпгина мураккаб вазифаларни ечишга қодир ва буни бугунги кунда амалда исботлаётган реал кучдир».

Яхши биламиз, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ниҳоятда қисқа муддатда қурилди. Яъни 1995 йилнинг июнида Францияниng «Технип» фирмаси билан заводнинг технология қисми қурилиши ҳақидаги шартнома кучга кирганди. Қарабсизки, икки йил ичида саҳрода, оғир иқлим шароитида барча муҳандислик коммуникацияларига эга бўлган завод қад ростлади. Шу маънода амалга оширилган ишлар миқёси ва техник жиҳозланиш бўйича уни йигирма биринчи аср иншоотлари сафига қўшиш мумкин.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Хўш, истиқлол меваси бўлган бу корхона кўзланган мақсадларимиз йўлида қанчалар самара бермоқда?

Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, завод йилига 2,5 миллион тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга. Негаки, завод чет эллик ҳамкорлар иштирокида энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Бу иқтисодий ривожланган мамлакатлар, йирик хорижий фирма ва компаниялар билан ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб бораётганини, энг муҳими, сармоядорларнинг муваффақиятли фаолиятлари учун яратиб берилаётган қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратилаётганини ҳам кўрсатади.

Илгари мамлакатимиз нефть маҳсулотларига бўлган талабининг бор-йўғи 15-20 фоизини ўзимизда қондира олардик. Ҳатто дизель ёнилғиси четдан келтириларди. Мустақиллик шарофати билан барпо этилган бу завод туфайли нафақат нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжимизни қондиряпмиз, балки уларни четга экспорт ҳам қиляпмиз. Масалан, шу ўринда дизель ёнилғисининг экспортини мисол қилиб келтириб ўтишимиз мумкин.


Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак ҳам корхона истиқболини яққол ҳис қиламиз. Узоққа бориб ўтирмай, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигига кўз ташлайлик. Яъни жорий йилнинг олти ойида заводда нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш суръати 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 117 фоизни ташкил этган. Бундан кутилаётган соф фойдани ҳисоблайдиган бўлсак, у тахминан 70 миллиард сўмни ташкил этади. Мазкур рақам эса ўтган йилнинг шу даврига солиштирганда 45,8 миллиард сўм кўп эканлигини билиб оламиз.

Завод қурилиши билан боғлиқ бунёдкорлик ишларидан ҳам кўз қувнайди. Бугунги Қоровулбозорни – саҳро қўйнидаги гўзал шаҳарчани кўриб, завқ оласан, киши. Аниқроғи, бу ажиб шаҳарчага ташриф буюрсангиз, ёшлар маркази, замонавий шифохона, қулайликларга эга замонавий коллежлар, кўплаб маданий-маиший иншоотларни кузатиб, истиқлол самарасини янада яққол ҳис қиласиз. Мустақиллигимизнинг 16 йиллик тўйи муносабати билан эса завод ҳомийлигида 160 нафар ўқувчига мўлжалланган иқтидорли болалар мактаб-интернати биноси фойдаланишга топширилди.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, ҳозирги нефть қазиб олиш суръатида разведка қилинган нефть захираси республика эҳтиёжини тахминан 30 йилдан зиёдроқ муддатга тўла қоплай олиши мумкин экан. Бундай дейишимизга тўла асосимиз бор. Дейлик, ҳозирда 14 та нефть конида олиб борилаётган разведка ишлари уларнинг захираси 185 миллион тоннадан зиёдлигини кўрсатяпти.

Дунё харитасига бир кўз югуртириб кўринг. Шунда ер ости бойликлари кон бўлган Ўзбекистончалик кўп бўлган мамлакатларнинг саноқли эканлигига гувоҳ бўласиз. Шунда Яратганнинг назари тушган, ана шундай имкониятларга эга, энг муҳими — бунёдкор, ҳатто тошда ҳам гул ундиришга қодир халқи бўлган, ўз истиқлол ва истиқбол йўлини аниқ белгилаб олиб, тараққиёт йўлидан илдам одимлаб бораётган Ўзбекистоннинг бировларга бўйин эгмаслигини, қарам бўлиб қолмаслигини юрак-юракдан ҳис қиласиз.

Шерзод ТОЛМАСОВ.



АЪЛО ХИЗМАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ 16 ЙИЛЛИГИГА

Новые традиции

ПРИТЯЖЕНИЕ К ПРОФЕССИИ

Смысл недавно проведенного показа вооружения и техники для первокурсников ВВОУ, собственно, в этом и заключался. Ведь в демонстрации боевых возможностей вооружения и техники наших Вооруженных Сил заложено огромное воспитательное значение. Будущие офицеры получают мощный эмоциональный заряд интереса к освоению грозного оружия и самой современной техники, ощущают гордость за избранную профессию защитника Родины.

Следует отметить большую подготовительную работу, которая была проделана в преддверии показа. Ставшие за последние годы традиционными показы совершенствуются год от года, наполняясь новым содержанием. Для проведения подобного рода «военно-полевого шоу» требуются огромные организаторские усилия, четкая слаженность работы большого числа военнослужащих. Забегая вперед, скажем, что хозяева полигона с поставленной задачей справились блестяще.

На середине демонстрационной площадки притягивает всеобщие взоры транспортно-боевой вертолет Ми-8, рядом с ним аккуратно разложены образцы вооружения и снаряжения: неуправляемые авиационные ракеты, защитные шлемы, приборы. Командиру экипажа капитану Тимуру Чарыеву приходится то и дело дополнять свой рассказ о тактико-технических характеристиках своей винтокрылой машины, ведь будущих офицеров интересует буквально все.

– Поступал в училище после срочной службы, – рассказывает курсант ЧВТКИУ Бахриддин Курбанов. – Служил в десантном подразделении. Впечатления от увиденного переполняют нас. Ведь каждая представленная боевая машина смотрится очень впечатляюще.

Замысел положительного психологического воздействия на курсантов первых курсов соответствовал модели классического спектакля, в котором в первом акте на стене висит ружье, а в последнем оно обязательно должно выстрелить. Вот и здесь будущие офицеры не просто любовались винтокрылыми машинами, они увидели их в деле.

Впрочем, все по порядку. На одном из учебных мест довелось стать свидетелем любопытной сценки, когда курсант третьего курса ТВОКУ Борихон Сабиров рассказывал о тактико-технических характеристиках приборов армейской разведки молодым лейтенантам из Ташкентского высшего военного технического училища (ТВВТУ) МВД.

– Конечно, привезли мы и первокурсников, – говорит преподаватель ТВВТУ подполковник Гайбулла Исламов, – но лейтенанты этого года выпуска, проходящие службу в училище, сами попросились на этот показ. И командование с пониманием отнеслось к их просьбе.

Лейтенанты Ихтиер Юлчиев, Алексей Ким задавали курсанту немало вопросов о тепловизионных, оптико-электронных приборах, биноклях, приборах ночного видения, применяемых в армейской разведке. Современное вооружение, находящееся в умелых руках воинов, отлично служит защите независимости.

– Мне понравились танки, – делится впечатлениями курсант Хаётулло Абдурахмонов, который, воспользовавшись Рекомендацией воинской части и предоставленными льготами, поступил сразу после срочной службы. – Третьекурсники ЧВТКИУ Аброр Ибрагимов и Кизин Таджимов так увлеченно рассказали о боевых возможностях танка Т-62, что проникся еще большей гордостью за нашу родную армию.

Представлявшие свои стенды курсанты военных училищ старались быть умелыми руководителями на учебных местах. Например, методически грамотно представил специальную инженерную технику – бронированную траншейную машину, миноискатели, минные тралы и прочее – курсант третьего курса ЧВТКИУ Шухрат Шодиев. Отрадно и то, что молодой человек искренне гордится своей принадлежностью к инженерным войскам. Этот экзамен будущий офицер сдал блестяще.

– Специфика нашей предстоящей службы такова, что подобную специальную технику в своей повседневной службе мы вряд ли увидим, – говорит курсант ТВВТУ Бабур Сайдулаев. – Поэтому сегодняшний показ для нас имеет огромное познавательное значение. Хочется искренне поблагодарить организаторов за заботу о расширении нашего кругозора.

Курсанту четвертого курса Специального факультета ТУИТ Тимуру Нарбаеву также доставляло истинное удовольствие рассказывать о современных средствах связи, мобильных радиостанциях, радиорелейных станциях передачи данных, использующих самые современные цифровые технологии. Вооружение подобного рода значительно расширяет боевые возможности войск, повышает шансы на победу в учебном и реальном бою.

Во второй части показа прошли боевые стрельбы. За отличное владение стрелковым оружием курсантам ТВОКУ Кариму Джуманову, Тохиржону Солиеву, Равшанбеку Хайдарову и Садриддину Тургунбаеву были вручены Памятные знаки министра обороны, а курсант Абдурашид Касымов удостоился Памятного знака начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил. Под аплодисменты военнослужащих министр обороны Республики Узбекистан Р.Мирзаев, а также первый заместитель министра обороны – начальник Объединенного штаба Вооруженных Сил генерал-майор В.Махмудов вручали награды отличившимся воинам прямо здесь, на полигоне. В этом тоже было огромное воспитательное значение этого показа: курсанты первого курса воочию убедились, что образцовый ратный труд в армии всегда оценивается должным образом и на самом высоком уровне.

К слову, среди поощренных воинов были не только курсанты. Например, наручные часы от министра обороны получил наводчик-инструктор БМП-2 из подразделения обеспечения учебного процесса ЧВТКИУ младший сержант Анвар Авазов. По словам военного профессионала, оставшегося здесь после срочной службы, это событие запомнится ему на всю жизнь. Такими же часами отмечен меткий огонь наводчика-оператора БТР-80 курсанта ЧВТКИУ Мурода Рузиева, а его товарищ, курсант Умид Умаров, образцово стрелявший из вооружения БМД, награжден Памятным знаком начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил.

– Мне довелось до поступления в училище служить срочную службу в танковой части, – рассказывает курсант ЧВТКИУ Юнус Абдуллаев. – Будучи командиром танка, поощрялся командованием части, округа, но часы от министра обороны получаю впервые. Эта награда станет самым большим стимулом для отличной учебы в училище на предстоящие три года.

В этом и заключается ценность проведенного мероприятия для его участников. Проверив еще раз в деле боевые возможности своего вооружения, они прониклись большей уверенностью в нем. Например, капитан Игорь Верещагин, удостоенный Памятного знака министра обороны за отличную стрельбу артиллеристов, от своего имени поблагодарил командиров орудий младших сержантов Фархода Таджибаева и Фархода Рузиева. Тезки отработали слаженно и метко, красноречиво подтверждая соответствие своим богатырским именам.

А в заключение показа был продемонстрирован учебный бой с участием курсантов десантного факультета ЧВТКИУ. Курсанту Фарруху Ахмедову было непросто командовать под пристальными взглядами участников учебного занятия, но он ничуть не растерялся. По сценарию, десантники поднялись по тревоге и прибыли в район предназначения, где получили задачу остановить прорыв группы условного противника со стороны Государственной границы. Четко действуя по вводным задачам, используя сосредоточенный огонь приданных танковых и артиллерийских подразделений, огневую поддержку боевых вертолетов, десантники удержали рубеж обороны, блокировали и уничтожили «противника».

– Наши первокурсники получили массу незабываемых впечатлений, – сказал преподаватель Налоговой академии подполковник Батыр Эргашев. – Приятно, что представителями военного ведомства приглашены курсанты из всех высших военно-образовательных учреждений, ведь подобные мероприятия способствуют сплочению Вооруженных Сил.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Антона ТЕЗИЕВА.**



Успехи в ратном труде – празднику независимости

ЗА МАСТЕРСТВО В БОЕВОЙ УЧЕБЕ И БДИТЕЛЬНОСТЬ

В преддверии 16-й годовщины независимости первый заместитель министра обороны – начальник Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан генерал-майор В. Махмудов побывал в ряде воинских частей Ташкентского и Восточного военных округов. По итогам этой поездки ряд военнослужащих были поощрены за бдительность и боевое мастерство.

В Праздничном поздравлении защитникам Родины Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова говорится о необходимости **«повысить эффективность системы учебно-боевой подготовки и выучки личного состава, обеспечить высокую дисциплину военнослужащих, совершенствование их практических навыков по умелому владению вверенным им современным оружием и техникой»**. В свете этих важнейших задач, поставленных главой государства, ряд военнослужащих добились заметных успехов в ратном труде, укреплении бдительности, проявили высокий уровень профессионализма и боевой выучки.

В частности, Памятными знаками начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил отмечены организаторские действия военнослужащих управленческого звена – офицеров Дониера Авазова, Шавката Тухтаева, Олимжона Нурмухамедова, Бориса Сурикова и Акмаля Ташбаева, которые не только эффективно действуют на вверенных участках служебно-боевой деятельности, но и подают сослуживцам добрый пример в воинской дисциплине, бдительности и боевой настороженности.

Воинский коллектив части, где служит офицер Айбек Саидов, по итогам соревнования в 2006–2007 учебном году был признан лучшим в Вооруженных Силах нашей страны. О серьезности намерений передовиков не сдавать завоеванных позиций свидетельствует и награждение офицера А. Саидова именными часами от начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил, а старшего лейтенанта Бабура Сафарова – Памятным знаком начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил.

Высокий профессионализм и отменную боевую выучку в ходе летнего периода обучения, во время полевых выходов вдали от пунктов постоянной дислокации демонстрируют представители сержантского корпуса – станового хребта нашей армии. В частности, заслуги младших сержантов Шавкиддина Вахобова, Давлата Суярова и Уткира Хайдарова также отмечены Памятными знаками начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил. У этих настоящих профессионалов растет достойная смена в лице рядовых по контракту Джахонгира Кадырова и Аскара Асророва, которые также удостоены поощрения за успехи в ратном труде.

Высокая оценка накануне праздника, несомненно, повысила боевой дух личного состава, вдохновила на новые успехи.

Соб. инф.



На снимках: **воины подразделений, участвовавших в прошедших накануне праздника полевых занятиях, с удовольствием позируют перед фотокамерой, ведь с учебно-боевыми задачами справились на отлично.**

Истиқлол кашф этган анъаналар

ЮРАКДА УЙҒОНАР КУЧ

Мустақиллигимиз сабаб, Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар туфайли миллий армиямизда янгича анъаналар шаклланяпти. Президентимиз ташаббуси билан 2005 йилдан эътиборан олий ҳарбий билим юртларимизга ўқишга кирган йигитларимизнинг 1 сентябрда –истиқлол айёми куни да Ҳарбий қасамёд қабул қилишаётгани ана шундай муҳим анъаналардан.

Мана, бугун кўзи қувнатиб, дили яшнатиб, истиқлол айёмимизнинг 16 йиллик тўйи кунида курсантлик, миллий армиямизнинг ҳарбийси бўлишдек бахт насиб этган ўғлонларимиз садоқатдан онт ичишмоқда. Байрам либосларида саф тортишиб туришган алпларимизга бир қаранг. Ўзбекистонимизнинг етук офицерлари бўлиш, миллий армиямизни янада шакллантириш, халқига, Ватанига, истиқлолига садоқатли бўлишга шайланган шерюраклар, улар. Энг улуғ, энг азиз айёмда қасамёд қилишда улкан рамзий маъно бор. Бу уларнинг истиқлол сабаб шундайин бахтга муяссар бўлаётганлигига, демакки, энг улуғ, энг азиз неъматимизни кўз қорачиғидай асраш кераклигига ишора.

– Шундайин нурафшон кунда Ҳарбий қасамёд қабул қилаётганимиз юртимиз, истиқлолимиз ҳимоячилари, метин қалқони бўлишимизга ўзига хос бир ишора, – дейди зўр ҳаяжон билан Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Зокир Юсупов.

– Эгнимизга ҳарбий либос кийиб, ўз юртимизда, ҳеч кимдан кам бўлмаган миллий армиямизда хизмат қилишимизга мустақиллигимиз сабаб. Мана, истиқлол сабаб мен ҳам курсант бўлдим. Бугун шу қутлуғ кунда қасамёд қабул қиларканмиз, аввало ана шулар кўнгилдан ўтади, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Зулфиддин Ҳусенов.

Ҳарбий қасамёд қабул қилаётган курсантларнинг кўксини фахр, ғурур тўлдириб турибди. Уларга бурч туйғуси куч бермоқда, қувват бермоқда. Қасамёд замиридаги сўзлар уларни юрт ишига қалб амри билан интилишга ундамоқда.

Эр йигит, юрагингда оловдек куч бор. Қасамёд қабул қилар экансан, юртда бўлаётган улкан ўзгаришлар, янгиланишлар, бунёдкорликлар, истиқлол сабаб гуркираб бораётган Ўзбекистонингдан руҳланасан. Бу эса ана шу кучни янада алангалатади. Демак, қасамёд қабул қилаётган ўғлон истиқлолни, халқининг тинч-фаровон ҳаётини ҳимоялашга, мамлакати равнақи ва истиқболини асраб-авайлашга онт ичади.

Ҳарбий қасамёд билан юрагингда уйғонаётган куч – ватанпарварлик муборак. Юрагингда бу куч доимо уйғоқ экан, Ватанинг, халқинг иқболи йўлида зарур бўлса тоғни талқон қиласан, ҳатто юлдузни бенарвон урасан. Бу куч сенинг қуролинг, сенинг қалқонинг. Унинг дамини кескир қилич, пўлат қалқон-да қайтара олмас.

Биз танлаган йўлни, истиқлолимиз, истиқболимизни кўролмай, сарҳадларимизга бостириб киришга уриниган бир гуруҳ халқаро террорчиларга қарши мардонавор курашган акаларингиз жасоратини бир эсга олинг. Қасамёдга содиқлик сабаб, улар Ватанимиз, халқимиз учун жонларини фидо қилишди. Ҳа, қасамёдига, бурчига охирги нафасигача содиқ қолган бу матонатли ўғлонларимизнинг жасорати тилларда, дилларда достон, бугун.

Мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизнинг офицери бўлиш сари, садоқат, матонат, жасорат сари, ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаслик сари дадил қўйган қадамингиз муборак, азиз курсантлар!

Майор Сафар АЛИЕВ.

ОНТИГА СОДИҚ

Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллиги арафасида Тошкент ҳарбий округ сафарбарлик чақируви резерви (СЧР) ойлик йиғини иштирокчилари тантанали равишда Ҳарбий қасамёд қабул қилишди.

Шу ўринда йигитларнинг бир ой давомида ҳарб илмидан олган сабоқларига тўхталиб ўтсак. Тошкент вилояти туманларидан чақирилган ўғлонлар бу ерда барча тайёргарликлар бўйича машғулотларда фаол иштирок этишиб, ҳарбий соҳа сир-асрорларини пухта ва чуқур ўзлаштиришди. Уларга малакали офицер ва сержантлар ҳарб илмини назарий ва амалий машғулотларда юксак даражада етказишга ҳаракат қилишди. Ҳа, дарҳақиқат, бугун кўкрагида жанговар қуролни маҳкам тутганча, Президентига, халқига, юртига содиқ бўлишга қасамёд қилаётган йигитларнинг ўт чақнаб турган кўзлари, аниқ ва шахдам ташланган қадамлари, мағрур кўтарилган бошлари, юзларидаги қувончи ва озроқ ҳаяжон уларнинг бу хизматдан мамнун эканликларини исботлаб турибди.

– Мен хизматим давомида кўп нарсани ўргандим ва англадим, – дейди йиғин иштирокчиси Зокир Саидазимов . – Ватан тушунчаси, ота-она қадри, фидойилик каби туйғуларни янада теранроқ қалбимга сингдирдим. Аждодларимиз Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди сингари мард ва жасур, ҳақиқий ватанпарвар бўлиб, юртим тинчлиги йўлида хизмат қилишга, унинг равнақига ҳисса қўшишга доимо тайёрман.

Ҳа, бу сўзлар бугунги аскарнинг гаплари. Ва, ишонамизки, улар лафзларига бир умр собит қолишади.

Бугун тантанали равишда қасамёд қилган ўғлонларимиз, келажакда Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, унинг гуллаб-яшнашига улкан ҳисса қўшишларига ишончимиз комил.

Аҳрор НОЗИМОВ.

Сержантлар тайёрлаш мактабларида

БИЛИМ САРҲИСОБИ

Истиқлол шодиёнаси арафасида сержантлар тайёрлаш мактаби (СТМ)нинг навбатдаги битирувчилари 3 ой давомида олган билимларини сарҳисоб қилиб, ўқув машғулотлари бўйича имтиҳон топширишмоқда.

– Биз курсантларга ҳарбий педагогика ва психологиянинг вазифалари, унинг асосларини ўргатамиз, – дейди ҳарбий педагогика ва психология цикли бошлиғи офицер Фазлиддин Нарзуллаев. – Кичик командирлар учун бу фаннинг ўрни ниҳоятда катта. Командир ўз қўл остидаги посбонни ва шахсий таркибни яхши билиши, жанговар шайлик жараёнида маънавий-руҳий тайёргарликни амалга ошира олиши учун педагогика ва психологиядан хабардор бўлиши керак. Курсантларни фанни чуқур ўзлаштиришлари учун «Ҳарбий педагогика ва психологиянинг тушунчалари ва асосий тамойиллари», «Миллий истиқлол ғояси: тамойил ва тушунчалар» каби бир қатор ўқув қўлланмаларини яратдик.

Курсантларнинг имтиҳон олди тайёргарликларида ушбу ўқув қўлланмаларидан фойдаланаётганларининг гувоҳи бўлдик.

Имтиҳонлар давомида курсантлардан – Обиджон Гофуров, Жаҳонгир Бекчанов, Умид Матёқубов, Алишер Убадуллаевлар ўзларининг юксак билим ва маҳоратларини намоён қилмоқдалар.

– Бу ерда таълимнинг такомиллаштирилган дастури асосида бир қатор янги фанлардан билим олиб, устоз офицерлар – Бахтиёр Чориев, Манноб Умиров, Умид Раҳматуллаев, Сергей Клобоковлардан ҳарб илми сабоқларини пухта ва чуқур ўзлаштирдик, – дейди курсант Ҳасанбой Ҳайитбоев. – Уларнинг ишончини оқлаб, ўзимизнинг профессионаллик салоҳиятимизни мустақил юртимиз тинчлиги ва ҳимояси йўлида сафарбар қиламиз.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Участники IV Всемирных военных игр

«ЗОЛУШКА СРЕДНИХ ДИСТАНЦИЙ»

Мастера спорта по легкой атлетике, неоднократную чемпионку Узбекистана на дистанциях 800 и 1500 метров Анну Сидорову не случайно называют «Золушкой средних дистанций». Изначально не обладая особыми спортивными данными, Аня за счет огромного трудолюбия и планомерной тренерской работы за последние годы буквально ворвалась в «элитный клуб» бегуний на средние дистанции.



А роль доброй феи исполнила в ее жизни тренер Надежда Манько. Однажды она просматривала на уроке физкультуры девочек одной из ташкентских школ, отправив их в забег на 500 метров. И была очень удивлена, когда прибежавшая самой последней девчонка тоже попросила записать ее в секцию. То ли у опытного наставника включилось многолетнее чутье на таланты, а, может, просто стало жаль девочку, – одним словом, Аню тоже взяли в секцию легкой атлетики. Спустя несколько лет она осталась единственной из всей набранной группы одноклассниц, продолжающей покорять вершины спорта своим упорством и трудолюбием.

Кстати, путь к большим победам для студентки УзГосИФК начался два года назад с четырех золотых медалей Республиканской универсиады. Выстроенная за годы независимости стройная система физического воспитания молодежи, от школьных игр «Умид нихоллари» («Всходы надежды») и до студенческих универсиад, подарила стране немало талантливых атлетов, в том числе и Анну.

Нынешний год начался для Анны Сидоровой удачно: она завоевала две золотые медали на престижном Международном турнире в Тегеране, выиграв забег на 800 метров, а также с подругой по команде Людмилой Дмитриади – эстафету 4х400 метров. Затем были «серебро» на открытом Кубке Узбекистана, «бронза» на турнире в Алматы и три «золота» на Универсиаде в Ташкенте.

Руководство команды пока еще не определилось, на какой из средних дистанций в Индии побежит более опытная Замира Амирова, а какая будет доверена Анне. В любом случае хочется пожелать талантливой спортсменке, чтобы добрая сказка продолжалась, а свет успехов восходящей звезды стал самым ярким.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.
Фото **из личного архива Анны СИДОРОВОЙ.**

Вольная борьба

ЕСТЬ МЕДАЛИ ВСЕХ ДОСТОИНСТВ

Медали всех достоинств завоевали узбекистанские борцы вольного стиля на первенстве Азии среди юношей: два «золота», два «серебра» и одну «бронзу».

На эти соревнования, проходившие в китайском городе Тайпее, съехались азартные, жаждущие только победы юноши из 13 стран Азиатского континента. Отлично выступили молодые мастера ковра из нашей страны.

Уверенные победы одержали в своих весовых категориях Надыр Сафаров (42 кг) и Алишер Вахидов (69 кг). Они удостоились золотых наград и завоевали титулы победителей первенства Азии.

Два других узбекистанских атлета – Ойбек Камалов (50 кг) и Суфихон Ташпулатов (76 кг), – успешно пройдя сложное «сито» предварительных схваток, пробились в финал. Лишь в финальных поединках они незначительно уступили своим соперникам и стали обладателями серебряных медалей.

Результативно выступил и Акрам Рахимов (85 кг). Он стал бронзовым призером первенства Азии. Наша сборная в общекомандном зачете заняла второе место.

По словам старшего тренера молодежной сборной Узбекистана Александра Недорезова, у наших юношей высокий спортивный потенциал, а значит, главные победы и награды – впереди.

Соб. инф.

Армейский спорт

УСПЕХИ ВОЕННОГО СПОРТСМЕНА

Трудовая деятельность выпускника Шахрисабзского педагогического колледжа Жасура Каримова по специальности продолжалась недолго. В октябре 2006-го он был призван на срочную военную службу Чиракчинским районным отделом по делам обороны Кашкадарьинской области. Благодаря увлечению спортом и разносторонним знаниям Жасур легко прошел все ступени отбора призывной комиссии и был направлен служить в Войска противовоздушной обороны.

Хорошо подготовленный к трудностям военной службы рядовой Ж. Каримов быстро привык к строгому ритму военной жизни. Добросовестно изучая свою специальность, старательно действуя на занятиях по боевой подготовке, он стал одним из лучших военнослужащих части. Будучи активным слушателем, Жасур на занятиях по общественно-политической подготовке оказывает действенную помощь руководителю группы в формировании правильного мировоззрения сослуживцев, расширении их кругозора и повышении интеллектуального уровня.

Продолжая спортивные тренировки в свободное от службы время, Жасур заложил основу для новых спортивных достижений. Как и все военнослужащие подразделения, в ходе летнего периода он принял участие в спортивных состязаниях части. И показал самые лучшие результаты среди военнослужащих срочной службы в беге на короткие и длинные дистанции. Уверенно чувствует себя стрелок группы охраны Жасур Каримов на перекладине и других спортивных снарядах, с большой энергией играет в футбол, занимается боксом. За высокие спортивные достижения командование части наградило его нагрудным знаком «Воин-спортсмен» и ценным подарком.

Принимая поздравления сослуживцев, рядовой Ж. Каримов охотно поделился с ними своими планами на будущее. Свои успехи в спорте и службе он посвящает 16-й годовщине независимости. Заветная мечта его отца, Азамата Каримова, и матери, Гульбахор Ураковой, – поступление сына в высшее образовательное учреждение. Старательный воин, получив за время срочной службы отличную моральную и физическую закалку, намерен воспользоваться предоставляемыми нашим государством льготами, чтобы продолжить образование, стать умелым специалистом.

Такие парни, как Жасур, настоящие патриоты и умелые солдаты, всесторонне подготовленные и эрудированные специалисты, вернувшись со службы, становятся ценным кадровым резервом страны, надежной опорой нашего государства на пути к его экономическому процветанию.

Майор Шарофхон МИРЗАЕВ.

ЯНГИ МАРРАЛАРГА ИНТИЛИБ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро вилоят кенгаши томонидан вилоят ёшлари ўртасида спортни оммалаштиришга ниҳоятда катта эътибор бериб келинмоқда. Бугунги кунда спортнинг техник турларидан пневматик қуролдан ўқ отиш, авиа ва ракетамодель, варрак, мотокросс, картинг тўгараклари фаолияти ниҳоятда яхши йўлга қўйилган бўлиб, уларда тажрибали мураббийлар ёшларга билим бериб келмоқда.

– Спорт секцияси ва тўгаракларига айни пайтда вилоятимизнинг 18 ёшгача бўлган йигит ва қизларидан 4500 нафари жалб қилинган, – дейди биз билан суҳбатда МК «Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро вилояти кенгаши раисининг ўринбосари – ҳарбий-техник тайёргарлик бўлими бошлиғи Тўхта Баротов. – Уларнинг аксарияти маҳаллаларда ташкил қилинган. Бунинг аҳамиятли жиҳати шундаки, ёшлар ўқишдан бўш вақтида спорт билан шуғулланиб, жисмонан чиниқишади. Ҳозирда кенгашимиз вилоятдаги 57 та маҳалла билан ҳамкорлик алоқаларини яхши йўлга қўйган.

Пневматик қуролдан ўқ отиш секциясида 100 нафардан зиёд ёшлар ушбу спорт тури бўйича билим олишади. Ўз ўрнида ёш спортчилар мусобақаларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда.

Спорт техника клуби услубчи ва мураббийлари тез-тез болалар дам олиш оромгоҳларига ҳам ташриф буюриб, пневматик қуролдан ўқ отиш сир-синоатини йигит-қизларга ўргатиб келишмоқда. Аҳамиятлиси шундаки, бу ердаги «Ёш мерган», «Моҳир мерган» клуби аъзолари қисқа вақтда ўз номига мос ва хос спортчи сифатида шаклланмоқда.

Ғиждувон туманида кейинги пайтда картинг спорти ривожланиб бормоқда. Тумандаги автомобилчилар мактаби ҳузуридаги секцияларда ҳам ушбу спорт тури фаолияти яхши йўлга қўйилган. Бу ерда эса картинг бўйича кўп йиллик тажрибага эга бўлган спорт устаси Рустам Боқаев ёшларга сабоқ бериб келмоқда.

– 2007 йилда туманимизда замонавий талабларга мос картадромнинг бунёд этилиши, бизнинг ишимизни ҳам анча енгиллаштирди, – дейди мураббий Боқаев. – Шу сабабли ушбу спорт турига қизиқувчилар сони ҳам ортиб бормоқда.

Вилоятда 9 та картинг бўйича секция фаолият юритаётган бўлса, спортчиларнинг маҳоратини шакллантиришда ушбу картадром ҳақиқий полигон вазифасини ўтайди, десак янглишмаган бўламиз. Шу туфайли, вилоят спортчилари ушбу спорт тури бўйича республика миқёсида ҳам юқори натижаларга эришиб келмоқда.

Кенгаш тасарруфидаги спорт клублари ва секциялари ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда спартакиада мусобақаларини ташкил этиб борилади. Жорий йил март ойида бўлиб ўтган IV вилоят спартакиадасида спорт клублари аъзолари 10 та жамоага бўлинган ҳолда баҳс олиб боришди. Қизғин ва муросасиз беллашувларга бой бўлган мусобақада спортчилар ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Вилоят миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келаётган Артур Давронов (картинг), Сергей Сулаймонов (пневматик қуролдан ўқ отиш), Маҳмуд Тўхтаев (мотокросс) сингари кўплаб спортчилар республика бўйича ўтказилган беллашувларда ҳам муносиб иштирок этиб, вилоят шарафини ҳимоя қилиб келишмоқда. Айниқса, бу борада Шокир Шаропов етакчилик қилаётган Бухоро автомобилчилар тайёрлаш мактаби жамоасининг қўлга киритаётган ютуқлари мақтовга лойиқдир. Мактабнинг Омон Саидов, Ибод Намозов, Шариф Бўриев сингари фидойи мураббийлари бугун ҳақли равишда шогирдларининг эришаётган ютуқларидан фахрланишади. Шу боис ҳамиша янги-янги зафарли марраларни забт этиб келаётган мактаб жамоаси бугун ҳар қачонгидан-да фаол.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Кикбоксинг

ЧЕМПИОНСКИЙ ПОЯС – У АРМЕЙЦА

Только в мае мы поздравляли армейского кикбоксера капитана Бахтиера Норова, когда он на мировом первенстве в Афинах (Греция) завоевал золотую медаль и титул трехкратного чемпиона мира. А недавно он в весе до 63,5 кг вновь добился успеха, но уже на профессиональном ринге.



Капитан Б.Норов в упорном пятираундовом поединке одержал победу над чемпионом Азии среди профессионалов Озодом Рахимовым. Почему-то судьи «ошиблись» в пользу соперника Норова, и был объявлен ничейный результат. Но по требованию болельщиков и зрителей состоялся шестой, решающий раунд. И здесь Норов, проявив настоящий армейский характер, одержал убедительную победу. Оправдав надежды поклонников армейского спорта, капитан Бахтиер Норов завоевал свой первый чемпионский пояс на профессиональном ринге.

Соб. инф.

Футбол. Олимпиада – 2008. Учинчи саралаш босқичи

ҲАЛИ ҲАММАСИ ОЛДИНДА

Пекинда бўлиб ўтадиган Олимпиада – 2008 ўйинлари яқинлашган сайин, ўйинлар рўйхатидан жой олган барча спорт турлари бўйича саралаш мусобақалари тобора қизғин тус олмоқда.

Август ойининг учинчи ўн кунлигида футбол бўйича Олимпиада йўлланмаларини қўлга киритиш учун ҳаракат қилаётган Осиё қитъасининг 12 давлати олимпия терма жамоалари ҳал қилувчи сўнгги босқич ўйинларини бошлашди.

Маълумки, қуръа натижаларига кўра мазкур жамоалар уч гуруҳга бўлинган. Август-ноябрь ойларида ўтказиладиган ушбу босқич ўйинлари якунига кўра ўз гуруҳида фақат 1-ўринни эгаллаган жамоаргина Пекин – 2008 йўлланмалари соҳибига айланади. Бу эса барча гуруҳлардаги баҳслар сўнгги тургача жуда қизиқарли ва муросасиз ўтишидан дарак беради. Эслатиб ўтамиз, мусобақанинг «В» гуруҳидан ўрин олган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ана шу ягона йўлланма учун Жанубий Корея, Баҳрайн ва Сурия олимпия терма жамоалари билан баҳс олиб боради.

Ўтган учинчи босқичнинг биринчи учрашувини вакилларимиз Сеул шаҳрида Жанубий Корея футболчиларига қарши ўтказишди. Ёдингизда бўлса, ушбу жамоалар иккинчи босқичда ҳам бир гуруҳдан ўрин олган бўлиб, ўтказилган икки учрашувда ҳам кореяликларнинг қўли баланд келган эди. Ўйиннинг дастлабки дақиқалариданоқ вакилларимиз ана шу мағлубиятлар аламини олиш учун ташриф буюришганини яшириб ўтиришмади. Биринчи бўлим деярли тенг курашлар остида ўтган бўлса-да, рақиб дарвозаси олдида хавфли вазиятларни юзага келтириш бўйича футболчиларимиз устунлик қилишди. Биргина А.Ражабовнинг ўзи уч маротаба гол киритиш учун қулай имкониятларга эга бўлди. Биринчи бўлимга ҳакам томонидан қўшиб берилган вақт эса футболчиларимиз учун омадли бўлди. Майдоннинг чап томонидан кореяликлар дарвозаси томон белгиланган жарима тўпини В.Денисов қойилмақом қилиб бажарганидан сўнг, кореялик ҳимоячи хатога йўл қўйиб, тўпни ўз дарвозасига жойлаб қўйди.

Иккинчи бўлимни яхши кайфият билан бошлаган футболчиларимиз олдинда уларни нималар кутаётганини тасаввур ҳам қилмаган бўлишса керак. Бўлим ўрталарида ҳимоячимиз В.Галиулиннинг қўполлиги учун майдондан четлатилиши вакилларимизга қимматга тушди. 71 - ва 78-дақиқаларда сон жиҳатдан устун бўлган майдон эгалари А.Ашуров дарвозасига икки тўп йўллашга муваффақ бўлишди ва футболчиларимизга сафардан яхши натижа билан қайтишга йўл қўйишмади – 2:1.

Ҳа, биргина футболчининг қўпол хатоси жамоага қимматга тушди. Аммо бундан фожеа ясамаслик керак. Ҳали олдинда яна беш учрашув бор ва курашни сўнгги тургача давом эттириш лозим. Бу футболчиларимизнинг қўлидан келади, деб ният қиламиз ва уларга омад ёр бўлишини истаб қоламиз.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

Атлетический клуб будущего воина

МОЩНЫЕ ПЛЕЧИ – «ВИЗИТКА» АТЛЕТА

ФРОНТАЛЬНЫЙ ПОДЪЕМ
(гантелей или штанги)

Фронтальный подъем создает нагрузку на передний пучок дельтовидной мышцы, а также на мышцы верхней части груди.

Выполнение фронтального подъема. Встаньте прямо, взяв в каждую руку по гантеле или держа штангу с прямым грифом на уровне середины бедер. Гантели поднимайте либо поочередно, либо одновременно примерно до уровня глаз, локти при этом должны оставаться слегка согнутыми. Медленно опускайте руки, возвращаясь в исходное положение.

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Қарши шаҳридаги марказий теннис кортида теннис бўйича «Челенжер» халқаро турнири якунланди. Мазкур нуфузли мусобақада 25 давлатдан элликка яқин ракетка усталари бир ҳафта давомида ғолиблик учун баҳс олиб боришди. Бу йилги беллашувларда жаҳоннинг кўзга кўринган теннисчилари қаторида умидли ва таниқли спортчиларимиз – Денис Истомин, Мурод Иноятов, Сарвар Икромов, Алексей Низомов, Уйғун Бекмуродовлар ўз имкониятларини синовдан ўтказишди. Яқинда Бухоро шаҳрида ўтказилган мусобақада ғалабага эришган Денис Истомин мусобақа финалида туркиялик Марсел Илҳанга қарши кортга чиқди ва якунда ғалаба қозонди.

Турнирнинг жуфтликлар ўртасидаги баҳсларида австралиялик Эндрю Коелю ва Адам Феней ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди.

●

Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб Нукус шаҳрида аёллар ўртасидаги велопойга мусобақалари ўтказилди. Шаҳар маҳаллаларидан йиғилган 200 нафардан ортиқ иштирокчи 10 км. масофани босиб ўтишда ўзаро куч синашишди.

Қизғин ва муросасиз кечган беллашувларда шаҳардаги 9-маҳаллада яшовчи Сарвиноз Аумуратова маррага биринчи бўлиб етиб келди. Кейинги ўринлар 11-маҳаллада истиқомат қилувчи Мария Александрова ҳамда 18-маҳалла шарафини ҳимоя қилган Олтиной Еримбетовага насиб қилди.

Ғолибларга мусобақа ташкилотчиларининг эсдалик совғалари топширилди.

●

Олтмиш тўрт катак устидаги баҳслар устаси, мамлакат шахмат ривожига муносиб ҳисса қўшган Мамажон Муҳиддиновнинг номи ҳамиша мухлислар ёдида.

Наманганда спорт дарғасининг хотирасига бағишланган V анъанавий шахмат мусобақаси бўлиб ўтди. Беллашувлар якунига кўра, биринчи ўрин фарғоналик Руслан Резинга насиб этди. Наманган вилояти вакили Акмал Жўраев шоҳсупанинг иккинчи, фарғоналик Алишер Рустамов эса учинчи поғонасидан жой олди.

●

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳслари қизғин паллага кириб бормоқда. Олий лига жамоалари қисқа танаффусдан сўнг 18-тур ўйинларини ўтказишди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Локомотив» – «Навбаҳор» – 0:0, «Вобкент» – «Бухоро» – 1:1, «Андижон» – «Тўпаланг» – 4:1, «Трактор» – «Қизилқум» – 2:1, «Металлург» – «Самарқанд-Д» – 1:1, «Нефтчи» – «Пахтакор» – 0:3, «Насаф» – «Қурувчи» – 1:1, «Шўртан» – «Машъал» – 2:3.

●

Республикамизнинг ногирон футболчиларидан ташкил топган «Байналмилал» жамоаси бир неча йилдан буён Россия чемпионатида мунтазам қатнашиб, кучлилар қаторидан ўрин олиб келмоқда.

Бу йилги баҳсларнинг биринчи даврași Москва вилоятининг Звенигород, иккинчи давра эса Тверь шаҳрида бўлиб ўтди. Ўтказилган баҳслар натижаларига кўра, ҳамюртларимиз 3-ўринни қўлга киритиб, чемпионатнинг бронза медалларига сазовор бўлишди.

Энди «Байналмилал»чилар Сочида ўтадиган «Чемпионлар кубоги» ва ноябрь ойида Туркиянинг Анталия шаҳрида ташкил этиладиган ногирон футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун тайёргарлик кўришмоқда.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

Мустақиллик дарси

МИЛЛАТ ТАРАҚҚИЁТИ – МАЪРИФАТДА

Мана, ёзги таътил тугаб, болажонлар кўчаларни тўлдириб, мактаб сари, илм-маърифат ўчоқлари сари талпинишмоқда. Қўнғироқ чалиниб, синфларга киришар экан, фарзандлар машғулотларни «Мустақиллик дарси» билан бошлашади.

Биринчи синфга қадам қўяётган болакай, қизалоқдаги ҳаяжонни айтмайсизми. Уларнинг илм-маърифат чўққиларини забт этиш йўлидаги шижоатини кўриб, қувонасан, қойил қоласан. Истиқлол фарзандларининг зукколиги, зийраклиги ҳавасни келтиради. Бу фарзандлар кимларнинг авлодлари эканликларини, дунё тамаддунида ўзининг илму урфони, юксак ақлий салоҳияти билан ном қолдирган аждодларини билишади. Беш яшар қизим Навоий бобосининг рубоийлари, шеърларини ёддан айтмоқда. Амир Темур бобомиз ҳақида бийрон-бийрон сўзлаб бермоқда. Бу боғчадалигидаёқ ўсиб келаётган ёш авлод онгига миллий истиқлол ғоялари сингдирилаётганидан далолат.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат Умуммиллий дастури ишлаб чиқилгани ва ҳаётга татбиқ этиб келинаётганини яхши биламиз. Мазкур дастуриламал ҳужжат Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини янада муваффақиятли амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Беш йиллик даврни ўз ичига қамраб олган мазкур дастур мактаб таълим тизимини тубдан яхшилаш, замон талабларига, андозаларига мос келадиган моддий-ўқув базани шакллантириш, шаҳар ва қишлоқ мактабларининг моддий базаси ва таъминоти даражасидаги тафовутни босқичма-босқич бартараф этиш, ўқитувчилар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш каби мақсадларга хизмат қилиб келмоқда.

Шуларнинг ўзи ҳам мактаб таълимини ривожлантириш миллат, жамият ва давлатимиз манфаатлари нуқтаи назаридан ғоятда масъулиятли вазифа эканлигини яна бир бор кўрсатиб турибди.

Биринчи синфга борган болажонларимизга Президент совғалари сифатида бепул дарсликлар, ўқув қуроллари берилиши анъанага айланганини яхши биламиз. Маълумот учун айтиш лозимки, биргина 2005 йилда умумтаълим мактаблари 1-синф ўқувчилари, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари учун бепул дарслик ва ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларни қишки кийим-бош билан таъминлаш мақсадлари йўлида 25 миллиард сўм сарфланган. Бемалол айта олиш мумкинки, бу билан боладаги таълим олишга бўлган интилиш, қизиқиш янада рағбатлантирилади.

Бугунги нотинч, ўта таҳликали, ўзаро тортишув, манфаатлар кураши авжига чиққан замонни кўриб, билиб турибмиз. Бундайин мураккаб шароитда дунё тан олган давлатлар қаторига чиқишимизга фақатгина таълим ва маърифатга таянган ҳолда, интеллектуал салоҳиятимизни юксак даражага кўтариш ҳисобидан эришмоғимиз мумкин. Бу борадаги ислоҳотларимиздан айнан ана шундайин устувор мақсад кўзланган. Жамиятимиз, миллатимиз тараққиёти илм-маърифатга, маънавиятга боғлиқ эканлигини англаганимиз, бу масалага умуммиллий мақом бераётганимиз порлоқ, нурли истиқболимизни таъмин этажак.

Дилафрўз РЎЗИЕВА.

ҚАЛБЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

«Ижтимоий ҳимоя йили» ҳамда мустақиллигимизнинг 16 йиллиги муносабати билан Марказий офицерлар саройида юртимиз тинчлиги, осойишталиги ва конституциявий тузумни ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг хотирасига бағишланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва «Сен ёлғиз эмассан» республика хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда ушбу муассаса ва ташкилотларнинг масъул ходимлари, қурбон бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳамда офицерлар иштирок этдилар.

Тадбир аввалида Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Тоҳир Ҳамроқулов сўзга чиқиб, ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи Ватанни кўз қорачиғидек асраш ва уни ҳимоя қилиш эканлигини, агар бирор бир мамлакатда тинчлик ва хотиржамлик бўлмаса, у ерда ҳеч қачон гуллаб-яшнаш ва фаровон турмуш бўлмаслигини, шундай экан, юртимиз хавфсизлигини сақлаш йўлида мардонавор жанг қилиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган асл юрт ўғлонларини халқимиз унутмаслигини ва улар қалбимизда мангу қолишини таъкидлади.

Шундан сўнг ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига турли қимматбаҳо совғалар топширилди.

– Ўтганларни хотирлаш, халқимизга хос хусусият. Мазкур тадбирни ўказишдан мақсад ҳам, хизмат вақтида ҳалок бўлган ҳарбийларни ёдга олиш, уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларга кенг жамоатчилик томонидан эътиборни янада кучайтиришдир,– дейди Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи – хотин-қизлар қўмитаси раиси Ойниса Нодирова. – Шу орқали уларнинг қалбларига озгина бўлса-да қувонч улашсак, биз ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришган бўламиз.

– Бизга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан жуда ҳам хурсандмиз, – дейди Гулнора Бадриддинова. – Мен тақдиримдан ҳеч қачон нолимайман. Турмуш ўртоғим ҳалок бўлганида ўзимни ёлғиз ҳис қилиб, жуда тушкунликка тушиб қолгандим. Лекин ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор кўнглимни кўтарди. Руҳан куч бағишлаб ҳаётга бўлган ишончимни оширди. Мана шундай улуғ айём кунларида бизни яна бир бор эслаб, мурувват кўрсатган бугунги тадбир ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Тадбир якунида «Амир Темур» давлат музейига саёҳат уюштирилди.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

Чақирувга тайёргарлик

ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» фани бўйича тайёрланган мультимедия ўқув қўлланмасининг тақдимотига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ходимлари ҳамда Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг Марказий Осиёдаги Минтақавий ваколатхонаси вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир аввалида «Меҳр-мурувват» жамғармаси раиси Хайриддин Мақсудов сўзга чиқиб, жумладан шундай деди:

–Маълумки, «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» фани академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ёшларда ҳарбий хизматга тайёрланиш борасидаги дастлабки билим ва кўникмаларни шакллантиради, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Шуларни ҳисобга олиб мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ махсус Дастур ишлаб чиқилди. Кейинчалик эса мана шу Дастур асосида икки қисмдан иборат дарслик, кўргазмали воситалар яратилди. Бугун сизларнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур электрон дарслик ўқувчиларнинг ҳарбий хизмат ҳақидаги тасаввурларини бойитишга ва билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Чунки улар ҳарбий жараённи кўриб, тасаввур қилади ва кўпроқ маълумотга эга бўладилар. Ушбу мультимедия ўқув қўлланмаси ҳарбий иш асослари, отиш тайёргарлиги, ҳарбий хизмат асослари ва жисмоний амалий тайёргарлик каби қисмлардан иборат. Ўйлаймизки, бу соҳада қўйилган ҳар бир ижобий қадам Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини, чегараларимиз мустаҳкамлигини таъминлашда, юрт ободлиги ва барқарорлигини сақлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, халқимизнинг энг буюк бойлиги ҳам ана шу тинчлик ва барқарорликдир.

Шундан сўнг электрон дарсликка киритилган мавзулар юзасидан видеолавҳалар намойиш этилди.

Дилшод ҲОЖИМУРОДОВ.

МК «Ватанпарвар» ташкилотларида

МАРДЛИКНИ ТАРАННУМ ЭТИБ

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига асосланиб, МК «Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро вилоят кенгаши ўз ишини ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик тарбиясини янада кучайтириш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш асосида ташкил этмоқда.


Ҳар йили вилоят кенгаши мудофаа ишлари, халқ таълими, ўрта махсус таълим бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, «Маънавият ва тарғибот» маркази билан ҳамкорликда оммавий – ватанпарварлик тадбирлари режасини тузади.

Ҳар ойнинг биринчи жума кунида МК «Ватанпарвар» ташкилотларида вилоят маънавият тарғибот маркази билан келишилган мавзулар бўйича «Маънавият ва тарғибот» кунлари ўтказиб келинмоқда. Августда ўтказилган бундай тадбир «Мустақиллик йилларида дунё Ўзбекистонни, Ўзбекистон дунёни қайта кашф этди» мавзуида бўлди.

Бухоро ва Ғиждувон автомобилчилар мактаблари ва барча кенгашларда фахрийлар, ҳарбий хизматчилар, ижодий ходимлар вакиллари билан «Миллий армиямиз Ватанимиз тинчлигининг мустаҳкам кафолати», «Офицерлик – жасоратли касб», «Мардлар қўриқлайди, Ватанни» мавзуларида суҳбат, давра суҳбатлари ўтказилади.

Яхши ташкил этилган ўқув-тарбиявий ишлар, керакли моддий ўқув негиз ва курсантлар учун яратилган маиший шароитлар автомобилчилар мактабларига Қуролли Кучларимиз учун мутахассисларни сифатли тайёрлаш имконини бермоқда. Ўз ўрнида автомобилчилар мактабида таълим олган ўсмирлар мутахассисликлари бўйича иш кўникмаларига эга, жисмоний яхши тайёрланган, армия жамоасига тезда кириша оладиган, қисқа муддатда ҳарбий ишнинг аъло даражадаги усталари бўлишмоқда.

Геннадий ҲАЛИМОВ,
МК «Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари.



Письмо в редакцию

ЛЮДИ ВЫСОКОЙ ЧЕСТИ

Накануне празднования 16-й годовщины независимости Республики Узбекистан в редакцию газеты «Ватанпарвар» приходит немало писем от родителей военнослужащих, в которых они выражают благодарность командованию частей, в которых проходят службу их сыновья. Предлагаем вниманию наших читателей одно из них.

Уважаемая редакция газеты «Ватанпарвар»! Наши сыновья проходят срочную службу в одной из частей Вооруженных Сил Республики Узбекистан. За короткое время они выросли, поправились, возмужали. В армии отличное питание и качественное обмундирование. Но самое главное то, что они очень многому научились.

Командиры стали поистине вторыми родителями наших сынов. Они требовательны, строги, но справедливы. Благодаря им наши сыновья стали отличными солдатами, специалистами своего дела. А еще офицеры и сержанты части являются опытными воспитателями и заботливыми наставниками. Они научили наших детей быть самостоятельными, успешно решать все появляющиеся проблемы. Наши парни стали гораздо более любящими и заботливыми, чем до призыва, они научились ценить свои семьи и окружающих их людей.

Большое спасибо и низкий поклон от нас, матерей, этим людям высокой чести и достоинства: офицерам и сержантам. Наши сыновья попали в очень надежные, добрые руки. Командиры делают все для того, чтобы солдаты срочной службы с честью и достоинством выполнили свой воинский долг перед Родиной и народом, отслужили с честью. С праздником, дорогие наши сыновья, их командиры и наставники! С Днем независимости! Успехов вам в вашем нелегком ратном труде!

С уважением,
А. УСАНКИНА, Г.БУТАБАЕВА,
Е. ХАКИМОВА, О. ГАВРИЛОВА, И. СЕРЕДА.

ҲАФТА ГЎЗАЛИ



Маълумки, мустақиллигимиз туфайли аъло ҳулқли, олижаноб инсоний фазилатларга эга, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ёрқин истеъдодини намойиш қилиш билан бирга истиқлол ғоялари йўлида фидокорона меҳнат қилаётган қизларимиз учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган. Мамлакат Улашова сергайрат, мазкур мукофотга сазовор лобар қизлардан бири.

Тошкент маданият коллежини муваффақиятли тамомлаган қиз айни кунларда Ўзбекистон давлат консерваториясининг Анъанавий хонандалик бўлимида таҳсил олмоқда. 2003 йилда Наманган шаҳрида ўтказилган "Алла" кўрик-танлови, 2004 йилда "Бойсун баҳори" Халқаро очиқ фольклор фестивалидаги иштироки билан ҳайъат аъзолари ва томошабинларда илиқ таассурот қолдириб, ўтган йили Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган "Ҳур ўлка қизлари" танловида совринли ўринни қўлга киритди, у. Мумтоз қўшиқчилигимизга ихлоси ва қадриятларимизга ҳурмати баланд талаба миллийликка улкан эътибор беради. Майда ўриларга сочлари устидан ироқи дўппини кийиб, мумтоз қўшиқларимизни куйлаганида тингловчиларнинг беихтиёр унга жўр бўлиши санъат шайдолари меҳрини қозона олаётганлигидан далолат.

– 2002 йили ҳаётимда унутилмас воқеа рўй берди, – дейди Мамлакат Улашова. – Танлов босқичларидан муваффақиятли ўтиб, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг маданият йўналиши бўйича совриндори бўлдим.

Қўйилган мақсад сари дадил қадам ташлашга, доим олға интилишга одатланган, орзу-умидлари бисёр ёшларимиз вакиласига омадлар тилаб қоламиз. Ишонамизки, келгусида у халқимизнинг севимли санъаткорлари қаторидан муносиб жой олади.

Қутлов

ҒАЙРАТИНГИЗГА ҒАЙРАТ ҚЎШИЛАВЕРСИН

Истиқлол сабаб, ўз миллий армиямизга эга бўлдик. Ислоҳотлар самараси ўлароқ Қуролли Кучларимиз профессионал асосда шаклланди. Бугун она юрт, истиқлол аталмиш бебаҳо неъмат ҳимоячиси бўлишдек шарафли соҳани касб деб билган ҳарбий хизматчилар маҳоратда, матонатда, куч-қудрат ва билим борасида асло ҳеч кимдан кам эмаслар. Айниқса, посбонларнинг ҳарбий соҳа билан бирга иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётимиздаги ўзгариш ва янгиланишлардан ҳам хабардорлиги, фаол ва ҳар жойда етакчи эканликлари профессионалларимизнинг салоҳиятлари нечоғлик юксак эканини яққол кўрсатади.

Республикамиз мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши қарорига мувофиқ миллий маънавият, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар негизида юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтириш ҳамда унинг халқаро нуфузини ошириш йўлида хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган бир гуруҳ юртдошларимиз «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Қувонарлиси, улар сафида Мудофаа вазирлигига қарашли батальон гуруҳи командири Алишер Ҳасанов ва сержантлар тайёрлаш мактаби тиббий тайёргарлик цикли йўриқчиси Муқаддас Холмуҳамедованинг ҳам жой олгани кўнглимизга сурур бағишлайди. Сафдошларимизнинг бундан кейинги ишларида ҳам омадлар тилаб, нуфузли натижалари янада ортишига астойдил тилак билдириб қоламиз.

Таҳририят.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН

Подумайте о будущем. Не лишним будет прислушаться к советам друзей и коллег, которым вы доверяете. Занимайтесь творчеством, побольше встречайтесь с друзьями.

РАК

Не скромничайте, позвольте раскрыться своим талантам и способностям. На работе вам потребуется максимально возможная собранность. Постарайтесь, чтобы вас не перегрузили работой.

ВЕСЫ

Детали сейчас приобретают первостепенное значение – постарайтесь уделять им должное внимание. Желательно логично и кратко излагать свои мысли. Удачно пройдут встречи.

КОЗЕРОГ

Пытаясь свернуть горы на своем пути, вы можете немного не рассчитать и переоценить свои силы. Больше интересуйтесь проблемами коллег и подчиненных – тогда ваши усилия не пропадут даром.

ТЕЛЕЦ

Прислушайтесь к тому, что говорят другие. Вас могут втянуть в совершенно бессмысленный спор – постарайтесь достойно выйти из этой ситуации. Вы получите полезную информацию.

ЛЕВ

На этой неделе возрастет нагрузка интеллектуального характера. Вас поддержат морально дружеские встречи. В середине недели возможно улучшение отношений с родственниками.

СКОРПИОН

Любой риск или авантюра приведет вас к провалу или разочарованиям. Постарайтесь зарекомендовать себя добросовестным работником. Проявите терпимость по отношению к коллегам.

ВОДОЛЕЙ

Самое время чем-то себя побаловать. Постарайтесь не суетиться и не спешить. Занятие любимым делом только утроит ваши силы. Желательно заняться генеральной уборкой квартиры.

БЛИЗНЕЦЫ

Вам удастся наладить отношения с деловыми партнерами. У предпринимателей и начальников возможны конфликты с подчиненными. Возможно возобновление давних связей.

ДЕВА

На этой неделе важно не упустить момента, когда вы будете способны продемонстрировать свои таланты окружающим. У вас появится возможность разобраться, кто вам настоящий друг.

СТРЕЛЕЦ

Прислушайтесь к голосу интуиции: она подскажет верное решение. Неделя будет удачна для поисков работы. Родственники могут озадачить вас своими проблемами.

РЫБЫ

Лучше отложить заключение сделок и договоров, подписание важных бумаг, улаживание юридических вопросов. Держитесь подальше от всяких интриг и закулисной возни.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

ЎЗ ЭЛИМНИ ЎЛАН АЙТИБ КУЙЛАЙМАН

ШОБЕРДИ БОЛТАЕВ



Достончилик санъати улкан ва ноёб хазина бўлиб, унинг яратилиши ва сайқал топиши авлодларнинг бадиий тафаккури билан боғлиқ. Уларда асосан ватанпарварлик, эзгулик, меҳр, вафо ва садоқат каби муқаддас фазилатлар тараннум этилган. Булар эса асрлар оша халқ оғзаки ижодида тилдан тилга кўчиб, то бугунги кунгача етиб келган. Достонларни, улардаги терма ва қўшиқларни халққа етказишда етук ижрочи – бахши, шоир, оқин ва жировларнинг хизматлари ҳам катта. Бахши нафақат хотираси ўткир сўз устаси ва бадиҳагўй шоир, балки моҳир созанда, хонанда ва актёр ҳамдир. Шундай истеъдодли ижодкорлардан – Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Бола бахши, Шерна бахши, Қодир бахши, Ислом шоир ва Абдулла шоир каби бахши ва шоирлар бу йўлда ўзларига хос мактаб яратганлар. Уларнинг анъаналари бугун ҳам шогирдлари ижодида сақланиб, сайқал топаяпти. Саҳифамиз меҳмони Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев ҳам узоқ йиллардан буён бахшичилик йўналишида ижод қилиб, қадим маънавий қадриятларимиз бўлган достон, миллий терма қўшиқ ва яллаларнинг ҳозирги кунгача сақланишида улкан ҳисса қўшаётган ижодкор инсонлардан. Бахши яқинда истиқлолимизнинг 16 йиллик тўйи муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

– Етти ёшимдан бошлаб дўмбира чертаман, – дейди Шоберди Болтаев. – Отам, боболарим ҳам созанда-бахши бўлишган. Доим тўй-ҳашамларда дўмбира билан миллий терма ва яллаларни кўйлашарди. У пайт тўйларда бахшилар учун махсус жой тайёрлашарди. Бу жой қур деб аталган. Тўйга таклиф қилинган бахшилар ана шу катта даврада айтишув қилишарди. Бу айтишувлар баъзида эрталабгача давом этарди. Мен эса уларнинг хатти-ҳаракатларини қизиқиш билан томоша қилардим. Ўзим ҳам куйлашни хоҳлардим-у, аммо тортинардим. Уйда ҳеч ким йўқ пайтда эса дўмбира билан бахшилар айтган терма ва достонлардан уларга тақлид қилиб, парча куйлардим. Мактабни битирганимдан сўнг Термиз давлат университетига ўқишга кирдим. Университетда Мардон Оқулов деган бахши йигит билан бирга бир курсда таҳсил олганман. У ўз ижро маҳоратига эга, ҳар қандай терма ва яллаларни ўз йўналишига солиб куйлайдиган истеъдодли йигит эди. У менга достончилик санъати бўйича сабоқ бериб, устозлик қилди. Дарсдан бўш вақтда достон айтиш йўлларини ва халқимиз орасида маълум ва машҳур «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Ойпарча» каби достонлар туркумининг айтилиш сир-асрорларини ўзлаштиришимга ёрдам берди. Шундан сўнг ўзим мустақил равишда халқона термаларни бойитиб куйлашни ўргандим. 1976 йили биринчи марта катта даврада «Ойпари», «Оғажон», «Ниҳа ёмон – шу ёмон» деб номланган термаларни ижро этганман. У пайтда талаба эдим. Даврадаги томошабинларнинг олқишидан жуда ҳам хурсанд бўлганман. Чунки менинг изланишларим ўз самарасини берган эди. Шундан сўнг кўпроқ терма ва достонларни ўзлаштиришга киришдим. «Санам гавҳар», «Олтин қабоқ», «Сулувхон», «Малла савдогар», «Дўмбирам», «Келиной», «Тилар», «Меҳмондир» каби терма ва достонларни ўргандим.

– Бахши бўлиш учун инсонда истеъдод бўлиши керакми ёки қизиқишнинг ўзи кифоями?

– Агар одамда мана шу санъат турига қизиқиш кучли бўлса, истеъдоди бўлмаса ҳам яхши бахши бўлиши мумкин. Масалан, менда ҳам истеъдод бўлмаган. Лекин бахшичиликка қизиқиш кучли бўлган. Мана шу қизиқишим туфайли ўз устимда тинмай ишладим. Аслида қизиқиш ҳам истеъдодни шакллантиради. Чунки қизиққан киши кўпроқ ўрганишга, изланишга ҳаракат қилади ва бунга эришади ҳам. Шунинг учун бахши бўламан, деган одам бу санъат турига астойдил қизиқса, ҳаракат қилса, албатта, ўз олдига қўйган мақсадига етади. Ўғлим Рўзиқул Болтаев ҳам бахшичилик йўналишида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган ёшлардан. Унда ҳам қизиқиш кучли. Ҳозирга қадар жуда кўп терма ва достонларни ёддан билади. Бу ҳам аслида қизиқишнинг самараси. Шогирдларим орасида ҳам қизиқиш туфайли шу йўналишда ижод қилаётганлар талайгина.

– Бахши, оқин ва жировларнинг ижоди бир-биридан қайси жиҳатлари билан фарқланади?

– Ҳар бир вилоят ёки ҳудуд бахшиларининг ўз ижро усуллари ва йўналишлари бор. Шу жиҳатдан ҳам уларнинг ижоди бир-биридан фарқланади. Сурхондарёда бахшичилик йўналишида Шеробод достончилик мактаби бор. Биз ана шу мактаб вакилларимиз. Ижодимизнинг ўзига хос жиҳати, биз ҳар бир достон ёки термаларни ички овозда куйлаймиз. Жиров ва оқинлар ҳам ўз ижро усуллари ва репертуарлари билан ажралиб туради. Қозоқ миллатига хос оқинлик санъатида айтишувлар кенг тарқалган. Жировчилик ҳозирги кунда фақат Қорақалпоғистонда мавжуд бўлиб, жировлар оғиз бўшлиғида, очиқ овозда куйлашади. Шу боис уларнинг ўзига хос ижро мактаблари бор.

– Кейинги йилларда мамлакатимизда миллатимиз анъаналари ва қадриятларини, бадиий меросини сақлашга улкан ҳисса қўшаётган бахшилар ижодига эътибор берилиб, уларга кенг имкониятлар яратилаяпти...

– Тўғри айтдингиз, ҳақиқатан ҳам мустақиллик бизга улкан имкониятлар эшигини очди. Бахшилар ижодига кўрсатилаётган эътибор туфайли бу йўналишда ижод қилаётган ёш, истеъдодли бахши, оқин ва жировлар етишиб чиқаяпти. Бунда республикамизда ўтказилиб келинаётган бахши-шоирлар ва оқинлар кўрик-танловининг жуда катта ҳиссаси бор. Эндиликда танловда иштирок этиб, фахрли ўринларни киритаётган ёшлар хорижий мамлакатларга ҳам гастроль сафарларига боришаяпти. Бундан мен фахр ва ғурур ҳиссини туяман. 2006 йилдан бошлаб бахшичилик йўналишида ижод қилаётган ёшларни тақдирлаш «Ниҳол» давлат мукофоти Низомига киритилди. Биринчи бўлиб ёш бахшилар орасида бу мукофот сурхондарёлик Илҳом Норовга насиб этди. Бу ҳам бахшиларнинг ўз истеъдодларини намойиш қилиш учун яратилган катта имкониятдир. Мустақиллик туфайли мен халқ бахшиси деган унвонга сазовор бўлдим, орден билан тақдирландим. Аслида ижодкорга озгина эътиборнинг ўзи кифоя. Мен бизга кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик ва юксак эътибор учун давлатимиз раҳбариятига миннатдорчилик билдираман.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА суҳбатлашди.

Фотовыставка

ВСЕНАРОДНОМУ ПРАЗДНИКУ НЕЗАВИСИМОСТИ ПОСВЯЩАЕТСЯ

Накануне всенародного праздника – 16-летия независимости нашей страны – в Центральном Доме офицеров Вооруженных Сил Республики Узбекистан состоялось открытие фотовыставки по итогам Первого Всеармейского фотоконкурса «Энг улуг ва энг азиз» среди военнослужащих, членов их семей и ветеранов Вооруженных Сил.

В фотоконкурсе приняли активное участие военнослужащие, служащие и члены их семей из всех военных округов и самых дальних гарнизонов. Более ста различных работ авторов-любителей были представлены на фотовыставке по таким номинациям, как «Узбекистан – жонажон Ватаним», «Менинг армиям – менинг фахрим» и «Профессионал армия сари».

В первой номинации отобраны фотографии, отражающие красоту, богатство любимой Родины, радость и успехи военнослужащих и членов их семей, во второй – фотографии, посвященные боевой учебе, спорту, культуре, отдыху, в третьей – фотографии, освещающие профессионализацию, ход реформ, проводимых в Вооруженных Силах.

Победителям и призерам Первого Всеармейского фотоконкурса будут вручены дипломы, призы и денежные премии. Фотовыставка открыта до 20 сентября 2007 года.

Лаура ЗАЙНИЛОВА,
студентка факультета журналистики УзНУ.

МЎЙҚАЛАМДА ЮРТ ЖИЛОСИ

Тасвирий санъат дунёси, ундаги гўзаллик акси ҳар қандай инсонни бефарқ қолдирмайди. Чунки дунё яралибдики, бу оламда ҳар бир инсон гўзаликка талпиниб яшайди.

Куни кеча Қуролли Кучлар Марказий музейида Республика Бадиий академияси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон она юртим» мавзусидаги бадиий кўргазманинг тантанали очилиш маросими бўлди.

– Мустақиллик байрами арафасида музейимизда ушбу бадиий кўргазмани бежиз ташкиллаштирмадик, – дейди биз билан суҳбатда музей бошлиғи офицер Содиқ Ортиқов. – Юртимиздаги уста мусаввирлар томонидан яратилган ижод намуналарида жаннатмакон диёримизнинг гўзал табиати манзараси, тарихий обидалари акс этиб турибди. Бу асарларда рассомнинг юртига бўлган улкан муҳаббати намоён. Ватанга садоқат руҳида йўғрилган мазкур ижод намуналари юртимиз посбонларига байрам туҳфасидир.

Ушбу кўргазмада таниқли мусаввирларимиз 30 дан ортиқ тасвирий санъат асарлари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилган.

Дарҳақиқат, бадиий кўргазма залини кеза туриб, ҳар бир асарни диққат билан кузатарканман, рассомлар ижодида улкан ватанпарварлик туйғусини англаш қийин эмас. Айниқса, Рихсибой Аюповнинг «Чашма», Евгений Гадецкийнинг «Чорвоқ қишлоғи», Владимир Зайцевнинг «Кумушкон чинори», «Чотқол» ёки Валентин Родиннинг «Илиқ кун» каби асарларида она табиат манзараси ўзига хос тарзда талқин қилинган. Зайцевнинг «Кумушкон чинори» асари ҳақида алоҳида тўхталадиган бўлсак, ушбу асар мусаввир томонидан шу қадар нозик дид билан ишланганки, эътиборингизни ўзига жалб қилиши баробарида хаёлингизни бир он бўлса-да беғуборлик сари етаклайди. Равиль Шарафутдиновнинг «Булоқ», «Ёшлик хотиралари» асарлари ўзининг ёрқинлиги, нафосатга бойлиги билан кеча, бугун ва келажагимизни ёдга солиб туради. Ваҳоб Зиёевнинг «Мумтоз ашула», Елена Шубинанинг «Чошгоҳ» каби асарлари чуқур фалсафий мазмун-моҳиятга эгалиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Инсон эҳтиёжларининг энг аълоси санъатга, демакки, гўзаликка бўлган эҳтиёждир. Киши бу эҳтиёжни ўзига манзур бўлган гўзаликка боққандагина қондиради. Кўргазмага ташриф буюрган томошабинларни, юртимиз посбонларини машҳур мусаввирлар томонидан яратилган гўзал тасвирий санъат асарлари беэътибор қолдирмади. Улар стук рассомларнинг ранг тасвирдаги бетакрор ижод намуналаридан олам-олам завқ олишди. Таъкидлаш керакки, рассомларимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейида намойишга қўйилган тасвирий санъат асарлари нафақат ҳарбийларимиз учун, балки ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонлари учун ҳам ўзига хос байрам туҳфаси бўлди.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ
суратга олган.



ДАВОМЛИ ШОДИЁНАЛАР

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти оркестри садолари остида гарнизон офицерлар уйига байрамона ва кўтаринки кайфиятда келаётган меҳмонлар юзида шоду ҳуррамлик, қувонч акс этмоқда. Зеро, энг севимли, энг улуғ ва азиз байрамимизга бағишланган тадбирнинг ўзгача тарзда бошланиши ва ўтиши мумкин ҳам эмас.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссияси раиси Карим Султонов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев, Тошкент давлат санъат институти проректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Авазхон Муллабоев, Республика Маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси Оллоёр Бобонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Саидов, Тошкент вилояти ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Раҳматилла Шералиев, вилоят маънавият тарғибот маркази раҳбари Суяр Қурбонқулов ва Чирчиқ шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шоҳида Ирисметова, шунингдек, Мудофаа вазирлигининг масъул офицери подполковник Ислом Иноятов ва Тошкент ҳарбий округ қўмондонлигидан подполковник Алишер Муиновлар иштирок этдилар.

Ташриф буюрган меҳмонларнинг Ватан, она юртга садоқат ва меҳр-муҳаббат, истиқлол йилларида ҳар соҳада эришилаётган улкан ютуқ ва муваффақиятлар, қолаверса, Қуролли Кучларимизда рўй берган ўзгариш ҳамда янгиланишлар, олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳаётга татбиқ этилиши сингари мавзулардаги чиқишлари гўзал куй ва қўшиқларга уланиб кетди.

– Устоз санъаткор Хайрулла ака Лутфуллаевнинг қўшиқларини доим севиб, жон-қулоғим билан тинглайман, – дейди кўп сонли томошабинлардан бири Шарофат опа Раҳмонова. – Халқ артистининг ташрифи бизларни янада қувонтирди. У кишини ойнаи жаҳон орқали кўриб юрган бўлсак, бугун бевосита суҳбатларидан, севимли қўшиқларимиз жонли ижросидан баҳраманд бўлдик.

– Мен кинога жуда қизиқаман, – дейди муддатли ҳарбий хизмат оддий аскари Нодир Тўйчиев. – Меҳмонлар орасида Тоҳир Саидовдек халқимизнинг машҳур театр ва кино актёри борлиги қувончимга қувонч қўшди. У талқин этган образлар санъатга бўлган қизиқиш ва ҳурматимни янада оширди.

Муддатли ҳамда шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, курсантлар, офицерлар ва Қуролли Кучларимиз хизматчилари, ҳарбийларнинг оила аъзолари иштирок этган мазкур тадбир уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари, маънавий озуқа олишлари, муҳими, қутлуғ айёмни муносиб кутиб олишларига хизмат қилгани шубҳасиз.

Катта лейтенант
Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Алижон Итолмасович САФАРОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Владимир Кузнецов** ва **Роберт Ислакаев** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-4009. **Адади** 25760.